

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Содиқова Дилором Одиловна

Ҳозирги замон педагогини касбий шакллантириш муаммолари

**5A1109101 – Педагогика мутахассислиги бўйича магистрлик
диссертацияси**

БУХОРО – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПЕДАГОГИНИ КАСБИЙ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ҳозирги замон педагогининг касбий мавқеи.

1.2. Педагоглик касбининг ўзига хос хусусиятлари.

1.3. Педагог-тарбиячининг касбий идеали.

1.4. Педагогнинг “Мен - концепцияси” ва уни шакллантириш муаммолари.

II БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПЕДАГОГИНИ КАСБИЙ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

2.1. Ўз касбига муносабат нуқтаи назаридан педагогнинг касбий позицияси.

2.2. Педагогнинг типик касбий позициялари тавсифи.

2.3. Касбий позициянинг шаклланиши педагогик қобилиятлар ривожланиш даражаси билан боғлиқлиги.

III БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПЕДАГОГИНИ КАСБИЙ ШАКЛЛАНТИРИШГА ОИД ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Педагог шахсининг касбий педагогик позицияси нуқтаи назаридан ўз-ўзини таҳлил.

3.2. Тарбиячи сифатида педагог-тарбиячи касбий позицияси диагностикаси.

3.3. Педагогик диагностика асосида мулоқот усулларининг агрессив турлар бўйича тарбия жараёнидаги деформация ўзгаришларини аниқлаш методикаси ва унинг самарадорлиги

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш шароитида республикамизнинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий – маданий ва маънавий ҳаётида рўй бераётган ҳодисалар, уни жаҳон ҳамжиҳатлигига тезкор киришини, ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш борасида олиб бораётган ислохотларни тезлаштиришни талаб этмоқда. Буни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири мамлакат меҳнаткашларининг, хусусан ёшлар таълим – тарбияси билан шуғулланувчиларнинг касб малакалари ва маҳоратларини такомиллаштириш эҳтиёжини туғдирди. Зеро, бугунги кунда ахборотлар оқимининг кескин кўпайиши, ривожланиши, илмий – техникавий тараққиётнинг жадаллашувига, мавжуд педагогик – психологик, методик, амалий тайёргарликнинг маълум даражада “эскириши”га олиб келди ва бу ўз навбатида педагогик меҳнат билан шуғулланувчиларнинг касбий маҳорати, ижодкорлигини ривожлантиришга эътиборни янада кўпроқ қаратиш лозимлигини тақозо этди. Бу эътибор ва талабни амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири, касбий маҳоратни такомиллаштириш технологиясини жорий этиш. Бунинг учун эса касбий педагогик тайёргарлик, таълим йўналишида педагогик маҳорат асослари фанини ўқитишни мукамаллаштириш демакдир.

Маълумки, умумий меҳнат билан касб ихтисослиги ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Чинакам касбий моҳирлик даражаси шахснинг умумий ривожланиши билан тўғридан – тўғри боғлиқликда, алоқада бўлади. Зеро, касбни аниқ танлаш, унга бўлган қизиқишни орттириш, маҳоратли бўлишни уйғотади. Маҳоратли касб эгасининг маънавий дунёси бой, ишлаш қобилияти теран бўлади ва у ўз касби ёрдамида ўзига ҳам, бошқаларга ҳам катта фойда келтиради. Шунинг учун касбий маҳоратни шакллантириш, тарбиялашга ва ниҳоят уни такомиллаштиришга интилиш, уни керакли маълумотлар, ахборот(билим)лар, малакалар билан тўлдириб бориш шу куннинг, қолаверса таълим ислохотларининг долзарб масаласидир.

Мазкур масаланинг долзарблигини педагогик назария ва тажриба яна қўйидаги ҳолат билан исботлайди: педагогик изланиш, таълимий ўқиш, ўқитишнинг меъёрий ҳужжатлари, дарсликлар, қўлланмалар, ахборот воситалари, қанчалик мукаммаллашган бўлмасин, педагогик амалиёт, таълим - тарбия ишларининг муваффақияти охир оқибатда педагог шахсига, унинг касб – кор маҳоратига боғлиқ. Эҳтимол, шу нуқтаи – назардан ҳам Республика Президенти Олий мажлисининг биринчи чақириқ тўққизинчи сессиядаги “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзусидаги маърузасида “Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг **маълумоти, малакасини ошириш** (Таъкид бизники) каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим – тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо шу ерда. Ўқитувчи талабаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”¹- деб таъкидлагани бежиз эмас. Шунинг учун ҳам бугунги кунда “... домлаларнинг савияси ва билимини оширишга шарт – шароит туғдиришимиз керак. Домлалар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устида ишламасалар, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларга илмий сафарга бориб келмаса, тажриба алмашмаса, албатта, бундай аҳвол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир қилади....Улар чет элларда малакасини оширсин, донғи чиққан университетларда ўзлари лекция ўқисин, тажриба орттирсин, мана шундан кейин Ўзбекистоннинг обрўйи – номи оламга овоза бўлади, иншооллоҳ”².

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақил Республикаимизнинг ўқитувчиси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қайд этилганидек юксак маънавий – ахлоқий фазилат, хулқ маданияти ва миллий истиқлол мафкурасини мукаммал эгаллаши керак бўлади. Зеро, ўқитувчи – тарбиячи юксак маънавият, ахлоқ - одоб, хулқ маданиятига эга бўлсадагина,

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997, 7 – бет.

² Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997, 12 – бет.

талабаларга инсоний нуқтаи - назардан меҳрибон, саховатли бўла олади, уни ҳамма хурмат қилади. Бунинг учун ақл – заковатли, сахий, қатъий, иродали, кўнгли очик бўлиши, ўзига ва талабаларга нисбатан талабчан, меҳрибон ва хайрихоҳ, ўз шахсига танқидий нуқтаи назардан ёндаша оладиган бўлиши талаб этилади.

Шу ўринда эътироф этиб ўтиш жоизки, педагогик маҳорат ўқитувчи - тарбиячи касбий ва шахсий фазилати тўғрисидаги фан сифатида маълум методологик асосга эга. Дарҳақиқат, ўқитувчи касбий маҳоратини шакллантиришнинг илмий – назарий, методологик ва амалий йўналишлари Ю.П. Азаров, Т.И. Гоноболин, А.К. Кузмина, О.А. Абдулина, А.В. Мудрик, Н.В. Кухарев, В.А. Селастёнин, В.А. Кан – Калик, Н.Д. Никандров, А.В. Петровский, Умар аз Замахшарий, Бурхониддин Зарнуджий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, М.Очилов, К.Зарипов, В.А. Крутецкий, Ж.Г. Йўлдошев, Э. Ғозиев, У. Маҳкамов, Б. Хўжаев ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритилган. Уларнинг таъкидлашларича, ўқитувчи ўз фанининг билимдони бўлиши билан бирга, инсонпарвар, адолатли бўлиши, миллий тарбия тарғиботчиси ҳамда комил инсон сифатида ўзида шахсий – касбий сифатларни таркиб топдирган касб эгаси бўлиши лозим.

Ижтимоий қиймат ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий психологик ҳодисалар, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳозирги давр билан уйғунлаштириш ҳамда аждодлар билан авлодлар ворислигини ўрнатиш фақатгина шу касб эгалари ёрдамида амалга оширилади.

Машҳур Нақшбанд тариқатида шундай ҳикмат бор “... Адаб бу хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир. Хизмат одоби улуғ бахтдан яхшироқ, унинг белгиси амалнинг қабўли, туғён эса амалнинг бузуклигидир. Адабни сақлаш – муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахти, яна муҳаббат уруғи ҳамдир”.

Юртдошимиз Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил шаҳар кишиларининг ахлоқий қарашлари”, “Рух маданияти ҳақида рисола” каби тарбиявий

кудратга эга бўлган педагогик асарларни қолдирган аллома ҳисобланади. У: “... . Табиий боғланғичлар таъсири остида комил инсонга айланишгина кифоя қилмайди, чунки, инсон бўлиб, инсоний камолотга эришуви учун сўзлаш ва касб ҳунарга муҳтождир”, - деганида ҳақ эди. Шунингдек, жаҳон фани ва маданиятига ўзининг бой илмий мероси, кўп қиррали илмий фаолияти билан маълум ва машҳур бўлган Абу Райҳон Берунийнинг ижодида ҳам инсоннинг таълим-тарбияси, камолоти бош масала бўлган. У “Ўқувчини ҳамма нарсага ўргатиш” номли рисоласида, устоз шогирдни санъатга, табиат кўрсатмаларига асосланишга, унинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши лозим деб, таъкидлаган.

Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарининг биринчи китобида ёшлар таълим-тарбиясида алоҳида гуруҳлар билан суҳбат услубини тавсия қилади. Ибн Сино шу ва шунга ўхшаш усуллар ҳақида фикр юритар экан ўқитувчилик – тарбиячилик касбининг имкониятларини очиб беради.

Ўқитувчилик касбининг педагогик, психологик қирраларини тадқиқ қилган Ф.Н. Гोनоболин ўзининг “Ўқитувчи ҳақида қисса” рисоласида ўқитувчи Вера Александровна Рауш номидан фикр юритиб маҳоратли ўқитувчини қуйидагича таърифлайди. “Менимча яхши ўқитувчи бўлиб етишиш учун энг аввал ҳақиқий ҳаёт кечириш, муайян мақсадга йўналтирилган, тўла қонли ҳаётга интилиш керак. Табиатни ўрганиб, унинг қонуниятларини кузатиб бориш, китоб мутоала қилиш, мусиқа тинглаш, театрларга бориш, сайёҳатга чиқиш сингари ишлар билан шуғулланиш керак. Кейинчалик бошқаларга улашиш учун педагогнинг қалби жуда кўп нарсани ўзида сингдириши зарур. Шунинг учун мен узлуксиз равишда китобга мурожаат қиламан, табиатдан ўрганаман, доимо ўқийман, астойдил ўқийман.”³

Демак, ўз касбининг моҳир эгаси бўлиш учун ўқитувчи мунтазам ўз устида ишлаши, табиатдан, санъатдан, ҳаётдан, фандан баҳра олиб, ривожланиб, мукаммаллашиб боргандагина мақсадга эришади. Инсон

³ Гोनоболин Ф.Н. Ўқитувчи ҳақида қисса. – Т.: 1967, 66- бет.

психологиясининг моҳир устаси Ф.Н. Гोनоболин таъкидлаганидек, ўқитувчи ўзининг бутун куч – қувватини, иродасини, билимини, ўзида бор ҳамма яхши нарсаларини ўз шогирдларига, халққа беради. Аммо, у ўзида бор нарсаларнинг ҳаммасини бугун, эртага, индинга берса-ю, ўз билимини, кучини, қувватини яна ва яна тўлдириб бормаса, у ҳолда ўзида ҳеч нарса қолмайди. Ўқитувчи бир томондан ўзида борини бериши, иккинчи томондан бўлут сингари, ҳаётдан, фандан, нимаики яхши нарсалар бўлса олишга одатланмоғи, халқнинг энг илғор кишилари билан ҳамкорликда ишламоғи лозим. Ана шундай бўлганда, у ўз талабаларига қанча кўп нарса бермасин, агар халқдан, ҳаётдан, фандан озикланиб, энг яхши хислатларни ўқий олса, у ҳолда, унда ўз талабалари учун бундай ризқли ширалар ҳамиша ортиғи билан мавжуд бўлади.⁴

Бинобарин, буюк немис педагоги Адольф Дистерверг ўқитувчининг мунтазам равишда фан билан шуғулланиши ҳақида гапириб, шундай ёзган эди:- “Ўқитувчи мунтазам равишда фан билан шуғулланмоғи лозим. Акс ҳолда у қуриган дарахт ва тошга ўхшаб қолади. Қуриган дарахт ва тош мева бера олмаганидек, келажакда бу ўқитувчидан ҳеч натижа кутиб бўлмайди”.

Ҳозирги фан ва техника жадал равишда ривожланаётган, ахборотлар кескин ошиб бораётган бир даврда ўқитувчи педагогик маҳоратини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Агар, илгари фаннинг бирор соҳасида рўй бераётган йирик кашфиёт қарийиб ўн, ўн беш йиллик самарали ва киши зўрға ишонадиган воқеа ҳисобланган бўлса, ҳозирги вақтда ҳар йили, ҳатто ҳар ой ичида фан, техника соҳасида шундай янги - янги кашфиётлар рўй бермоқдаки, билимларнинг илгари номаълум бўлган янги йўналишлари майдонга келмоқдаки, бунинг учун ҳар бир касб эгаси, жумладан ўқитувчи ўз маҳорати устида мунтазам ишлаш керак бўлади. Кишиларда, энг аввал ёшларда, билимга бўлган интилиш беқиёс даражада ўсиб бораётир. Шунинг учун ҳозир ўқитувчи фақат ўз фани бўйича эмас, балки ўз фанига яқин бўлган соҳалардаги янгиликларни билиши ҳам лозим бўлади. Чунки, адабиёт

⁴ Гोनоболин Ф.Н. Ўқитувчи ҳақида қисса. – Т.: 1967, 67 - бет.

дарсларида талабаларни – нисбийлик назарияси, молекуляр биология, кибернетикага доир масалалар қизиқтириб қолади. Қизиқувчан ўқувчи – ёшларни фаннинг бу соҳалари бўйича саволларига жавоб бера оладиган ўқитувчигина уларнинг севимли ўқитувчиси бўла олади. Бунинг учун маҳорат зарур. Шундай вақтларда ўқитувчи ва ёш ўқитувчиларга: “Изланинг, ўқинг, иложи борича яна кўпроқ ўқинг!”, дегинг келади. Фикримизча, бадиий адабиётни етарли ўқимаган ўқитувчи тарихдан, физикадан, математикадан яхши дарс бера олмайди.

Ўқитувчи фаолиятининг педагогик қобилиятлар тизимида тадқиқ қилган Н.В. Кузмина шундай ёзади: - “Таълим – тарбияда рўй берадиган кўпгина камчиликлар ўқитувчи - тарбиячининг педагогик қобилиятининг амалий йўналишини яхши билмаслик, истеъдоднинг ўқитувчида йўқлигидир”.

Тадқиқот мақсади. Ҳозирги замон педагогининг касбий шаклланиш жараёнини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ҳамда замонавий педагог касбий шакллантириш самарали метод ва усуллари тизимини ишлаб қичиш ва замонавий педагогни касбий шакллантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари. Юқорида белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда магистрлик диссертациясида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланди:

- ҳозирги замон педагогининг касбий мавқеини аниқлаш;
- педагоглик касбининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб бериш;
- педагог-тарбиячининг касбий идеалини асослаб бериш;
- педагогнинг “Мен - концепцияси” ва уни шакллантириш муаммоларини аниқлаш;
- ўз касбига муносабат нуқтаи назаридан педагогнинг касбий позициясини аниқлаш;
- педагогнинг типик касбий позициялари тавсифини келтириш;
- касбий позициянинг шаклланиши педагогик қобилиятлар ривожланиш даражаси билан боғлиқлигини очиб бериш;

- педагог шахсининг касбий педагогик позицияси нуқтаи назаридан ўз-ўзини таҳлили намунасини ишлаб чиқиш;
- педагог тарбиячи касбий позицияси диагностикасини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳозирги замон педагогининг касбий мавқеини аниқланганлиги; педагогик касбининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берилганлиги; педагог-тарбиячининг касбий идеалини асослаб берилганлиги; педагогнинг “Мен - концепцияси” ва уни шакллантириш муаммоларини аниқланганлиги; ўз касбига муносабат нуқтаи назаридан педагогнинг касбий позициясини аниқланганлиги; педагогнинг типик касбий позициялари тавсифини келтирилганлиги; касбий позициянинг шаклланиши педагогик қобилиятлар ривожланиш даражаси билан боғлиқлиги очиб берилганлиги; педагог шахсининг касбий педагогик позицияси нуқтаи назаридан ўз-ўзини таҳлили намунасини ишлаб чиқилганлиги; педагог тарбиячи касбий позицияси диагностикасини кўрсатиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти ҳозирги замон педагогининг касбий мавқеини аниқланганлиги; педагогик касбининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берилганлиги; педагог-тарбиячининг касбий идеалини асослаб берилганлиги; педагогнинг “Мен - концепцияси” ва уни шакллантириш муаммоларини аниқланганлиги; ўз касбига муносабат нуқтаи назаридан педагогнинг касбий позициясини аниқланганлиги; педагогнинг типик касбий позициялари тавсифини келтирилганлиги; касбий позициянинг шаклланиши педагогик қобилиятлар ривожланиш даражаси билан боғлиқлиги очиб берилганлиги; педагог шахсининг касбий педагогик позицияси нуқтаи назаридан ўз-ўзини таҳлили намунасини ишлаб чиқилганлиги; педагог тарбиячи касбий позицияси диагностикасини кўрсатиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот объекти. Замонавий педагогнинг касбий шаклланиш жараёни.

Тадқиқот предмети. Замоनावий педагогнинг касбий шакллантириш усул, метод ва шакллари мажмуи.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури», «Олий таълим концепцияси», «Педагогик таълим концепцияси», «Умумий таълим концепцияси», Олий Мажлиснинг тегишли Қонунлари, Президент асарлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Вазирлиги буйруқ-кўрсатмалари, мавзуга оид асосий йўналишлар манбаларидаги илмий-методологик маълумотлар. Унинг методлари яхлит боғлиқлик, синтез, анализ, тизимлаштириш ва тажриба-синов усуллари ўзида мужассамлаштиргандир.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Агар

- ҳозирги замон педагогининг касбий мавқеи аниқ кўрсатиб берилса;
- педагоглик касбининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилса;
- педагог-тарбиячининг касбий идеали бугунги кун талаби ва глобаллашув муаммолари асосида очиб берилса;
- педагогнинг “Мен - концепцияси” ва уни шакллантириш муаммолари аниқланса;
- ўз касбига муносабат нуқтаи назаридан педагогнинг касбий позицияси аниқланса;
- педагогнинг типик касбий позицияларига аниқ тавсиф берилса;
- касбий позициянинг шаклланиши педагогик қобилиятлар ривожланиш даражаси билан боғлиқлиги асослаб берилса;
- педагог шахсининг касбий педагогик позицияси нуқтаи назаридан ўз-ўзини таҳлил қилиш дастури ишлаб чиқилса;
- тарбиячи сифатида педагог-тарбиячи касбий позицияси диагностикаси ишлаб чиқилса;
- педагогик диагностика асосида мулоқот усуллари аниқ турлар бўйича тарбия жараёнидаги деформация ўзгаришларини аниқлаш методикаси

ва унинг самарадорлиги кўрсатиб берилса педагогик фаолият самарадорлиги ошади, бўлажак педагогларни касбий тайёргарлиги сифати ва самарадорлиги ошади, педагогик фаолият жараёнида касбий деформацияга учраш хавфининг олди олинади.

Диссертация таркибан кириш, 3 боб, 10 фасл, хулоса, 88 номдаги адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, жами 99 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПЕДАГОГИНИ КАСБИЙ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ҳозирги замон педагогининг касбий мавқеи

Ҳозирги замоннинг маданиятли жамиятида педагоглар алоҳида диққатга сазовор бўлган кишилар ҳисобланадилар. Агарда таълим-тарбия соҳасида педагог ўрнига тайёргарлиги суст одам бўлса, биринчи навбатда болалар жабр чекади. Чунки бунда тиклаб бўлмайдиган маънавий-маърифий йўқотишлар юзага келади. Шундан келиб чиққан ҳолда жамиятда шундай шароитлар яратилиши керакки, унда болалар билан ишлаётган мутахассислар орасида мукамал тайёргарликка эга педагог тарбиячилар кўпроқ бўлишига эришилсин.

Тарбиячи аввалламбор педагогдир. Педагог деганда, одатда, маълум бир касб ва шахсни шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий вазифа эгаси тушунилади. Бунда, реал ҳаёт шароитида фаолият чегарасини белгилаш анча мушкулдир. Ушбу касб ички мураккаб тузилишга эга бўлиб, турли таъсир воситалари идеал хусусиятли жиҳатларни ўзида мужассамлаштиргандир. Оддий кишилар назарида бу қандайдир бир тарқоқ образ сифатида, масалан «севимли ўқитувчи» каби ғалати туюлади. Шу билан бирга «касб образи» сифатида мужассамлашган ҳолда ҳам учраши мумкин. Бу илмий, адабий ва фольклор асосида шаклланган бўлади. Шу сабабли бунда «касб» атмасини аниқ белгилаш керак бўлади [3, 1070].

Касб – инсон меҳнат фаолиятининг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси; ҳунар.⁵

Касб тушунчасининг тўртта таърифини ажратиб кўрсатимиз мумкин бўлади:

1. Инсон куч-қувватини сарфлайдиган соҳа ва меҳнат субъекти сифатида киши ўз вазифасини бажарадиган соҳа.
2. Муайян меҳнат вазифаларини бажарадиган кишилар жамоаси.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006. 328-бет.

3. Махсус тайёрланганлик (билим, кўникма, малака, кавалификация) даражаси бўлиб, унинг ёрдамида инсон муайян турдаги меҳнат вазифасини имкониятига эга бўлади.

4. Фаолият, касб эгасининг профессионал даражада ўз вазифасини

Касб бу бажарилиши зарур бўлган ва бевосита ҳаёт билан боғлиқ бўлган фаолият туридир. У ўзининг мақсади, меёрлари, воситалари, маҳсулига эга бўлиб, ўша жамиятдаги ижтимоий аҳамияти ва технологияси билан боғлиқ равишда амалда бўлади ҳамда унга хизмат қилади. Касбни ихтисослик ҳужжатларида белгиланган фаолият предмети билан боғлиқ бўлган мутахассислик тушунчаси билан чалкаштирмаслик керак. Чунки мутахассислик тор ёки кенг бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам у қандайдир билимлар доираси билан боғлиқ ҳолда бир бутун бўлади. Масалан, педагогик касб бўлиб, унда филолог шу касб ичидаги мутахассислик сифатида бир бўлак ҳисобланади. Бир касб ичида бир нечта мутахассисликлар бўлиши мумкин. «Касб» атамаси билан бир қаторда кўпгина баҳсларга сабаб бўладиган «касбий маҳорат» тушунчаси ҳам учрайди. Ушбу тушунчани шахсни шакллантириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда изоҳлаш мумкин бўлади.

Касбий маҳорат – бу инсонда янги шароитларда маълум бир соҳага оид мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган кўникмаларни эгаллашдаги узок фаолият давомида кечадиган шахсий психологик тараққиёт ўзгаришларининг маҳсулидир [7, с.674]

Касбий маҳорат шаклланиши учта йўналишда боради:

1) бутун фаолият тизими, вазифалари ва поғонали тузилишдаги ўзгаришлар йўналиши. Зарур меҳнат кўникмаларига эга бўлиш жараёнида касбий малакаларнинг поғонама- поғона ўсиши, ихтисослик фаолияти усуллари ривожланиши рўй берадики, унда шахс шу соҳага оид фақат ўзига хос бўлган «ўз услубини» яратади;

2) шу соҳа эгасининг шахси ўзгаради, яъни ташқи кўринишда (нутқ оҳанги, муомала, ҳиссиётлар ўзгаришлари), ичида (диқат, хотира, тафаккур

ўзгаришлари) касбий дунёқараш ўзгаришлари рўй берадики, унда касбий маҳорат муносабати шаклланади;

3) ўз меҳнат фаолиятига нисбатан муносабат ўзгаради ва турли соҳаларда намоён бўлади:

- когнитив соҳада – объект бўйича маълумотга эга бўлиш ва унинг аҳамиятини англаш даражаси;

- ҳиссий соҳада – тарбия объектига нисбатан қизиқиш, қийинчиликларга қарамадан у билан ўзаро ҳамкорликка интилиш ва ундан қониқиш;

- амалий соҳада – тарбия объектига таъсир этишда ўзининг реал имкониятларини англаш натижасида тарбияланувчига таъсир этиш унинг билан ҳамкорликка айланадики, бу касбий маданиятнинг шаклланганлигидан далолат беради [8, с.179]

Касбий маҳоратнинг бузилиш оддий юзаки билимлардан тортиб то жуда қаттиқ қайсарликкача бўлган кўпқиррали турли вазиятларда кенг намоён бўлади. Агар инсон янгиликлар ва улар билан боғлиқ ўзгаришларни қабул қилмаса ундага кўникмалар ривожланишдан тўхтаб бузилиши бошланади. Бу инсон касбий тараққиётида уни огоҳлантиришда муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, барча касб соҳаларига хосдир. Шу билан бирга касб эгаларига боғлиқ бўлган бошқа омиллар ҳам мавжуддир.

Ҳар бир омил касб устасида турлича ифодаланган бўлиши мумкин. Меҳнат фаолияти давомида шахснинг ўзига хос жиҳатлари уйғунлашуви унинг соҳа йўналишини белгилайди. Масалан, «педагог тарбиячи» ёки «педагог услубшунос» ва ҳ.к.зо.

Бугунги кунда иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларнинг асосий мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилишдан иборатдир. Шу жиҳатдан ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий ғояни ўзида мужассам этган янги авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Республикамиз ҳукумати халқ таълими соҳасида ўртага

қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг хилма хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилгаи. Дарҳақиқат, халқимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига тайёргарлиги, фидоийлигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишида бўлган муносабатига боғлиқ. Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ буюк маданиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият бериб келинмоқда. Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга оширилиши педагогик маҳоратни такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Замонавий ўқитувчига биргина умумий маданиятнинг ўзи кифоя қилмайди. Шунингдек, махсус билимлар ва малакалар асосида болаларини кузатиш, уларнинг ўсишидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган асосий ижтимоий ғоялар билан таққослаш, таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш йўллари ва усулларини аниқлаш, турли воситалар билан тарбиявий таъсир кўрсатиш, таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жиҳатдан бир тизимга солиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, бунда ўқитувчи талабчан, яхши меҳрибон, сабрли, босиқ ва ўз касбига нисбатан эътиқодли бўлиши лозим. Болани бутун қалби билан севадиган ўқитувчи кўпроқ табассум қилади, камроқ қовоқ солади. Болаларга билим бериш билан биргаликда айни вақтда уларга ўз характерини ўтказа олади, уларга одамийлик намунаси бўлиб кўринади.

Ўқитувчининг касбга оид маҳоратини шакллантиришда педагогик-психологик назарияларнинг аҳамияти каттадир, чунки маънавиятимизнинг шаклланишида ўз-ўзига эга бўлган улуғ инсонлар фаолияти тўғрисида,

уларга қўйилаётган талаблар ҳақида замонавий педагогик технологиялар тўғрисида назариялар касбий маҳоратни шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Педагогик тажрибаларни такомиллаштиришда илмий педагогик маълумотлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларини ўқувчиларга етказа олиши ва ниҳоят ўқувчиларни ҳам ижобий фикрлаш, тадқиқотчилик ишларини ўргата олишини талаб қилади. Шунинг учун ўқитувчи аввало, тадқиқотчилик ишларини олиб бориши ва бу соҳадаги малакаларни эгаллаши зарур. Ўқитувчи илмий тадқиқот ишларини олиб бориши давомида, тажрибаларни тўплайди, таҳлил қилади, улар асосида хулосалар чиқаради. У шу хулосалардан ўзининг амалий фаолиятида фойдаланиш жараёнида ҳозирги замон ўқитувчи учун зарур бўлган жуда муҳим билимларни эгаллайди. Касбий маҳоратни такомиллаштиришда шахсий педагогик изланишнинг аҳамияти каттадир. Ўқитувчи ишидаги муваффақиятни кунлик фаолиятида катталар ва болалар, айрим гуруҳ ва якка шахслар билан алоқага кириша олиш қобилиятини таъминлайди. Алоқалар фаолиятда дуч келадиган турли хил воқеаларга педагогик қоидалар нуқтаи назаридан эмас, балки шароитни ҳисобга олган ҳолда ижобий ҳал этиш талаб этилади. Кенг илмий савияга эга бўлиш, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш, касбий маҳоратни оширишга интилиш ўқитувчига хос хусусиятлардан ҳисобланади. Таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ бўлиши учун амалий ва назарий машғулотлар ўтказилади. Бу соҳада илмий тадқиқот ишлари амалга оширилади. Шахсий изланишлар ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ўқитувчининг касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистон давлатининг касб-ҳунар таълими коллежларида ишлайдиган ўқитувчи ватанпарварлик бурчини туғри англаган ҳолда ихтисосга доир билимларни чуқур билишлари лозимдир. Шунингдек, назарий, миллий ва умуминсоний кадриятларни, дунёвий, диний илмлардан ҳам хабардор

маънавий баркамол бўлмоғи лозим. Халқимизнинг келажаги мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига унинг савиясига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ. Ўқитувчи шахсининг касб соҳасидаги хусусиятлари бу - ўз касбига муҳаббатли бўлиш, педагогик назокат, педагогик тасаввур, ташкилотчилик қобилияти, ҳаққонийлик, дилкашлик, талабчанлик, қатъийлик ва мақсадга интилиш, вазминлик, ўзини тута билиш, касбий лаёқатлик ва бошқалар. Самарали педагогик таъсир кўрсатишни тўғри ташкил этиш болалар билан муомала қилишда, самимий муносабатда бўлишга ёрдам беради. Амалий педагогик фаолиятда илмий ғоялар ва педагогик тарбияни қўллаш, ўқитувчимехнатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Лекин бу меҳнат натижалари дарҳол кўринмайди. Унинг маҳсулини кўриш учун йиллаб меҳнат қилиш керак. Ўқитувчи фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу фаолият ўзининг сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам турлича бўлади. Ҳақиқий фидоий ўқитувчилар ўз фаолиятида энг яхши натижаларга эришадилар. Тажрибали новатор ўқитувчилар болаларга самарали таълим тарбия бериш билан бир қаторда педагогика фанидан янги йўл ҳам очмоқдалар. Касбий меҳнатни амалга ошириш жараёнида қуйидаги хусусиятларни ўз фаолиятида амалга оширишлари зарур.

1. Ўқитувчининг сиёсий қарашлари ва эътиқодининг аниқлиги ҳамда барқарорлиги, ўқувчилар олдида чинакам обрў эътибор қозониши.

2. Мамлакатнинг бутун ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш ва эгаллаган тажрибаларни таълим муассасаларига олиб кириш, бу фаолиятга ўз ўқувчиларини жалб қилиш, уларни ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлаш.

3. Ҳар бир ўқувчи шахсига катта қизиқиш билан қараш ва барча жамоа ишларини ташкил этиш.

4. Ўқитувчилар ўз ишларига бугунги кун талаби билан эмас, балки келажакни ўйлаб иш юритиш.


5. Болаларга бўлган муносабатлари, уларнинг тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиш, ўз тарбияланувчиларининг келажаги билан қизиқиш.

6. Ўқувчи шахсига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш.

7. Илғор педагогик тажрибани ҳамда таълим ва тарбия назариясини чуқур ўрганиш, ҳамма янгиликларни тушуниб олиш, уларни ўз тажрибалари билан солиштириб кўриш, баъзиларини ўз ишида татбиқ қилиш.

Ўқитувчининг ижодкорлиги ўқувчининг ижодкорлигини уйғотади. Улар ўз ўқувчиларини ватанга садоқат руҳида тарбиялаш билан бирга уларнинг қалбида олижаноб фазилатларни қарор топтирадилар. Шундай экан, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратида шахсий фаолият тизимини ишлаб чиқиш муҳимдир. Ҳаёт кашфиётлар олами. Тажриба, услуб, фикрлар ранг-баранг. У самарали меҳнат натижасида исбот ва далиллар орқали ўқувчилар қалбига кўчади. Уларнинг туйғуларига таъсир кўрсатади. Ўқувчилар муаллимнинг фаҳри, келажагидир. Шу боис уларнинг нияти ўқувчиларни мустақил юрт қурувчилари, мухандислари, илму маърифат фидойилари сафида кўришдир. Ўқитувчининг энг биринчи мақсади, ўқувчисини тезроқ саводли қилишдан иборатдир. Лекин уни амалга ошириш жуда ҳам машаққатдир. Бир ўқитувчининг ўз фаолият тизимини ишлаб чиқиши ва унга қатъий амал қилиши, унинг таълим соҳасидаги муваффақиятларининг муҳим омилларидан биридир. Ўқитувчи бир хил методларда дарс ўтиш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Аксинча, у ўқитиш методларини такомиллаштириш устида тинимсиз ишлаши зарур. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи тарбия натижаларига катта таъсир кўрсатади. Болага муҳаббат ҳеч қачон жавобсиз қолмайди.

Ўқитувчининг таълим қонуниятларини амалга ошириш хусусиятлари



1.1. Бўлажак мутахассисларда ахлоқий маданиятни шакллантириш хусусиятлари

Ўзбекистон мустақилликга эришган дастлабки кунданок талаба ёшларни маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолди. Чунки, давлатнинг асосини маънавият ташкил этади, маънавиятига эътибор бермаган давлатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир” номли маърузасида таъкидлаганидек “Бизнинг республикамызда ўзимизнинг маънавий қадриятларимизни, таълимнинг миллий тизимини такомиллаштириш ҳамда унинг миллий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда”. Дарҳақиқат, фақатгина чинакам маърифатли одам миллий қадриятларни,

Ўзини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиш мумкин. Шундай экан бугунги кунда ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг аҳамияти каттадир. Чунки талабаларнинг билимини, ақлий ва ахлоқий ҳолатларини шакллантириш, назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсида амалга оширилмоқда. Шунини айтиш керакки, инсоннинг маънавияти унинг ахлоқи, одоби, ҳулқи, маданиятидан ташкил топади. Ахлоқ эса ақлий, ҳуқуқий, диний, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ахлоқий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади. Демак, ахлоқ инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидир. Одоб ва ахлоқ бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Одоб алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлоқий категориядир. Одоб алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга тааллуқли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуидир. Инсон-табиатнинг энг буюк неъматидир. Унга ақл- идрок, онг, фаросат каби буюк фазилятлар ато этилганки, инсон бу фазилятларга сайқал бериб, ривожлантириб, оламни, инсониятни камолотга етаклаб боради.

Одамнинг инсон сифатида шаклланиши камолот даражаси одоб, ахлоқ, маданият, маънавийт элементларининг унда қанчалик мужассамлашгани билан белгиланади.



1.2. мустақил фикр ва ақл тарбиясини шакллантириш жараенининг тавсифномаси

Одоб бу ҳар бир инсоннинг жамоа билан бўлган мулоқотига ҳамда юриш- туришида ўзини тута билишини кўрсатади. Ахлоқ жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган ҳуққ одоб нормалари мажмуи. Маданият-жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий, ақлий ютуқлар мажмуаси. Маънавият-инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, интеллектуал фазилатлар мажмуасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлашича, "Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қариндош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам".

Ақлий камолотга эришиш иродавий ҳатти-ҳаракатлар, узлуксиз фаоллик, фидоийлик, билимга чанқоқлик кабиларнинг босқичма-босқич, аста-секинлик билан амалга ошадиган жараёндир.

Мустақил фикрлаш бу фаҳмлаш, англаш, фикр юритишдан бошланади. Англаш бирор-бир ғояни туб мазмунига тушуниб етиш. Мушоҳада - шу ғояни мантиқан талқин қилиш.

Тафаккур – инсон онгидаги мавжуд илмий ва ҳаётий билимлар мажмуаларидан керагини саралаб олиш ва амалиётда қўллаш.

Юқорида санаб ўтилган йўналишлар асосида талаба ёшларнинг ҳулқ маданиятини шакллантириш муҳимдир. Чунки, талаба ана шу маънавий муҳитда ўз фаолиятини амалга оширади, ўзлигини англайди. Маънавий билими билан мулоқатга киришади. Шунинг учун талаба ёшларнинг ҳулқ маданиятини шакллантириш самарадорлигини таъминлаш маънавий муҳитга боғлиқдир

Талаба ёшларнинг ҳулқ маданияти, маънавий ҳаракатларининг самараси ўқитувчи (раҳбар) ва талабанинг ўз фаолиятларига бўлган муносабатлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ёки раҳбар маънавий мероснинг тарихий тараққиёт босқичларини ўрганиши, амалий фаолиятда уларга таяниши шахснинг ҳулқ маданиятини шакллантиришда беқиёсдир. Бундай ёндашув таълим-тарбия жараёнининг иштирокчиларидан ўқитувчи-талабалардан ижодкорликни талаб қилади. Ижодкор ўқитувчи (раҳбар) талаба ёшларнинг ҳулқ маданиятини шакллантиришда маънавий кадриятларнинг имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади. Талаба ёшларнинг ҳулқ маданиятини шакллантириш муваффақияти ўқитувчи ва талабанинг ижодкорлигига боғлиқ. Бу омилни характерловчи шартлар мавжуд бўлиб, улар: ўқитувчининг умумпедагогика ва махсус ихтисослик бўйича чуқур билим, касб маҳорати, талабалар билан дўстона мулоқот маданияти, маънавият-маданият даражаси, таълим-тарбиянинг самарали шакл ва усуллари танлай билиши, натижасини олдиндан аниқ, тасаввур ва педагог кашфиётларга асосланиб йўллай олиши, қизиқиш доираси кенглиги,

олий ўқув юрти жамоасидаги муҳитни маънавий меросни ўрганиш кабилардан иборат. Ўқитувчида мана шу омилларга эътибор кучли бўлса, унда ижодкорлик ошади. Бу омиллар унга талаба ёшларнинг ҳулқ маданиятини шакллантиришда жуда асқотади. Ўқитувчи ижодкорлиги натижасида талаба ёшлар аجدодлар тарихи, адабиёти, санъати, анъаналари, ва урф-одатлари ҳақида чуқур билим олади. Талабаларнинг маънавий меросга бўлган қизиқиши ошади. Дарс жараёнида самимий, соғлом маънавий муҳит яратилади, Маънавий мерос манбааларидан самарали фойдаланиш натижасида талабаларнинг ҳулқ маданияти камол топади. Талаба ёшларнинг ҳулқ маданиятни шакллантириш, биринчидан, дарс жараёнининг муваффақиятли бўлишига, иккинчидан таълим мазмунига ва ўқитувчи-талаба ҳамкорлик фаолиятига боғлиқ. Ҳамкорликдаги фаолият ижодкорликни, масъулиятни, фаолликни талаб қилади. Бунда: ҳар бир дарсдан ўқитувчи мақсадни аниқ кўра билиши, амалга ошириладиган вазифаларни тўғри белгилаб олиши лозим; дарс жараёнидаги билимлар мазмунининг илмийлиги, изчиллиги ва тарбиявий характери, қизиқарлилиги талабаларда таълим ва тарбиявий томондан ўрганиладиган билимга бўлган қизиқишни кучайтиради. Уларнинг билимини кенгайтириш юксак ҳулқли бўлиш каби кўникма ва малакаларини шакллантиради. Албатта, бунда дарс шаклларини танлашда мавзунинг моҳиятига алоҳида эътибор берилади. Масалан, касб-хунар коллежларида адабиёт дарси анъанавий дарс ёки мунозара тарзида уюштирилса, методика дарси семинар, ёки мунозара тарзида, чет тили дарслари ўйин ёки савол жавоблар, суҳбат дарслари тарзида уюштирилиши мумкин. Барча шаклдаги дарс жараёнларида талабалар ҳулқ маданиятини шакллантириш самарадорлигини ошириш учун савол-жавоб қилиш, мунозарали вазият пайдо қилиш, мустақил ишлаш, турли ўйинлардан фойдаланиш каби усуллардан фойдаланиш муҳимдир. Талабаларнинг маънавий сифатларини шакллантиришда уларга ўтмиш, адабиёт, тарих, миллий урф-одатлар, анъаналар ҳақида билим бериш ўқитувчидан доимо фаоллик билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Талабанинг маънавий

эхтиёжини қондириш, қизиқишини ўстириш мустақил ишлар, ҳар хил ижодий ишлар (иншо, реферат ва бошқа) орқали амалга оширилади. Мустақил ишлар ўқитувчи ва талаба фаолиятининг узвий боғланган тамонларидир. Мустақил ва ижодий ишларда талаба ўз устида меҳнат қилади, ижодий изланади, ўз нуқтаи назари, қарашларини шакллантириш билан бирга дунёқараши ва маънавий савиясини намоён этади. Мустақил ишлаш кўпроқ дарслик устида ишлаш, манбаларнинг мазмунини таҳлил этиш, маъруза, реферат, конспект тайёрлаш, ижодий иншо ёзиш (чет тилида ҳам) карточкаларга ёзма жавоб бериш, турли жадваллар, диаграммалар схемалар тузишни тақозо этади. Буларнинг бари изланувчанликни талаб қилади. Мустақил ишлар, семинарларни ташкил этишда 4 хил манбаларга асосланади. 1. Дарслик материалларига. 2. Маънавий мерос, ҳисобланган халқ оғзаки ижоди диний манбалар, мумтоз адабиёт ва бошқалар. 3. Оммавий ахборот воситалари материалларига (журнал, газеталар, радио, эшиттиришлар, ойнаи жаҳон кўрсатувлари); 4. Ҳаётий мисолларга (оилавий-маиший анъаналар, урф-одатлар, расм- русмлар, маънавий қадриятлар ва х. к) . Оғзаки мустақил иш турлари ва ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини талабалар амалий фаолиятида мустаҳкамлаштиришга йўналтирилган баъзи бир ёзма шаклдаги мустақил ишлар (иншо, саволларга ёзма жавоб топиш, жадвал, диаграмма, карточкаларни тўлдириш) дан аралаш дарс шаклида кенг фойдаланиш яхши натижа беради. Чет-тили, адабиёт дарсларида, ўйин ҳолатларидан фойдаланиш самарали фойда беради. Масалан, адабиёт дарсларида "Алломалар меҳмонимиз", "Темурий ижодкорлар", "Бугунги давр - алломалар кўзи билан" каби мунозаралар, баҳсларни ташкил этиш мумкин. Методика дарсларида эса "Шарқ алломаларининг тарбия ҳақидаги фикрлари ва уларнинг маънавий мероси ҳақида талабаларнинг ўзаро фикр алмашишларни ташкил этиш жуда фойдали. Дарс жараёнида педагог маънавий мерос манбаларидан усталик билан фойдаланиши, уларнинг таълим ва тарбиявий таъсирини ҳисобга олиши, дарсни қандай тарзда ташкил этилишидан қатъий назар (ўйин дарси, мунозара дарси, синов дарси ва х.к.),

уни уюштиришда фаол, ижодкор, қатъий бўлиши, маънавий меросни яхши билиши ва уни амалиётга тадбиқ қила олиши зарур. Талабаларнинг оғзаки мустақил тайёргарлиги асосида ноанъанавий дарс шакллари уюштириш ҳам ҳулқ, маданиятини шакллантиришнинг самарали усулларидан ҳисобланади. Бунда турли мавзулардаги баҳс-мунозара дарсларини ўтказиш мумкин. Бундай дарсларга тайёргарлик кўриш жараёнида талаба кенг ҳажмдаги маънавий манбаларга, бадий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналарига, пандномалар, диний манбалар, Шарқ алломалари ҳаётига бағишланган илмий, оммабоп, автобиографик асарлар, матбуот ва оммавий ахборот материалларига мурожаат қилади. Натижада муаммоли саволларга жавоб топади, аждодлар маънавий мероси билан танишишга муяссар бўлади.

Бундай дарслар етарли тайёргарлик, маҳорат ва кенг кўламли билим, тажриба, мустақилликка асосланган ҳолда ташкил этилса, талабанинг ҳулқ маданиятини шакллантирувчи қуйидаги ижобий натижаларни беради: дарс давомида талабанинг эркинлиги, мустақиллиги, фаоллигига эришилади; талабалар жамоа фикрига таянишга, уни ҳурмат қилишга ўрганадилар, бу билан уларда ўзаро ҳурмат, мулоқот маданияти тарбиялана боради; талабалар ўз фикр - мулоҳазаларини, қарашларини ҳимоя қилиш, уларни бошқаларга ўтказиш маҳоратини эгаллайдилар; талабаларда у ёки бу адибнинг қарашларини, халқ педагогикаси, ҳаёт тажрибаси асосида кўтариб чиқилган муаммолар моҳиятини давр билан атроф муҳит талаби имконияти асосларни ҳаққоний баҳолаш малакаси шаклланади; талабаларнинг ўзбек халқининг маънавий турмуш тарзи ҳақидаги билим даражаси ортади, ахлоқий - маънавий сифатлари шаклланади; ҳар бир талабада ўз-ўзига талабчанлик, ўз-ўзини назорат қилиш ҳисси ортади, ўз устида ишлашга, ўзини англашга эътибор кучаяди. Бундай муваффақиятли натижа синов дарслари, якуний дарсларда намоён бўлади. Талаба ҳулқ маданиятини асосий мезонлари: инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат, имон, ижодкорлик, фаоллик, ташаббускорлик, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолашпи талаб этади. Бу талаб талабанинг ватан, ота-

она, дўстлари, жамоа олдидаги бурчи вазифаларига, таълим-тарбия жараёнида намоён бўладиган фаоллик, ижодкорлик хусусиятларига муносабати орқали амалга оширилади. Ўз билим, ҳатти-ҳаракати, атроф-муҳитга муносабатини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолашни ташкил этиш талабанинг ёзма ижодий фаолияти орқали самарали намоён бўлади. Таълимнинг самарали шакллари анъананий ва ноанъанавий дарс турлари воситалари ва усулларидан жумладан, таълим жараёнида талабаларнинг турли ижодий ёзма ишлари: иншо, реферат, конспект, маъруза каби турларидан кенг фойдаланиш зарур.

1.2. Педагоглик касбининг ўзига хос хусусиятлари

Энг кадимги VII асргача бўлган даврда ўқитувчи, устоз шогирд ўқитувчи- тарбиячи фаолияти, маҳорати, уларнинг жамиятдаги ўрни, ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Ибтидоий жамоа тузими даврида жамият ёш жиҳатдан 3 гуруҳга бўлинар эди.

1. Болалар ва ўсмирлар
2. Ҳаёт меҳнатининг тўла қимматли ва тўла ҳуқуқли иштирокчилари
3. Кексалар

Янги туғилган болани жамоадаги кекса кишилар боқиб ўстирардилар. Бола тегишли биологик ёшга тўлиб, меҳнат қилишни ўрганиб, ҳаётий билим ва малакаларни эгаллагандан сўнг тўла меҳнатчилар гуруҳига ўтади. Ибтидоий жамоада бола ўзининг ҳаёт фаолияти жараёнида катталарнинг ишларида қатнашиб улар билан кундалик муомалада бўлиб тарбияланар ва таълим олар эди. Ўғил болалар катта ёшдаги эркаклар билан, қизлар эса аёлларнинг ишларида қатнашардилар. Кейинчалик ўғил болалар учун алоҳида, қизлар учун алоҳида тарбия муассасалари-ёшлар уйлари пайдо бўлди. Бу ерда уруғ оқсоқоллари раҳбарлигида яшаш меҳнат бўйича ўтказиладиган синовларга тайёрланар эдилар.

Ибтидоий жамиятда деҳқончилик, турли касб-ҳунарлар пайдо бўлди. Шу билан боғлиқ равишда тарбия ҳам мураккаблашиб, кўп томонлама ва режали бўла борди. Болалар тарбияси тажрибали кишиларга топшириладиган бўлди. Улар болаларга меҳнат кўникма ва малакаларини ўргатиш билан бир каторда пайдо бўлиб келаётган диний урф одатларнинг қоидалари, нақллари билан болаларни таништирар, ёзишга ўргатар эдилар.

Шарқнинг барча гуманистлари Рудакий, Фирдавсий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Низомий, Хофиз, Шайх Саъдий, Умар Хайём, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий кишиларни маънавий гўзаллигини, тенгсизлигини куйладилар, эзувчи гуруҳларни тартибга чакирдилар, одил подшолар тўғрисида орзу қилдилар, инсонпарварлик ғояларини олга сурдилар. Улар яшаб ўтган давр ижтимоий ва сиёсий зиддиятлар авж олган, ташқи душманлар ҳужуми тез-тез такрорланиб турган, идеологик ҳаётда сохта тарғибот илдиз отган халқ эрксиз қашшоқ ҳолда яшаган, китоб ва ёзма манбаалар фақат қўлда кўчириб ёзилган давр эди.

Ана шундай-зиддиятли замонда яшаб ўз мақсади, ҳаётини олга сурган вазибаларни бажаришга киришган алломалар фан, маданият, тарих, илмий билимлар соҳасида муносиб ўрин эгаллай олдилар.

Мутафаккирлар мустақил дунёқараш, сабр-матонат билан ўтмиш авлодлар билимларини чуқур ўрганиб, ўзлари ҳам меҳнат қилиб турли фанларда янги тушунча ва хулосалар чиқара олдилар. Инсоният тарихи, маданият фани ўзаро алоқадорлигида ўсиб ривожланиб, бойиб боришини исботладилар. Айниқса педагогика, психология, этика фанларининг мустақиллигига кенг йўл очдилар. Таълим-тарбия, мулоқот одоб-ахлоқ, гуманизм, эстетика, тушунчаларини анча бойитдилар.

Шарқ мутафаккирлари ва алломаларнинг ижодий меросларида ўқитувчи- тарбиячи маҳорати, устозлик-шоғирдлик шартларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Абу Наср Фаробий X аср шарқ фалсафий фикрларининг энг йирик намоёндаларидан бўлиб, ҳаёт инсон ҳақидаги таълимотни дастлаб

яратувчилардан бири саналади. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва ўрта Шарк мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий, фалсафий тафаккур тарққиёти унинг номи билан боғлиқ. Фаробий ўз замонаси илмини барча соҳасини мукаммал эгаллаган унинг асарларида одам шахсининг энг яхши ва олийжаноб хусусиятлари, кишилар ҳаётида адолат ўрнатилиши, яхшилик, ақлий камолотига эришувчи инсон ҳақида фалсафий фикрлар ифода этилган.

Абу Наср Фаробий устоз ўқитувчига шундай талаб қўяди: "Устоз шогирддарига катта зулм ҳам ҳаддан ташқари кўнгилчанглик ҳам қилмаслик лозим."

Чунки ортиқча зулм шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади-ю, устоз жуда ҳам юмшоқ бўлса шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб ҳам қолади. У ўқитувчига болаларнинг феъл атворига қараб тарбия жараёнида "қаттиқ" ёки "юмшоқ" усуллардан фойдаланишни маслаҳат беради. Унинг фикрича:

1. Тарбияланувчилар ўқиш-ўрганишга мойиллик билдирсалар, уларга таълим тарбия жараёнида юмшоқ усул қўлланилади.

2. Тарбияланувчилар ўзбошимча итоатсиз бўлсалар, қаттиқ усул (мажбурлов) қўлланилади.

Абу Али ибн Сино жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган машҳур энциклопедист олим, табиатшунос, файласуф, астраном, математик, мусикашунос, ҳуқуқшунос, филолог, ёзувчи ва шоир. Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган Ибн Сино жаҳон фани тараққиёти тарихида муҳим роль ўйнайди. Ибн Синонинг гуманистик таълимида биринчи масала инсон камолотидир, инсонни оламдаги мавжудодлардан юқори қўйишдир.

Абу Али ибн Синонинг ижодий фаолияти жуда хилма-хил ва ранг барангдир. Унинг асарларида фалсафа, тарих, филология, этика, педагогика, психология, шеърият, таъбат, терапия, хирургия, диагностика, гигиена ва табиатшунослик фанларининг ҳар қайсисига доир мустақил фикрлар ва хулосалар бор.

Ибн Сино буюк олим. У инсоннинг ақлининг ҳар томонлама ривожланишига табиат сирлари ва ҳақиқатни билиш мумкинлигига қаттиқ ишонган. Исботлаб мисоллар келтирган. У ўзининг илм-фан соҳасидаги катта фазилатлари билан жаҳон маърифати ва маданиятининг намоёндаси сифатида танилди. Ибн Синонинг таълим ва тарбия соҳаларидаги бой мероси ўз даврида жаҳолатига қарши курашда жуда катта прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Улуғ зотнинг талай асарларидаги ғояларини олимларимиз, педагогларимиз ҳамон ўрганмоқдалар, амалий ҳаётга тадбиқ этмоқдалар. Буюк аллома Ибн Сино болага билим бериш ўқитувчининг маъсулиятли бурчи эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича болалар билан муомолада босиқ ва жиддий бўлиш, берилаётган билимнинг болалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш кабилар муҳимдир.

Ибн Сино ҳақиқий олим бўлганлиги сабабли тилга доир кўпгина энциклопедия асарларни юзага келтирди. Абу Али Ибн Сино фаннинг қайси бир соҳасига кўл урмасин, унга фалсафий тус берди. Унинг шоир ва адиб сифатида ёзган асарлари ҳам ўзининг фалсафий жиҳатдан чуқур ғоялари асосида суғорилганлиги билан кўзга ташланиб туради.

XI асрда яшаб ўтган алломалардан бири Юсуф Хос Хожиб ҳам ўз ижодида илм аҳилларини, устозларини улуғлайди. "Қутадғу билиг" асарида илм аҳли улуғланади. Унинг ёзишича:

Тағин бир тоифа донишманд доно; *

Улар илми элга машъал доимо.

Эъзозла уларни то бор имконинг,

Билимларин ўрган токи бор онинг,

Булардир ҳақиқат таянч тиргагинг

Билимли диёнат асос ўзаги.

Олимлар йўқ эса эди дунёда,

Келиши ҳам кулурми эди бунёда.

Улар илми бўлди халойиққа нур

Эриса бу нурдан кими йўл топур.

Абу Райҳон Берунийнинг қарашлари прогрессив мазмун касб этади, Мутафаккирнинг гуманистик қарашларида ростгўйлик билан адолат ҳимматга эга бўлган сифатлардир. Олим ҳулқларни яхши ва ёмон ҳулқлар деб 2 кутбга бўлиб кўрсатади. Унинг фикрича яхши ҳулқлар-ростгўйлик, адолат, мардлик, ботирлик, ҳиммат ва шу кабилардир. Бу ҳақида у шундай дейди: ҳамманинг табиатида адолат бевосита севимли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқадиган бўлгани каби ростгўйлик ҳам шундай; лекин ростгўйликнинг ширинлигини татимаган ёки ширинлигини билса ҳам, тотишни истамайдиган киши уни севмайди:

Абу Райҳон Беруний Ўрта Осиё халқининг машҳур қомусчи олими, ўзининг илмий мулоҳазалари билан барчани ҳайратда қолдирган, философия, тарих, филология, педагогика, табиатшунослик фанларининг актуал масалалари соҳасида ўз давригача бўлган билимларни умумлаштирди, камчиликларни тузатди ва кейинги авлодлар ҳам фахрланадиган асарлар қолдира олди. Реал ҳаётда у фақат фан, маърифатга берилган одам бўлган бутун вақтини куч- қувватини илм фанга бағишлаган ижтимоий ва табиий фанларнинг энг муҳим соҳаларида баракали ишлади ва шундай асарлар яратдики, улар жаҳон фани ва маданиятини янада юқори поғонага кўтаришда хизмати катта бўлади.

Умар Ҳайём - ўзининг жаҳоншумул илмий асарлари билан эмас, ҳозир поэтик асарлари рубоийлари билан оламга машҳур бўлди. Шоир ўз рубоийларида олам сирлари ҳақида фикр юритди, зўравонликни, жаҳолатни, риёкорликни фош этди, шахс эркинлигини қўйди. Умар Ҳайём инсонни улуғлайди, уни дунёдаги энг олий мавжудот сифатида қўллайди. Умар Ҳайём дунёқарашда инсон ва унинг ҳаёти муаммолари, инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган ташвишлар, гуманизм масалалари марказий ўрин эгаллайди.

Умар Ҳайём кишиларни аҳиллик ва дўстликка, иттифоқликка чақиради, ҳар қандай мушкул ишни ҳал қилишда иттифоқлик, дўстлик, жуда катта куч эканини қайта-қайта таъкидлайди. Аз-Замахшарий “Нозик иборалар” рисоласида илми фан аҳиллари ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат-

этиборнинг пасайиб кетганидан куюниб ёзади. "Ўтган замонларда илму-фазилат соҳиблари подшоҳларидан ўз оғирликларига барабар олтин ҳадя олардилар, аста-секин замонлар ўтиши билан уларнинг қийматлари камайиб итлари, олмахонлар улардан афзал бўлиб қолди, яъни нодонлар олтинлардан ортиқ кўриладиган бўлиб қолди.

Шарқ мумтоз маданиятнинг бутун дунёга машҳур намаёндаларидан бири Саъдий Шерозий таълим-тарбияда муаллимнинг талабчанлиги билим ва тарбия беришда қаттиққўллик бўлишининг тарафдори бўлади "Гулистон" да устоз шогирд муносабатига оид ҳикоят келтирилади: "Бир одам кураш санъатида зўр маҳорат қозонди, у 300 ҳийлани билар ва ҳар куни бир ҳийлани ишлатиб кўришар эди. Шогирдларидан бирига 259 ҳийлани ўргатди. Аммо бир ҳийлани ўргатмади. Устознинг ҳурматини билмаган шогирд устозидан ҳам устунлигини айтиб мақтанади. Бу сўз подшога ёқмайди. Улар кураш тушмоқларини буюради. Устоз охириги ҳийласини ишлатиб шогирдини енгади. Устоз ҳурматини билмаган шогирд эса халойиқ ва подшоҳнинг нафратига учрайди".

Муаллим - устозга нисбатан ҳурматда бўлишнинг ифодаси шуки, шогирд муаллимдан олдин юрмаслик унинг ўрнига бориб ўтирмаслик лозим. Машғулотлар давомида ўқувчилар муаллимдан узоқ: бўлмасинлар, улар ораси ўқ-ёй оралиғида бўлсин, мана шунда илмга интилувчиларни ўз устозларига ҳурмати маълум бўлади.

Соҳибкирон Амир Темур ҳам ўз ҳукмронлиги даврида илм аҳиллари, муаллимларга ҳурмат билан қарайди. Кишиларга мансаб беришда ҳам уларнинг илмларини ҳисобга олади. Жамиятнинг ривожига уларнинг ўрни муҳим деб билади. Кўплаб коллеж мадрасалар очади уларга муаллим ва мударрислар тайин этади. Ўзининг устозларини ҳам жуда қадрлайди.

Алишер Навоий ўзбек халқнинг улкан шоири ва мутафаккири, улуф олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг сиймоларидан бири, Шоир бутун ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. Навоий ўзининг ҳамма асарларида

инсоннинг ер юзидаги ҳақиқий инсон деган номни юқори даражага қўяди. Инсон ҳуқуқи билан яшашни, инсон шахсининг озодлигини ёқлайди.

Алишер Навоий ижодида ҳам муаллимлар иши уларга муносабат масалаларига кенг ўрин берилади. У ёшларга чуқур билим бериш учун муаллимлар мударрислар ҳамда устоз мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. У нодон мутассиб жоҳил домлаларни танкид этади ва ўқитувчи маълумотли ўқитиш йўлларини биладиган муаллим бўлиши зарур дейди. Масалан: "Маҳбуб ул қулуб" асарида мактабдорлар ҳақида фикр юритар экан, уларни ўта қаттиққўл, жоҳил ва таъмагирликларини қоралайди. Дарҳақиқат жоил муаллимлар гуноҳсиз ёш болаларга жафо қилувчидир. У ёш болаларнинг азоблашга, калтаклашга ўрганган, ғазабли қоши чимирилган гуноҳсизлар билан аччиқланишга одатланган. Уларнинг кўпчилигида кўнгил қаттиққўллиги ва таъб хасталиги ошкор. Бунинг устига улар ақл камлигига ҳам гирифтор. Улар қийиниш йўли билан болалар кўнглини ўзларига ром қилмоқчи ва кичкинтойларнинг беқарор табиатини дўқ-пўписа билан тартибга солмоқчи бўладилар. Улардаги кўриниб турган кўполлик, ёш болалардаги келишмаган ҳатти-ҳаракатни силлиқлашга йирик эговдир. Улар иши одам кўлидан келмас, одам эмас, балки дев қила олмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қилади. Лекин устоз болага илм ва одоб ўргатади. Дарҳақиқат муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда болаларда унинг ҳақи кўп, агар шогирд улғайгач подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимга қуллуқ қилса арзийди, шунинг учун ҳам Алишер Навоий ёзади:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганч ила.

Хусайин Воиз Кошифий ўз асарларида устоз-шогирд муносабатларига кенг тўхталади; "Агар шогирдликнинг биниси нимани устига кўрилади деб сўрасалар иродат устига деб жавоб бергин. Агар иродат нима деб сўрасалар самоъ ва тоатдир деб айтгин. Агар самоъ этиш ва тоат нима деб сўрасалар

нимани устоз айтса уни жон қулоғи билан эшитиш, чини билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалда адо этишидир деб айт". У шогирдликнинг 8 та одобини кўрсатади:

1. Биринчи бўлиб салом бериш.
2. Устознинг олдида оз гапириш.
3. Бошни олдинга эгиб туриш.
4. Кўзни ҳар томонга югуртирмаслик.
5. Гап сўрамокчи бўлса олдин устоздан ижозат олиш.
6. Устоз жавобига эътироз билдирмаслик.
7. Устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик.
8. Ўтириб туришда ҳурмат сақлаш.

Кошифий устозлик шартларини ҳам кўрсатади. "Билгилким ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмагай ва кимки устозсиз бир ишни қилур эрса ул ишни асоси мустаҳкам бўлмагай."

Машҳур алломанинг фикрларидан шу нарса кўриниб турибдики ўқитувчилик ер юзадаги ҳар қандай касбдан кўра юқорирок турадиган жуда фахрли касб деб ҳисобланган ва унга жуда катта аҳамият берилган. Шундай экан бугунги кунда ҳам ўқитувчига ҳурмат билан қараш лозимлигини талаб қилинади. Албатта бунда ўқитувчининг ўзи ҳам жамиятда қандай муҳим вазифани бажараётганлигини тушиниб олиши ва ўз қадр кимматини яхши билиб ишлаши зарур. Ўқитувчи соф виждонлиги, ишчан, саботли, ўқувчиларга ўзи сингдириши лозим бўлган фазилатларга жонли намунаси, кенг маълумотли ва меҳнатсевар киши бўлиши лозим. У ўз ишини беҳад севиши, ўқувчиларга баъмисли оталардек муомала қилиши, уларда билимга ҳавас туғдириши зарур. Ўзи намуна кўрсатиб ўқувчиларни ўзига эргаштириш ўқитувчининг энг биринчи вазифасидир.

Ўқитувчининг жамиятидаги ўрни ниҳоятда муҳим. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўз билимларини болаларга ўргатиш учун тайёрланиши, ўқимишли киши бўлишининг ўзигина кифоя қилмайди. У аввало болаларни севиши, ўзини болаларнинг отасидек ҳис қилиши ҳамда уларнинг тарбияси ва ўсишга

оид бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ўзининг вазифаси деб билиш керак. Чунки бола ўз табиати билан фаол кучга эга бўлиб туғилади, ўқувчиларга бу кучларни машқ қилдириш учун зарур бўлган материални бериш ўқитувчининг вазифасидир. Ўқитувчи раҳбарлик ролини ўйнагандагина болаларда ташаббускорликларни ўстириши ва уларни билимлар билан қуроллантириши мумкин. Ўқувчиларни ўқитиш жараёнида пухта ишланган ўқув режаси ва яхши дарслик таълим мазмунини такомиллаштиришнинг асосини ташкил этади. Дарҳақиқат, таълимнинг муваффақиятли бўлиши дарслик, ўқитиш методлари ўқитувчига боғлиқ. Яхши ўқитувчи ўз фанини мукамал эгаллаб олган бўлиши, касбини ва болаларни севиши керак.

Ўқитувчи тарбия ишида болалар мураббийсидир. Ўқитувчи иши бошқа ишларга қараганда кўпроқ доимо ғайратланиш ва завқланишни талаб қилади. Ташқаридан қараганда ўқитувчининг роли оддий ва содда, бироқ у ўз меҳнатининг юксак ижтимоий аҳамиятини тушуниши лозим. Ўқитувчиларга доимо зўр ҳурмат ва ғамхўрлик билан қарашга ҳамиша эътибор бериш зарур. Чунки ўқитувчи бирор фандан дарс берибгина қолмай, балки тарбиячи ҳамдир. У ўз касбини севиши, тарбия ишига зўр тадқиқотлар олиб боришга интилишини, янги вазиятга, янги жамоага кириш қобилиятини, самимиятни, тўғрилиқ ва ҳалолликни, ўткир ақл - идрокни, бир воситани бошқаси билан текшириб кўриш малакаси талаб қилинади.

Касбий маҳорат ўзига болалар ҳақидаги, таълим тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни, методлари ҳақидаги кенг билимларни қамраб олади. Бу билимлар умумий педагогик маданиятни ташкил этади. Ўқитувчи бу маданиятни эгалламаса, ҳеч вақт чинакам уста бўла олмайди. Замонавий ўқитувчига биргина умумий маданиятининг ўзи кифоя қилмайди. У болаларни кузатиш, уларнинг ўсишидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган, асосий ижтимоий ғоялар билан таққослаш, уларни ривожлантириш йўллари ва усулларини аниқлаш, турли воситалар тарбиявий таъсир кўрсатиш усулларининг ўзаро бир бирига ўтиши диалектикасини

чукур таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жиҳатдан бир системага солиш малакаларига эга бўлади.

Педагогик малака билим ва кўникмалар фаолиятнинг маълум турини эгаллаб олиш, яхши бажара олиш қобилиятидир. Ўқитувчи фаолиятига оид бундай малакаларга қуйидагилар киради.

А) Амалий конструктив малакалар: Амалий тарбиявий ишларини режалаштириш, фаолиятнинг энг муҳим қоидаларини англай билиш. Ҳар бир ўқувчига нисбатан уни жамоа шароитида тарбиялашнинг индивидуал дастурини тузиш. Ўқувчиларнинг ёшлик ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга нисбатан индивидуал муносабатни ошириш.

Б) Ташкилотчилик малакалари: Ўқувчилар орасидаги фаол болаларни аниқлай билиш, танлай билиш ва уларни идрок қилиш. Ўқувчиларнинг турли хилдаги жамоа, индивидуал фаолиятини уюштира билиш ва уларни ижтимоий фаоллигини билиш. Ўқувчиларга берилган ижтимоий топшириқлар берилиши юзасидан назорат ўрнатиш ва уларга зарур вақтда амалий ёрдам бериш. Ўзи раҳбарлик қилган гуруҳдаги амалий ишларни амалга ошира билиш.

Ота-оналар, кенг жамоатчилик ўртасидаги ишларни билиш. Ўқувчиларга талаблар қўйиш методлари қуйидагилардан иборат: ўқувчининг ахлоқ қоидаларини, барча предмет бўйича билимларни баҳолаш, коллежнинг ички тартиб қоидаларини, таълимда тушунтириш жараёнида қўлланади. Шунинг назарда тутиш керакки, ўқишдаги бурч ва масъулиятни билиш, машқ қилиш, ўқувчиларни меҳнат қилишга ўргатишдан иборатдир.

Бола коллежда яхши ўқиши, самарали хизмат қилиши, яхши дам олиши, ҳамма вақт қизиқарли машғулот билан банд бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи олдида қўйилган талаблар: Фаолиятнинг аниқ мақсадларини ўқувчилар жамоаси ҳам, ўқувчи ҳам аниқ ҳис қилсин. Фаолиятни амалга ошириш ўқитувчилар ташаббуси ва ижодий фаолликка боғлиқ. Бунда ишни тақсимлаш, режалаш, ҳисобга олиш, натижа чиқариш каби ишларни ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола қилиш керак. Ўқитувчи фаолиятга

педагогик раҳнамолик қилади, уларни ижодий одатларини шакллантиради. Фаолият жараёнида ҳар бир бола ижрочилик малакасига эга бўлади. Иш натижасини муҳокама қилиш, иштирокчиларни рағбатлантириш. Инсоннинг ахлоқий тарбияланганлигини унинг атрофидаги нарсаларга бўлган турли-туман муносабатларда намоён бўлади. Амалий фаолият кишининг ахлоқий тарбия тизимининг муҳим томонидир. Шунинг учун болаларга яхшилик қилиш ва меҳрибонлик ички кечинмалар билан эмас, балки педагог фаолиятидаги асосий вазифа ҳисобланади.

Шарқ мумтоз маданиятининг бутун дунёга машҳур намаёндаларидан бири Саъдий Шерозий таълим-тарбияда муаллимнинг талабчанлиги билим ва тарбия беришда қаттиққўллик бўлишининг тарафдори бўлади "Гулистон" да устоз шогирд муносабатига оид ҳикоят келтирилади: "Бир одам кураш санъатида зўр

Бошқа касблардан педагогикани «инсон-инсон» муносабатларида ўқитувчиларнинг тафаккур образи, ўқувчилар тақдири олдида уларнинг масъулияти ва кучли жавобгарлик ҳисси ажратиб туради. Унинг бошқа касблардан асосий фарқи бир вақтнинг ўзида инсонни ўзгартириш ва бошқариш каби асосларининг бирлигидадир. Ўзининг асосий мақсади сифатида шахс шаклланиши ва ўзгаришини куяр экан, бу соҳада педагог ўқувчининг ақлий, ҳиссий, жисмоний ривожланишини бошқариш ва маънавий дунёқарашини шакллантиришни ўз зиммасига олади.

Педагогика касбининг асосий мазмунини нафақат инсоннинг маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондириш ва уни оддий тушуниш ташкил этади. Педагогика касбида етакчи вазифа асосан ижтимоий мақсадларни тўғри англаш ва унга ўқувчиларни йўналтиришдан иборатдир.

Ушбу касбнинг ўзига хослиги шундаки у инсонпарварлик, жамоавийлик ва ижодий мазмунга эгадир. Айнан шу жиҳатлар бу касбнинг асосий вазифаларини белгилаб беради.

Инсонпарварлик мазмуни. Педагогикага иккита ижтимоий вазифа маҳкам боғланган: адаптация (ижтимоий мослашув) ва инсонпарварлик.

Ижтимоий мослашув вазифаси боланинг мавжуд ижтимоий муҳит талабларига мослашишига ёрдам беришдир. Инсонпарварлик вазифаси эса бола шахсининг ижодий ривожланишини таъминлашдан иборатдир. Бу вазифаларнинг англанган ҳолда олдинга сурилиши маданий тараққиётнинг барча даврлари учун хосдир. В.А.Сухомлинский қайд этган эди: «бизнинг асримизни қандай аташларидан катъий назар биз Инсон асрига ўтаяпмиз. Ҳозирда биз бошқа даврларга нисбатан инсон руҳиятига нима киритаяпмиз? - айнан шу хусусида кўпроқ ўйлашимиз керак бўлади» [9, с.22].

Жамоавийлик мазмуни. Педагогика касбида алоҳида бир педагогнинг ўқувчи тарбиясига қўшган сифат улушини ажратиш мушкулдир. Педагогика касбидаги жамоавийлик асосини англаш орқали педагогик фаолиятдаги «жамланган субъект фаолияти» тушунчаси кенг кириб бормокда. Бунда кенг маънода асосан мактабнинг ёки бошқа бир таълим муассаси жамоасининг фаолияти тушунилади. Шу билан бирга тор маънода болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган бир кичик гуруҳнинг фаолияти ҳам тушунилади. А.С.Макаренко тўғри қайд этган эди: «Тарбиячилар жамоаси бўлиши керак. Қаерда тарбиячилар жамоага бирлашмаган бўлса, бола тарбиясига нисбатан умумий режа, умумий яқдиллик ва аниқ ёндошув бўлмаса у ерда ҳеч қандай тарбия жараёни бўлмайди» [6, с.210].

Ижодийлик мазмуни. Ўқитувчи фаолияти мазмунини унинг ўз ишига ижодий ёндошув даражаси билан аниқлаш мумкин бўлади. Бу даража эса ўз мақсадига эришишда ўқитувчининг ички имкониятларидан қанчали ижодий фойдалана олиши билан белгиланади. Ўқитувчининг ижодий имконияти бўлса унинг фаол меҳнати натижасида йиғилган ижтимоий тажрибаси, педагогик–психологик билимлари, моҳир ечимлар топишга ёрдам берадиган янги билим, кўникма, ғоялари, ўз малакасини ривожлантиришдаги яратувчанлик усуллари заминида шаклланади. Педагогик ижод намоён бўлиш доираси педагогик фаолиятнинг барча йўналишларини: режалаштириш, ташкил этиш, амалга ошириш ва таҳлил этиш кабиларни камраб олади.

Замонавий педагогикада ижодий ёндошув деганда турли ўзгарувчан вазиятларда барча муаммоларни тўғри ҳал этиш тушунилади. Ижодкор педагог ўзининг шахсий ва меҳнат сифатларидаги бирлиги билан ажралиб туради ва бу унинг креативлигидан (яратувчан топқирлигидан) далолат беради.

Креативлик – бу бетакрор қадриятларни яратадиган, ностандарт қарор қабул қилиш имконини берадиган индивидуал ўзига хосликдир. [7, 362]

И.С.Громов ва В.А.Моляколар креативликнинг етти хил белгисини ажратиб кўрсатишади: оригиналлик, эвристиклик, фантазия, фаоллик, диққатнинг жамланганлиги, ҳаққонийлик, сезгирлик.

Ижодкор педагог учун, шунингдек, ташаббускорлик, мустақиллик, фикрлаш инерциясини енга олиш қобилияти, асл янги нарсани сезиш ва уни англашга интилиш, мақсадга эришишга бўлган юқори эҳтиёж, ассоциацияларнинг кенглиги, кузатувчанлик, ривожланган касбий хотира. [8, 64]

Мутахассисликларнинг касбий гуруҳи – бу мутахассисликлар мажмуи бўлиб, улар ижтимоий фойдали фаолиятнинг бир қадар барқарор турига кўра бирлашади, ўзининг якуний маҳсулоти характери, махсус меҳнат предметлари ва воситалари билан фарқ қилади.

Педагогика мутахассислиги – шу касбий гуруҳ доирасидаги фаолият тури бўлиб, таълим натижасида эгалланган билим, кўникма ва малака, орттирилган тажрибадир. У орқали ўзлаштирилган квалификацияга мос равишда муайян турдаги касбий-педагогик топшириқларни қўйиш ва ҳал этиш мумкин. Шу ўринда педагогик мутахассисликларнинг бир нечта кўринишларини ажратиш мумкин: предмет ўқитувчиси, ижтимоий педагог, кўшимча таълим педагоги, тарбиячи ва бошқалар.

Педагогик мутахассисликларга ажратиш – педагогик мутахассисликлар доирасидаги муайян фаолият тури бўлиб, муайян меҳнат предмети ва мутахассиснинг аниқ вазифаси билан боғлиқ бўлади.

Педагогик квалификация – касбий педагогик тайёргарлик даражаси ва тури бўлиб, у мутахассиснинг муайян турдаги топшириқларни ҳал эта олиш имкониятларини кўрсатади. [5, 72]

Педагогик мутахассисликлар “Таълим” деган касбий гуруҳга бирлашади. Мутахассисликларни табақалаштиришда қуйидагилар асос қилиб олинади:

- а) предметга оид билимлар соҳаси (адабиёт, химия, математика ва бошқалар);
- б) шахс ривожланишининг ёш даврлари (мактабгача ёш, кичик мактаб ёши, ўсмир ва ҳ.к.зо);
- в) шахс ривожланишининг психофизиологик ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ бўлган хусусиятлари (эшитиш, қуриш, ақлий ривожланишнинг бузилиши, девиант хулқ-атвор).

Кўришиб турибдики, тарбиячи дегани бу алоҳида касб эмас. “Тарбиячи” мутахассислик ҳам, мутахассисликларга бўлиниш ҳам бўлиши мумкин. Педагогик касб ичида мутахассисликларга ажратиш тарбиявий ишлар йўналишига қараб (меҳнат, эстетик, ҳуқуқий ва ш.к.) ҳам педагогик фаолият турларини ажратиш иконини берди, Бу эса ўз навбатида турли фан ўқитувчилари фаолиятида интеграцияни самарали қўллашга ёрдам беради.

1.3. Тарбиячи-педагогнинг касбий идеали

Инсонда шахснинг шаклланиши кўп жихатдан унда ўз-ўзига баҳо бериш қай даражада топишига боғлиқ. Психологлар ўз-ўзига баҳо беришнинг икки асосий услубини ажратишади. Биринчиси, ўз уринишларини қўлга киритилган натижа билан таққослашдан иборат бўлади. Иккинчиси, анча кенг тарқалган бўлиб, ижтимоий таққослаш, атрофдагиларнинг узи хақидаги фикрларини таққослаш билан белгиланади. Аммо интилишлар унча юқори бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам ўз-ўзига баҳо бериш натижага мос бўлмаган ҳолда шаклланади.

Ижодий фаолиятга эга тарбиячини ўзининг ҳамкасблари билан бўладиган таққослаши натижалари уни доим ҳам қониқтиравермайди.

Тарбиячининг ўзини холисона баҳолашининг шаклланиши “тарбиячининг самарали фаолияти ва унда комил инсоннинг шаклланиши” жараёни билан боғлиқ бўлади. Тарбиячида касбий идеалининг шаклланиши ҳали талабалик давриданок бошланган бўлади. Касбий идеал шаклланишининг энг оддий йўли махсус адабиётлар билан танишиш ва маҳоратли педагоглар тажрибаларини кунт билан ўзлаштиришдир. Вақт ўтиши билан касбий идеал ўзгариб бориши ҳам мумкин. Чунки идеал аниқ бир шахс бўлмай педагоглардаги энг яхши жиҳатларни мужассамлаштирган қандайдир олий даражадаги йиғма образ бўлади. Холисона тарзда тўғри шаклланган касбий идеал ўз-ўзини тарбиялашнинг самарали воситасидир [8, с.76].

Ўз-ўзини тарбиялашнинг ташқи омилларига педагогик жамоа, мактабни бошқариш услуби ва ўқитувчининг бўш вақтини ўтказиши кабилар кирди. Ўзаро талабчанлик, принципаллик, самарали танқид ва ўз-ўзини танқид амал қилган, ижодий муносабатлар устивор бўлган ҳамда ўзаро ёрдам кучли бўлган жамоада касбий идеалга қараб бориш анча енгил кечади. Педагогик жамоада бундайин жиҳатларнинг бўлмаслиги шу ерда ўз-ўзини тарбия қилиш эҳтиёжини йўқотади.

Тарбиячининг ўз-ўзини касбий тарбиялашида мактаб бошқаруви анча ёрдам бериши мумкин. Мактаб раҳбарияти бунинг учун барча шароитларни яратишлари, яъни ёш ўқитувчида ўзига ишонч, уни керакли талабларга тўғри йўналтириш, самарали меҳнат шароитини яратиш ва унга алоқаси бўлмаган ортиқча ишлардан халос этиш лозим. Касбий тайёргарлик соҳасида вақт омили ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз устида ишлашда ўқитувчи турли адабиётлар – нашрий чиқишларни ўқиши, музей–кўргазмаларга бориши, ўз ижодий қизиқишлари ривожини учун зарур вақтни ажрата олиши керак бўлади. Бу вақтни фаолиятни тўғри ташкил этиш ва уни рационал амалга ошириш орқали топиш мумкиндир.

Мустақил касбий тайёргарлик индивидуал жараёндир. Унда ўзаро боғлиқ учта босқичларни ажратиш курсатиш мумкин бўлади: ўз-ўзини англаш, мустақил режалаштириш ва мустақил ҳаракат қилиш. Ўз-ўзини

англашда психология курси ёрдам беради. Ҳозирда инсон шахси ва ундаги касбий сифатларни аниқлашга ёрдам берадиган кўпгина психологик адабиётлар ва қўлланмалар мавжуддир. Ўз–ўзини касбий тарбиялашни режалаштириш керакли сифатларга эга бўлиш йўлини аниқлаш, мақсад–вазифаларни белгилаш, фаолият кўникмаларини шакллантириш ҳамда тегишли бошқарув жиҳатларини ўзлаштиришни ўзида мужассамлаштиради.

Ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамкорликлари касбий тайёргарликни узлуксиз ва изчил қилади. Ўзини ишонтириш, ўзини буйсундириш, ўзини чеклай олиш тарбиячида ирода, мақсадга интилиш ва масъулиятни шакллантиради. Кузатиш, тасаввур, чуқур фикрлашга йўналтирилган машқларсиз касбий сифатлар шаклланиши бўлмайди. Касбий тарбия ўқитувчининг ҳаётий мақсадига айланиши керакки, усиз ўз соҳасида юксалиш ҳам бўлмайди.

Ўқитувчи педагогик фаолиятнинг асосий субъекти ҳисобланади. Ўз фаолиятидаги сўз ва ҳаракат намуналари орқали у ўқувчиларга таъсир ўтказади. Шундан келиб чиқилган ҳолда ўқитувчининг референтлиги тўғрисида гапириш мумкин бўлади.

Референт шахс – бошқа киши интилишлари учун аҳамиятли ва жуда керакли шахс. Референт киши ким учун референт бўлса, унга нисбатан шунчали катта таъсирга эга бўлади.

Агар тарбичи ўқувчилар учун шундай бўлса, бўлғуси шахсларни шакллантиришдаги фаол таъсири сабабли унинг болалар келажаги олдида масъулияти янада ошади.

1.4. Тарбиячининг «Мен - концепцияси»ни шакллантириш

Ўзимизда ва хорижда ўз касбий фаолиятини ташкил этиш йўллари бўйича кўплаб ёндошувлар кўзга ташланади. Ундаги сўнгги вариантлардан бири Р.Бернс томонидан ишлаб чиқилган «Мен - концепцияси» деб ном олган шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ғояси бўлиб, у РТАнинг Ёшлар Институтида яратилган. У 1986 йилдан ишлаб чиқила бошланган эди. Мустақил касбий таёргарлик ва ўз карьерасини белгилаш турли

имкониятлардан кераклиларини танлаш жараёнидир. «Мен - концепция»сиз тизими асосида инсон улғайиб бориши билан ўзгариб борадиган имкониятларга йўналтириш ётади.

Педагогикага йўналтирилган «Мен - концепция»сини ижобий ташкил этиш жараёни унда қуйидагиларни шакллантиришни тақозо этади:

- индивидуал кўникмалар (муваффақият тушунчаси кенгайишини);
- . ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиш ;
- . ўзини англаш, ўзига ишонч, ўз фикрларини қатъий ифодалай олиш, тўғри фикр алмашиниш, кузатиш ва ўзига зарур бўлган натижаларни аниқ белгилаб бориш;
- гуруҳ кўникмалари (гуруҳ қандай ишлаётганлигини тушуниш);
- . бошқалар билан бирга ишлай олиш қобилияти;
- . ўзгаларга нисбатан сабрли бўлиш хусусияти;
- . бошқаларга ёрдам бериш;
- . бошқаларнинг кучли ижобий ва лидерлик жиҳатларини кўра билиш;
- . керакли маълумотларни йиға билиш ва ўша бўйича фикр алмашиш;
- . бошқариш қобилиятлари (ҳар кунги вазифаларни мустақил ҳал эта олиш);
- . бош масалани ажрата олиш;
- . ўз вақтини назорат қила олиш;
- . муаммонинг тўғри ечимини топа олиш;
- . музокараларга тайёр бўлиш;
- имкониятларини тўлиқ намоиш эта олиш (ўз имкониятларини намоиш этишда ўзини тута олиш, аниқлик, холисоналик, танқидий ва аналитик таҳлилга асосланиш);
- атрофдагилар билан тил топиша олиш (ширинсуханлик, симпатия, ўзаро ёрдам, дўстлик, ташаббускорлик ва ҳамкорлик жиҳатлари). [8, 264]

Тарбиячининг ўз ижтимоий вазифаларини бажаришга тайёргарлиги унда педагогик масъулиятдан келиб чиқадиган «Мен - концепцияси»нинг қай даражада ривожланганлиги билан боғлиқ бўлади. Р.Бернс бунда «Мен - концепцияси», «Тарбияланувчи концепцияси» ва «Фаолият концепцияси»ни

алоҳида ажратиб кўрсатади. Ўқитувчининг маҳорати эса шу концепциялардан қайси бири кўпроқ ривожланганлиги билан белгиланади. Маҳоратли педагоглар фаолиятида «Тарбияланувчи концепцияси» устивор бўлиб, у бошқа концепциялар билан самарали боғлиқликда амал қилади.

«Мен концепцияси» педагогда нарса-ҳодисаларни холисона қабул қилиш ва унга нисбатан тўғри рефлексияга эга бўлишни тақозо этади. Ижобий касбий тарбия муҳотида ҳар қандай киши ҳам қониқиш ҳосил қилади ва унинг иши самарали бўлади.

«Фаолият концепцияси» педагогик дунёқарашнинг ижобий элементи сифатида ўқитувчида касбий фаолиятнинг моҳияти, характери, таркибий тузилиши ва ижтимоий аҳамияти хусусидаги тасаввурларнинг шаклланганлигида намоён бўлади.

Тўғри шаклланган бу концепция ўқитувчи ижодий имкониятини тўғри йўналтиради, ҳамкасблар ҳамда ўқувчилар билан биргаликда ишлашда асқотадиган керакли усуллар, ва воситалар захирасини яратади. Шу сабабли у ҳамкор фаолият йўналишини кўпроқ белгилаб беради. Агар фақат шу мақсад қўйилса ўқитувчи турли вариантли усулларга эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг натижаси камроқ бўлади. Чунки бунда ўқувчи фаолиятдаги ҳамкор эмас, максимал эътибор кучини талаб қиладиган пассив объектга айланган бўлади. Натижада ўқитувчининг иши «субъект - субъект»ли эмас, балки «субъект - объект»ли мазмунга эга бўлади. Бундай вазиятда ўқитувчи маъмурий – буйруқбозлик мавқеида бўлиб, ҳеч қандай ҳамкорликка йўл қўймайди ва уни қабул қилмайди.

«Тарбияланувчи концепцияси» педагогик дунёқарашнинг мураккаб элементларидан биридир. Агар ўз-ўзини англаш ва билиш кишини куққисдан ҳаяжонлантирса, маълум бир мукамал асосли билим ва усулларга эга ёш ўқитувчи ўз устида анча тизимли тарзда иш олиб боради. Олий ўқув юргларида ўтиладиган кўпгина фанлар асосан шу тизимни шакллантиришга йўналтирилгандир. Шундай бўлсада ёш ўқитувчиларда бу концепция талабларининг шаклланиши қийинчилик билан кечади. Чунки ҳар

бир бўлғуси педагог болалар боғчасида, мактабда, лицей – коллежларда ўқитувчиларнинг юқорида тилга олинган маъмурий – буйруқбозлик муносабатларига дучор бўлгандир. Унинг натижасида юзага келган салбий жиҳатлар кейин уларнинг ўзида ҳам намоён бўла бошлайди.

Ушбу концепция бўйича ишлаганда маълум бир ёшдаги ўқувчилар гуруҳи билан ишлашнинг ўзи муҳим аҳамиятга эгадир. Бир вақтнинг ўзида турли ёшдаги ўқувчилар билан ишлаш ўқитувчининг ўз вазифасини бажара олмаслиги ёки уни суст эплашига сабаб бўладиган ҳолатлар ҳам учраб туради. [8, 287]

Бўлғуси педагоглар “Мен қандай одамман?” деган саволга келажакда ҳаётда ўз ўринларини топа билишлари билан бир қаторда касбий жиҳатдан «Мен қандай педагогман?» деган саволни ижобий ҳал этишлари ҳам лозим бўлади. Ўзидаги кўникмаларни самарали шакллантириш эса педагогик рефлексиянинг юқори ривожланиш даражаси билан боғлиқ бўлади. Айнан шу рефлексия педагогик фаолиятнинг барча йўналишларида тўғри йўл топа олишга имкон яратади. Бу эса барча концепциялар талабларини ягона бир самарали тизим сифатида бирлаштиришга олиб келади.

Юқоридаги концепцияларни амалга оширишнинг яна бир қийинчилик жиҳатлари бу атрофдаги инсонлар ижтимоий дунёқарашлари ва миллий менталитетларининг турлича эканлиги билан боғлиқдир. Кўпгина муаллифлар фикрлари касбий тарбиянинг бошқа соҳалардаги тарбия жиҳатлари билан боғлиқлигида ягонадир.

Ҳақиқий мустақил касбий тарбиянинг моҳияти маълум бир тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий муҳитда ўз фаолияти мазмунини тўғри англаш ҳамда уни самарали амалга оширишдан иборатдир.

Шахснинг ўз-ўзини ижтимоий белгилаши бу «мен образидаги» ўзлигини англаш, уни ривожлантириш ва ҳаётда ўз ўрнини топишдан иборат бўлади. У эса инсоннинг ўз ҳаётининг ҳақиқий эгаси бўлиши ва у билан боғлиқ барча вазиятларда мустақил қарор қабул қила олиши билан белгиланади. Бунда уша инсон нафақат маълум бир ҳаётий – касбий кўникмаларга эга бўлади, балки тарбия соҳасида ўқувчилар учун юксак инсоний образ тимсолига айланади.

II БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПЕДАГОГИНИ КАСБИЙ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

2.1. Ўз касбига муносабат нуқтаи назаридан педагогнинг касбий позицияси

Тарбия хусусидаги назарий тасаввур авваллабор бу жуда сифатли касбий тафаккур бўлиб, ўқитувчи томонидан тарбия жараёнини тўлақонли кура олиш ҳамда ундаги натижалар шакли бўлган болалар реакцияси билан боғлиқлигидадир. Назарий қарашлар ўз ифода кучига эга бўлади ва намоён бўлиш шакли ҳам ўзига хос бўлади. Бу ўқитувчининг педагогик позициясида акс этган бўлади.

Меҳнат фаолиятда касбий позиция муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу инсоннинг ўзига ва ўз ишига муносабати билан белгиланади. «Агар инсон ўз касби орқали ўзини англашга интилса ва шу орқали жамиятга кўпроқ фойда келтирса у уз касби билан яшаётган бўлади», – деб ёзган эди Ш.А.Амонашвили. [1, 27]

Касбий позиция – бу ўз касбининг аҳамияти ва ундан келиб чиқадиган ҳаракат, хулқ – атворга нисбатан ўз нуқтаи – назари; бу атроф ҳаётга, педагогик жараёнга ва педагогик фаолиятга нисбатан ақлий, иродавий, ҳиссий баҳолаш муносабатлари тизимидир [7, 428]

В.И.Слободчиков сўзларича касбий позиция ўзига хос тарзда ноёб ва яқою яғонадир. У бир вақтнинг ўзида шахсий педагогик (ўқитувчининг бола билан тарбия жараёнидаги учрашувида аниқланади) ва педагогик-профессионал (касбий педагогик мақсадларга эришиш жараёнида кузатилади) мазмунга эга бўлади. Ўқитувчи тарбия жараёнидан ташқарида ҳеч қаерда, ҳеч қачон бола билан «объект» сифатида учрашмаслигини (агар у оддий инсон материали билан ишламайдиган ҳақиқий педагог бўлса) бу ерда махсус кайд этиш лозимдир, яъни: шахсий позициясида у бошқа киши билан, касбий йўналишда эса тарбия ривожининг шароитлари билан учрашади.

Ўз касбига муносабатлар нуктаи – назарларини кўриб чиқиш давомида унга хос қуйидаги тавсифларни ажратиш мумкин:

Биринчи позиция бу – «масофали позиция» бўлиб, у тарбия субъектлари ҳамкорлигидаги руҳий масофани англатади. Бу ерда учта «узок», «яқин» ва «ёнида» каби асосий белгиларни ажратиш мумкин бўлади. «Узок» масофа муносабатларда самимийлик йўқлиги ва ўқитувчи ўз ишини «коғоз учун» номигагина бажараётганлигини билдиради. «Яқин» масофани танлаган педагог ўқувчиларнинг дўсти бўлиб, улар билан ўз ижодий қарашларини амалга оширади. Бу санъат, спорт ва илм педагогикасида аниқ кўзга ташланади. «Ёнида» масофали муносабатда ўқитувчи дарсдан ташқари вақтда ҳам ўз боласига бўлгани сингари ўқувчининг тарбия муаммолари ташвиши билан юрган бўлади.

Иккинчи позиция – «даражали позиция» – педагоглар ва тарбияланувчиларнинг алоқалари, ҳамкорлиги ва бир-бирига тўғри келишидан келиб чиқувчи «вертикал йўналишдаги»: «суст», «устивор» ва «тенг» каби иерархик муносабатлари тизимидир. «Устивор» позиция учун «ўқувчи ёш, тажрибасиз ва нўноқ» қарашлари орқали бўладиган авторитар буйруқбозлик босими ҳосидир. «Суст» позицияда болалик ёши табиати олдида тиз чўқиш, бола тарбияси ривожига қўшилишдан ҳайиқиш хос бўлиб, унда ўқитувчи боланинг инжиқликларига хизмат қилувчи бир пассив шахсга айланиб қолади. Кейинги «тенг» позицияда ўқитувчи ўз тарбияланувчисини ўзига тенг кўради ва бу албатта, ўзаро ҳурматга асосланган бўлади. Фақат айрим ҳоллардагина ўқитувчи бола инжиқликларини ўз иродасига бўйсундириш учунгина «устивор» позицияга ўтиши мумкин.

Учинчи позиция – «кинетик позиция» («кинетика» – ҳаракат) бўлиб, ўзаро ҳамкорлик фаолиятида бошқа кишига нисбатан ҳаракат ҳолатини англатади ва «олдинда», «орқада», «биргаликда» каби вазиятларда бўлади. «Олдинда» позицияси педагогнинг бошловчилик фаолиятини англатади ва бунда ўқитувчи ўқувчиларни ўз орқасидан эргаштириб бора олади. «Орқада» позицияси ўқитувчининг «чўпончилик услуби» дан далолат беради, яъни у

ўқувчиларни олдинга солиб ҳайдаш орқали бошқаради. «Биргаликда» позициясида ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда ўзларининг умумий ҳаракат йўлларини белгилаб оладилар. Қисқаси фаолиятнинг бош йўналишида «олдинда», майда-чуйдаларда «орқада» ва умумий ҳаракатда «биргаликда» позициялари амал қилади. [8, 289]

Шундай қилиб ўз касби аҳамиятига муносабат нуқтаи назаридан келиб чиқиб «фаолият мезонларида» ёнида, тенг ва биргаликда, лекин озгина олдинда каби ҳолатларнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Тарбия жараёнида ўқитувчи асосий субъект сифатида бўлади. Унинг субъектив жиҳатлари ишда унинг қандай касбий ва ижтимоий позицияда турганлиги билан характерланади. Бу эса жамиятнинг ўқитувчилардан талаб қиладиган асослар ва унинг ички дунёқараши ҳамда тарбия савияси билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли педагог позициясида унинг шахсига хос барча жиҳатлар ўз аксини топган бўлади. Ундаги тизим ижтимоий ва касбий асослардан иборат бўлади.

Ижтимоий позиция – бу мактаб таълими даврида юзага келган қарашлар, эътиқодлар ва мақсадлар натижасида шаклланади. Касбий тайёргарлик даврида эса педагогикага нисбатан фаолият мотивларининг шаклланиши кузатилади. Бу эса кенг маънода олинганда ўқитувчи шахси педагогикаси ядроси ҳисобланган таълим-тарбия малакасини англатади. Шу сабабли ижтимоий позиция маълум бир даражада касбий позиция йўналишини белгилаб берувчи бир асос ҳисобланади. Ўқувчилар характерининг турлича бўлиши сабабли бу боғлиқлик тўғридан-тўғри бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда қайд этиш мумкинки, ўқитувчи айрим нарсаларни нимага айнан шундай қилаётганлигини изоҳлаб бера олмайди. Бундай вазиятда ҳеч қандай таҳлил унинг ҳаракат илдизини очиб бера олмайди.

2.2. Педагогнинг типик касбий позициялари тавсифи

Л.Б. Ительсон педагогларга хос бўлган типик ижро позицияларини тавсифлайди ва унда кузатиладиган куйидаги сифатларни қайд этади:

- информатор, агар у талаблар, мерла ва қарашларни етказиш билангина чекланиб қолса;
- дуст, агар у ўқувчи рухиятига қира олса;
- диктатора, агар у талаблар ва меёрларни ўқувчи онгига авторитар босим орқали сингдирса;
- маслахатчи, агар у муносабатларда эҳтиёткор маслахат услубини қулласа;
- ёлворувчи, агар вазифаларни бажаришда ўқувчилардан илтимос қилиб, ёлгондан уларни алдаб мактаса;
- илхомлантирувчи, агар у қизиқарли гоё ва мақсадлар орқали ўқувчиларда қизиқиш уйғотиб, уларни ўзига эргаштира олса.

Бундаги ҳар бир позиция узининг ижобий ва салбий жиҳатларига эга бўлиб, у ўқитувчининг маҳорати ҳамда шахсий сифатлари билан бевосита боғлиқ бўлади. Касбий позиция эса юқоридаги ҳолатлар турлари билан белгиланади. [5, 36]

Педагогик позиция – педагогик тафаккур маҳсули, тарбия жараёнини ҳис этиш ва тарбия жараёнига тайёргарлик даражасидир. Бу шундай ҳолатки, ўқитувчининг болаларга нисбатан эгаллаган дастлабки позицияси унинг кейинги фаолияти йўлини белгилаб беради. Чунки шу позиция орқали турли вазиятлар ўқитувчига ўз ҳукмини ўтказиш бошлайди. Агар ўқитувчи болани «синдириш», «енгиш» ёки «буйсундириш»га интилса, боланинг кичик хатоси ҳам уни ғазаблантиради ва натижада болага қичқириш, қаттиқ танбеҳ бериш, ёмон баҳо қўйиш ва уни камситиш каби ҳолатлар рўй беради. Агар ўқитувчи синфга «ишлаш», «тарбияни англаш», «муайян мулоқотга киришиш», «мақсадга эришиш» учун борса, у ўқувчиларнинг бош мақсадга томон умумий ҳаракатига ҳалақит бермаган ҳолда ундаги айрим камчиликларни йўл-йўлакай билдирмасдан ҳал этиб боради. Педагогик позициядаги фарқларни турли ўқитувчилар фаолиятидаги фарқларга қараб енгил ажратиш мумкиндир. Ўқитувчилар маҳоратининг турличалиги позициялардаги ранг – барангликни оширади. [4,76]

Транзакт таҳлил нуқтаи назари бўйича инсон муомалани учта ички позициядан келиб чиқиб қуради, яъни: ота – она позицияси (авайлаб-асраш ва назорат қилиш), болалар позицияси (ўзига эътиборни кутади ва жавобгарликни бўйнига олмайди), катталар позицияси (масъулиятни тенг бўлишиш ва ҳамкорликка интилиш).

Педагогик позиция жиҳатидан буни С.Д. Поляков қуйидагича изоҳлайди: биринчидан «болалар позицияси» беқарор позиция бўлиб, унга таянилса ўқитувчи таъсири маънога эга бўлмайди; иккинчидан ўқитувчи «катта ва кичик» ҳамда «катта ва катта» ҳолатидаги келишилган ҳамкорликка интилади. Чунки турли ёшдаги болалар билан муносабатларда улар тегишли тарзда қўлланилади; учинчидан, ўқитувчи эгаллаган позиция унинг фаолияти давомида турлича намоён бўлиши мумкин. [4, 104]

Инсонпарвар позицияда ўқитувчи алоҳида йўналишларда, яъни «бола учун», «ота – она учун», «жамият учун», «давлат учун» махсус иш олиб бормайди, балки шуларнинг ҳар бирида ўз тарбиясини кўради ва уларни ихтиёрийлик асосида инсонпарварлик жиҳатдан бирлаштиришга ҳаракат қилади. Инсонпарвар позиция (дунёқараш сифатида) – ижтимоий педагогикани лойиҳалаштириш асосидир.

2.3. Касбий позициянинг шаклланиши педагогик қобилиятлар ривожланиш даражаси билан боғлиқлиги

Ҳозирги замон педагогларининг педагогик позицияси улардаги педагогик қобилиятларнинг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқдир.

Педагог – нафақат билимларни етказувчилик касби, балки ўқувчини инсон қилиб, унда одамийликни шакллантирадиган катта бир масъулиятли вазифадир. Шу жиҳатдан педагогик таълим янги типдаги ўқитувчини шакллантирадиган узлуксиз касбий таълимдир. Педагог учун жуда муҳим касбий сифатлардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади: юксак фуқаролик бурчи, ижтимоий фаоллик, болага меҳр, зиёлийлик,

маданиятлилик, касбий маҳоратлилик, доим ўз устида ишлаш, жисмоний – руҳий соғломлик ва ўз ишининг устаси бўлиш.

Касбий фаолиятда инсондаги қобилиятлар муҳим ўрин эгаллайди. Б.М.Теплов қобилиятни қуйидагича изоҳлайди:

Қобилият – бу бир ёки бир нечта йўналишдаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишдаги инсон шахсининг хусусияти. [5, 22]

Қобилият авлоддан авлодга ўтмайди, балки қандайдир физиолог–анатомик жиҳатлар ирсий йўл билан кўчиши мумкин. Қобилиятлар ривожланиб боради. Қобилият билим – куникмалар билан эмас, балки меҳнат услубидаги тезлик, чуқур ижодийлик ва мустахкам ишончлилик билан белгиланади.

Фанда умумий ва махсус қобилиятлар ажратилади.

Умумий қобилиятлар аклий операциялар, ўткир кузатишлар, қизиқарли мулоқот, ижтимоий тажрибаларни осон ўзлаштира олиш билан ажралиб туради ва хоҳлаган соҳадаги юқори натижаларни белгилаб беради.

Махсус қобилиятлар мусиқа, тасвирий санъат, математика, театр каби махсус малака талаб этиладиган соҳалардаги алоҳида йўналишларнинг юқори натижаларини белгилаб беради. [5, 64]

Н.Д. Левитов педагогик қобилият деганда тарбия вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам берадиган ўқитувчи шахси сифатларини назарда тутди. Бу билимларни қисқа ва қизиқарли етказиш, ўқувчиларни тўғри тушуниш, мустақил ижодий фикрлаш, топқирлик, ташкилотчилик ва тарбия жараёнида мўътадил муҳитни ярата олиш кабилардан иборатдир.

Ф.Н. Гоноболин эса қобилиятларни бевосита ва билвосита гуруҳларига ажратади. Бу қобилиятлар ўқув материални ўқувчилар ўзлаштиришлари учун қулай қилиш, ўқувчилар интилишларини англаш, ижодкорлик, болаларни ўзига жалб қила билиш, синфни жипслаштира олиш, болалар қизиқишларига сингиб бориш, нутқнинг тушунарли ва ёрқин бўлиши, дарсининг ҳаётийлиги, кузатувчанлик, ҳурмат-иззат ҳамда қатъий талабчанлик кабилардан ташкил топгандир. [5, 69]

Ҳамма педагоглар ҳам қобилиятга эга бўлавермайдилар. Буни икки далил асосида аниқлаш мумкин. Биринчидан, касбий маҳоратли ҳамма педагоглар ҳам ўқувчилар билан ишлаганда жуда уларда юқори кўрсаткичларни (кенг кўламли билим, ижодий қизиқиш, мустақил ҳаракат қила олиш, ўз билимларини эркин қўллай олиш в. ҳ.к.зо) шакллантира оладилар. Иккинчидан, педагог ўз ишига нисбатан жуда кучли масъулият билан ёндашса-да, у ўқувчилари орқали бир нарсага эриша олмаслиги мумкин.

Шундай қилиб, қобилиятлар инсоннинг тарбия объекти, воситалари, фаолият шароитлари ва юқори натижага эришиш учун керак бўлган самарали йўлларни нафис ҳис этиши билан боғлиқ индивидуал кўникмалар мажмуидир.

Педагогик қобилиятда ўзаро боғлиқ иккита даража кўзга ташланади:

1. «рефлексив – перцептив қобилиятлар» ўз йўналиши бўйича «объект - субъект» муносабатига йўналтирилган бўлади ва педагогнинг шахсий ҳис этиш тажрибаси ривожланишини тақозо этади. Ушбу даража уч хилдаги сезишларни ўзида мужассамлаштирган бўлади : «объектни ҳис этиш» (педагогик талабларга нисбатан ўқувчи муносабати йўналишини ҳис этиш); «меъёр ва истиҳола ҳиссиёти» (турли хил педагогик тарбия воситаларнинг ўқувчи шахси шаклланишига таъсири меъёрларини ҳис этиш); «масъулият ҳисси» (ўзининг ва ўзгаларнинг иззат нафсини топтамаслик ва унга нисбатан жиддий бўлиш ҳиссиёти).

2. «лойиха қобилиятлари» йўналиши бўйича «субъект - субъект» муносабатларига йўналтирилган бўлади. У ўқувчида тафаккур тараққиётига нисбатан эҳтиёж, ўз ўрнини топа олиш истагини шакллантириш бўлса, ўқитувчида касбий соҳадаги мукамалikka интилишга ёрдам берадиган жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган бўлади. Бу таълим –тарбия тизимини лойиҳалаштириш билан боғлиқ модулли билим ва куникмаларнинг ривожланганлиги билан белгиланади. [5, 72]

Қобилиятлар асосида касбий сифатлар шаклланади. Улар қандайдир ўзига хос қобилиятларга эга ўқитувчиларда шаклланиши мумкин. Агар шундай бўлмаса педагогик сифатлар шаклланиши қийинчиликлар билан узок давом этади. Педагогик сифатлар шаклланишига ўқитувчи ўз фаолият йўналишини тўғри белгилаганлиги даражаси ва унда ўзининг касбий имкониятлари даражасини тўғри англаши билан боғлиқ шахсий жиҳатлар ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Педагогик маҳоратни биз ўқитувчида бўлиши лозим бўлган бир қанча шахсий сифатлар мажмуаси сифатида тушунамиз. Бу шахсий сифатлар касбий фаолиятни юқори савияда ташкил этишга имкон беради. Шундай муҳим сифатларга – ўқитувчи фаолиятининг инсонпарварлиги; унинг касбий билими; педагогик қобилиятлари ва педагогик техникасини киритиш мумкин.

Шу ўринда қуйидаги ҳолатларни таъкидлаш жоиз: биринчидан, педагогик маҳорат шахс руҳиятидаги ўз-ўзини ташкил этувчи тизим бўлиб, инсонпарвар йўналганлик бу тизимнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади; иккинчидан касбий маҳоратни ривожлантириш заминида (асосида) ўқитувчи хатти-ҳаракатларининг асл моҳияти асосланганлиги, онглилигини белгилайдиган касбий билим ётади. Йўналганлик ва касбий билим профессионал юқори даражадаги фаолиятнинг “скелет”и саналанади, у ўз-ўзини ташкил этувчи тизимнинг яхлитлигини таъминлайди; учинчидан, педагогик қобилиятлар маҳоратнинг шаклланишини тезлаштирадиган ҳамиртуруш бўлиб ҳисобланади; тўртинчидан, билим ва қобилиятга таянадиган педагогик техника, у барча таъсир воситаларини мақсад билан боғлашга хизмат қилади, шунингдек, педагогик фаолият структурасини мувофиқлаштиради. Шундай қилиб, педагогик маҳорат тизимининг тўрт таркибий қисми ҳам ўзаро боғлиқ. Уларнинг ўсишида фақат ташқи таъсирнинг ўзигина кифоя эмас, улар ўз-ўзини ривожлантиришни ҳам талаб этади. Ўз-ўзини ривожлантириш махсус билим ва кўникмаларга асосланади. Муваффақиятнинг асосий шarti – бу қобилиятлар, воситаси эса педагогик

техникадир. Энди педагогик маҳоратнинг тўрт элементи тўғрисида батафсил тўхталамиз.

1. Ўқитувчи шахсининг инсонпарварлиги. Фикрлар тўқнашуви ва ўз позицияси учун курашни драма деб ҳисобласак, тарбиячининг бутун, фаолияти драмалардан иборат. Бинобарин, маҳорат даражаси қанча юқори бўлса, зиддиятлар ҳам шунчалик аниқ бўлади. Чунки, ижодкор ўқитувчи томонидан таклиф этилган тизимнинг янгилиги одатда, эскирган қарашларнинг қаршилигига учрайди.

“Шахс йўналганлиги нималардан иборат?”, - деган саволга психология фани идеаллар, қизиқишлар, қадриятлар деб жавоб беради.

Кўрайликчи, бу драманинг бошланиши эмасми? Ўқитувчи қандай уй-хаёл билан мактабга келади?

“Қоидадон” ўқитувчи “дарс ўтиш”, дастурни бажариш хаёли билан мактабга келяпти. Унинг қизиқиши 45 дақиқа мобайнида ўзлаштириши лозим бўлаган материалларга қаратилган.

Янги етакчи мактабга ёрқин байралар, маросимлар орзусида келяпти. Эндигина иш бошлаган ёш ўқитувчи ҳам дарсга келяпти. Унинг фикру хаёли ўзининг ўқитувчининг мавқеини сақлаб қолишда. У аввало ёшлари орасида унча катта фарқ бўлмаса—да ўқувчилар уни ўқитувчи сифатида қабул қилишлари тўғрисида қайғуради.

Донецклик ўқитувчи В.Ф.Шаталов ҳам дарсга келяпти. Унинг мақсади ўз ўқувчиларига зафарли билим олишлари учун кўмаклашиш.

Уларнинг ҳаммаси мактабга, болалар олдига келишяпти, лекин улар шахсий йўналганлиги асосининг ўзиёқ драма(тик). Лекин уларнинг бу тарздаги шахсий тараддуди тарбиянинг асосий мақсади – баркамол инсонни шакллантириш вазифасига қанчалик мутаносиб. Масаланинг муҳимлиги ана шунда.

Ҳар бир ўқитувчи шахсининг йўналганлиги турли хил бўлиб, уларнинг энг асосийси, қимматлилари қуйидагилардир: 1) ўзига нисбатан йўналганлик, яъни ўз-ўзига ишонч, “менда билимли, талабчан, ҳақиқий ўқитувчини

кўришсин”, - деган истакнинг мавжудлиги; 2) педагогик таъсир воситаларига йўналганлик; 4) педагогик фаолият мақсадига йўналганлик – инсонпарвар стратегия, фаолият объекти ва воситаларига нисбатан ижодий ёндашиш.

Педагог учун коррекцияланган барча турдаги йўналишлар билан йўғрилган, мақсадга олиб боровчи асосий йўналиш, яъни фаолиятни инсонпарварлаштириш муҳимроқдир. Лекин фақат келажак олдидаги масъулиятни ҳис этиш, онгли тиришқоқлик, болаларга нисбатан чексиз муҳаббат орқалигина ўқитувчининг касбий маҳорати шаклланади: ”Агар ўқитувчи ҳам ишига, ҳам болаларга нисбатан муҳаббатни ўзида мужасамлаштира олса”, - деган эди Л.Н.Толстой.

Инсонпарварлик йўналиши юқори топшириқ сифатида унинг кундалик ишидаги муайян вазифаларни белгилаб беради. Икки хил вазиятни таққослаб кўрамиз. Биринчи курс талабаси Таълим маркази музейига саёҳат олиб бораётиб, нима учун айнан шу музей ҳақида болаларга гапириб бериши кераклигини тушунтиришга қийналади. Маҳоратли уста педагог эса саёҳатдан кўзланган бир неча вазифалар ҳамоҳанглигини кўра олади, яъни ўз–ўзини англашга етаклаш, педагоглик касбини эгалашлага тарғиб этиш, ўқитувчи меҳнатининг ички томонларини кўрсатиш ва шу орқали бу машаққатли касб эгаларига нисбатан чексиз ҳурмат ҳиссини уйғониш ва пировард натижада ўқувчининг ижтимоий ривожланишнинг янада юқорироқ пилла поясида тура олишига кўмаклашиш.

Ўқитувчининг инсонпарварлиги унинг фаол хатти–ҳаракатларида намоён бўлади. Лекин шундай вазиятлар ҳам юз бериши мумкин: эртага ўқувчилар яна пахта йиғим–теримига чиқишлари керак. Лекин улар терган пахталар бир неча кундан буён ўлчанмай, олиб кетилмай далада турганлиги боис ўқувчиларнинг ишлагилари келмай турибди. Ўқитувчи болалар ҳақлигини билиб турсада, уларга бақириб беради: ”Сиз пахтани теришингиз шарт, уни қачон олиб кетишлари сизнинг ишингиз эмас”. Агар ўқитувчи пахтани ўз вақтида ўлчаб олиб кетилишини таъминлай олмаса, болаларга йўл кўйилаётганлигини очиқ–ойдин айтишига нима халақит беради. Ахир

ўқитувчи бу хўжасизликни бартараф этиш учун нима қилиш мумкинлиги тўғрисида болалар хўжасилик, бепарволик билан биргаликда бош қотириши мумкинку?!

2. Касбий билим. Уста-маҳоратли ўқитувчи касбий йўналганлигининг асосида икки нарса ётади – ўзи дарс берадиган предмети билан машғуллиги ва болалар билан мулоқот қилишга эҳтиёжи. Педагогик маҳоратнинг фундаментал асоси – бу касбий билимдир. Ўқитувчининг билими бир томондан фанга, иккинчи томондан уни ўзлаштирадиган ўқувчиларга қаратилади. Касбий билим мазмуни эса ўз предмети назарияси ва методикасини педагогика ва психологияни яхши билиш билан белгиланади. Касбий педагогик билимнинг ўзига хослиги унинг комплекслигидир. У ўқитувчида ўрганилаётган фанларни синтез қила олиш қобилиятини талаб этади. Синтезнинг асосини эса педагогик топшириқларни ечиш, педагогик вазиятларни таҳлил этиш, ўзаро ҳамкорлик воситаларини танлаш ташкил этади. Ҳар бир алоҳида педагогик топшириқни ҳал этиш жараёнида ўқитувчининг педагогик касбий билими фаоллашади ва ягона тизим сифатида намоён бўлади.

Касбий билимнинг комплекслиги, умумлашганлиги билан бирга унинг шахсий бўёқдорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. IX синфда адабиёт дарси боряпти. Юсуф хос Ҳожибнинг ”Қутадғу билиг” асари хусусидаги ўз фикрлари, унинг таржималари ундаги қаҳрамонлар ҳақида кўп гапирилди. Ўқувчилар ҳам ўз фикрларини баён қилдилар. Бу суҳбатни олиб бораётган ўқитувчи эса бирор марта ҳам ”Менимча”, “Мен ўйлайманки...” деган сўзларни айтмади. Фан, маданиятнинг бутун захираси тўғрисидаги билим ўқитувчининг ўз қизиқишлари ва идеаллари билан бойитилса, унинг ўз позицияси сифатида қабул қилинади. Ўқитувчининг маҳорати билимларни инсонийлаштиришда, унга руҳ бағишлашда намоён бўлади. Зеро, билимлар шунчаки китоблардан олинган маълумотдай эмас, балки ўзининг оламга муносабати тарзида етказилиши лозим.

Педагогнинг касбий билими асосида педагог тафаккури – принцип ва қоидалар шаклланади. Улар ўқитувчи хатти–ҳараклари, хулқ–атворида намоён бўлади. Бу принцип, қоидаларни ҳар бир ўқитувчи тажрибасига таянган ҳолда қуради. Лекин фақат касбий билим орқалигина уни англаш ва унинг қонуниятларини кўра олиш мумкин. “Абадий доскага чиқарилган” – ўқитувчи ҳақида шундай дейилади. Шунини ҳам ҳисобга олиш керакки, ўқитувчини тайёрлаш, касбга лаёқатли бўлишини таъминлаш жуда мураккаб жараён. Чунки касбий билим бир варақайига барча даражаларда тенг шакллантирилаши керак: методологик (ривожланишнинг умумфалсафий қонуниятларни, тарбия мақсади, шарт-шароитларини билиш), назарий (педагогика ва психологиянинг қонун–қоидалари, принциплари, фаолиятнинг асосий шакллари ва б.), методик (ўқув–тарбия жараёнини кўра олиш даражаси), технологик (муайян шароитда таълим–тарбиянинг амалий топшириқларини ҳал этиш даражаси). Бу маълум даражада ривожланган касбий тафаккурни, яъни педагогик мақсадни амалга оширишга қаратилган билимларни танлаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлашни талаб этади.

Лекин педагогик маҳоратни эгаллаш касбий билимнинг ўсиш даражаси билан қатъий чегаралаб қўйилмайди. Ҳақиқатдан ҳам, олий даргоҳда аъло даражада ўқийдиган талаба педагогик амалиётда муваффақиятга эриша олмаслиги мумкин. Чунки муваффақиятли фаолиятнинг алоҳида хусусиятлари, касбий улғайишнинг стимулятори – қобилиятлар мавжуд.

3. Педагогик қобилиятлар. Демак педагогик маҳорат тизимининг учинчи элементи – бу педагогик қобилиятлардир. Улар педагогик фаолият самарадорлигини белгилайдиган психик жараёнларнинг кечишини кўрсатади. Педагогик қобилиятлар таснифи бир қанча тадқиқотларда берилган.

Биз шулардан педагогик маҳоратга олиб борадиган энг асосийларини танлашимиз керак. Бу борада олиб борилаган илмий тадқиқотларни таҳлил этиб, қобилиятларнинг олти асосий турини ажратдик.

1. Комуникативлик. Бу қобилият одамлар билан мулоқотга кириша олиш, уларга нисбатан хайрихоҳлик билан белгиланади.

2. Перцептив қобилиятлар. Бу касбий зийраклик, эмпатия, педагогик интуиция билан белгиланади.

3. Шахсий мувозанат, яъни иродавий таъсир кўрсата олиш, мантиқий тўхтамга кела олиш қобилияти.

4. Ҳиссий мувозанат, яъни ўзини бошқара олиш қобилияти.

5. Оптимистик башорат қила олиш қобилияти.

6. Ижодкорлик қобилияти.

Касбий тайёргарлик суръати, бўлғуси педагог педагогик фаолият шакл ва усулларини қанчалик чуқур ва пухта эгаллаганлигига қараб унинг педагогик лаёқатини билиш мумкин.

Фикримизча, педагогик қобилиятларни текширишни комуникативликдан, яъни мулоқотдан бошланган маъқул. Умуман бу қобилият ҳаммада ҳам бор, лекин у турли даражада намоён бўлади. Агар ўқитувчида комуникативлик даражаси паст бўлса, бу касбий фаолият муҳитининг бузилишига олиб келади, ўқувчи билан ўзаро ҳамкорлик қилишга тўсиқинлик қилади. Демак, сиз кўпчилик даврасида бўлиш эҳтиёжини сезасизми, шунини аниқлаш керак. Буни аниқлаш учун кўпгина қизиқарли методикалардан фойдаланиш мумкин.

Коммуникативлик фақат мулоқотга кириша олиш билан эмас, балки қурилган мулоқотдан қониқиш ҳисси билан ҳам белгиланади. Болалар ва одамлар билан мулоқот жараёнида хайрихоҳлик ва қаноатланиш ишчанлик хусусиятини сақлашга, ижодий кайфиятни оширишга ёрдам беради.

Ўқитувчининг тил топа олиш қобилияти перцептив қобилиятларнинг ривожланишига ёрдам беради. Агар ўқитувчи озгина ташқи белгисидан ҳам ўқувчининг ички ҳис–туйғуларини англай олмаса, ҳақиқий диққатдан юзаки диққатини ажрата олмаса, хатти–ҳаракатларнинг мотивларини тушунмаса, қандай қилиб аниқ мақсадли бир қарорга келиши мумкин.

Кузатувчанлик қобилияти жуда мураккаб хусусият. У фақат эшита олиш ва кўра олиш билангина белгиланмайди. Кузатувчанлик қобилияти бизнинг диққатимиз қаратилган нарсага нисбатан ортиқ қизиқиш, ақлнинг интенсив фаолияти ва ахборотларни қайта ишлай олишида ҳам намоён бўлади. Биз нимани кўришни хоҳласак, ўшани кўрамиз, ҳақиқий қизиқувчанлик ана шундан бошланади. Кузатиш бу таҳлил, ана шу ердан идрок этилаётган ҳодисаларни тушуниш учун ўз-ўзимизга савол бера бошлаймиз.

Кузатувчанлик ва тажриба интуитив қобилиятнинг ривожланишига асос бўлади. А.С.Макаренъко “Педагогик поэма” асарида шундай ёзади: ”Бу пайтга келиб менинг кўзим етарли даражада равшанлашган эди. Мен биринчи қарашдаёқ, кишининг ташқи белгилари, овози, юриши ва яна қандайдир майда белгилари орқали, балки ҳатто ҳидидан ҳам, ҳар бир муайян ҳолатларда бу хом ашёдани қандай маҳсулот олиш мумкинлигини деярли аниқ айта олар эдим”.

Маҳоратли уста–педагог бўлиш педагогик жараённинг кечишини, кутилган қийинчиликларни олдидан англаш, педагогик сезиш қобилиятига эга бўлиш демакдир. Бундай қобилият, гарчи унинг шаклланиши қийин бўлсада, ривожлантирилиши мумкин. Бу ўринда В.А.Сухомлинскийнинг ”Аввало бола қалбининг хатти–ҳаратларини тушуниш лозим” – деган фикрини келтириш ўринлидир.

Маҳоратли уста–педагогнинг инсонни тушуна олиш, яъни шахсий динамизм қобилияти билан ўзаро боғлиқдир. Динамизм ёки шахсий мувазанат – бу ишонтириш ва сингдира олиш қобилияти, турли хил таъсир кўрсата олишдаги ички энергиядир. Бундай қобилиятнинг ёрқин намунаси сифатида новатор – педагогларнинг фаолиятини мисол келтириш мумкин. Уларнинг дарслари ёрқин, позициялари ташаббускор(лик), сўзлари ўқувчи онгига сингиб бора олади. Бу қобилият мазмунини ўрганишнинг ўзиёқ унга эга бўлиш йўлларини кўрсатади.

Шахсий мувозанат (динамизм) ҳиссий мувоазанат (яъни таъсир доираси, яхши педагогнинг тортиш майдони) қобилияти билан боғлиқдир. Ўзини тута олиш ва ўзини бошқара олиш ҳиссий мувозанатни юзага келтиради, турли ҳолатда ўзини ва вазиятни бошқара олиш имконини беради.

Оптимистик башорат қила олиш қобилияти бошқа барча қобилиятлар билан биргаликда баркамол шахни шакллантиришда, жамият учун фойдали кишиларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ўқувчига нисбатан ”ҳеч қачон...” деган иборани ишлатишга ҳаққи йўқ. Чунки ўқувчининг келажагини «”Сен ҳеч қачон одам бўлмайсан”, деб башорат қилиб бўлмайди. Ўқитувчининг башорати ўқувчини руҳлаштириши, бирор бир аниқ мақсадга йўналтириши керак.

4. Педагогик техника. Ниҳоят педагогик маҳорат тизимининг тўртинчи элементи – ўқитувчи хулқ–атворининг ташкилий шакли, яъни педагогик техникадир. Хатти-ҳаракат усулларисиз билим, йўналганлик ва қобилият юқори натижаларга эришиш учун кафолат бермайди. Педагогик техника икки хил кўникмани – ўз–ўзини бошқара олиш ҳамда педагогик топшириқларни ҳал этиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қила олиш кўникмаларини мужассамлаштиради. Бринчи гуруҳ кўникмаларига ўз гавдасини, ҳис–туйғаларини, нутқ техникасини бошқариш кирса, иккинчи гуруҳ кўникмаларга дидактик, ташкилотчилик, алоқавий таъсир техникасига оид кўникмалар киради.

Педагогик маҳоратни кўриб ўтилган элементлари педагогик фаолиятда бу ҳодисани системалилигини кўрсатади. Маҳоратнинг юқори даражаси бутун педагогик ишнинг Янги сифатини белгилайди; яъни касбий позиция шаклланади; билимларни ошириб бориш ўқитувчи учун ўз ишини таҳлил қила олиш, ўз–ўзини ривожлантириш имконини беради; қобилиятларнинг юксак даражаси ўқитувчи шахсининг янада ёрқин намоён бўлишига олиб келади; педагогик техникани такомиллаштириш эса бош мақсадга монанд натижаларга эришиш имкониятини вужудга келтиради.

Педагогик маҳорат мезонлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин;

- мақсадга қаратилганлик; (йўналишига кўра)
- маҳсулдорлик; (натижага кўра)
- самарадорлик; (танланган воситалар)
- ижодкорлик: (фаолият мазмунига кўра)

Маҳоратни эгаллашнинг бир нечта даражаларини ҳам ажратиш мумкин. Олий ўқув юртининг вазифаси талабага педагогик маҳоратни касбий тайёргарликнинг бошланғич даражасида эгаллаши учун кўмаклашишдир, яъни йўналганликни шакллантириш, билим бериш, қобилиятларини ривожлантириш, техника билан қуроллантириш.

Юқорида қайд этилган фикрларга асосланиб, педагогик маҳорат фаолият жараёнида шаклланади ва такомиллашиб боради деб айтиш мумкин. У ишбилармонлик, зукколик, лаёқат ва зеҳн воситасида тарақий этади. Шунга асосланиб, «Фаолият дунёни ўзлаштиришнинг биринчи шартидир», -деб айтиш мумкин. Кўриб ўтганимиздек педагогик маҳоратнинг асосий объекти – инсон, унинг ақл – идроки, иродаси, ишончи, тафаккури, шууридир. Булар юксак даражада бўлиши, илмга, уни эгаллаганлик даражасига боғлиқ. Илм эса тинимсиз меҳнат, машаққат ва азоб – уқубатлар орқали қўлга киритилади. Шунингдек педагогик маҳорат ҳам фаолият, меҳнат, ўз малакаси устида муттасил ишлаш ёрдамида шаклланади. Шундай экан, «Педагогик маҳорат» фанининг педагогик – психологик фанлар тизимида мавқеи баланд. Зеро, педагогик маҳоратсиз таълим – тарбия, яъни педагогик жараён муваффақиятини таъминлаб бўлмайди. Бу эса педагогик маҳоратни эгаллаш, ҳар бир талаба, ўқитувчи, тарбиячи учун зарурий шарт дегани демакдир.

Ўқитувчилик касбидаги педагогик фаолиятнинг хусусиятлари, функциялари, тузилмасини тадқиқ қилган А.Н. Шербаков, Н.В.Кузмина, В.А. Слостёнинлар “педагогик фаолиятнинг йўналишларини”ни илмий назарий ва амалий жиҳатдан асослашга ҳаракат қиладилар. Бу эса педагогик маҳоратни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг иккинчи шартидир. Айниқса, В.А,

Сластёнин ўзини “Формирование личности учителя в процессе профессиональной подготовки” номли ўқув қўлланмасида педагогик фаолиятнинг қирраларини ишлаб чиққан. Буни 1.3 – жадвалда кўришимиз мумкин.⁶

1.3-жадвал. Педагогик фаолият қирралари.

• Касб-корга оид касбий фазилатлар	• Касб-корга оид шахсий фазилатлар
• Билимдонлик, йўналтирувчилик, сафарбарлик, тадқиқотчилик, лойиҳачилик	• Ривожлантирувчилик, воситачилик, ташкилотчилик, шахсий камолот

Жадвалда кўрсатилган педагогнинг касб-корга оид фазилатларининг мазмуни билан танишиб чиқамиз.

Педагогик фаолият қирралари:

1. Билимдонлик:

- ўқитадиган фанини пухта билиши;
- нотиклик санъатига (ўқув материални тушунарли ва раво тилда баён қила олиш малакасига) эга бўлиши;
- билимларни гуманитарлаштира олиши;
- ўқитиш воситалари (теварак-атрофдаги буюмлар, ҳаракатлар, моделлар, чизмалар, схемалар, жадваллар ва ҳоказолар, ўқитишнинг техника воситалари: диапозитивлар, диафильмлар, ўқув кинофильмлари, овоз ва видеоёзувлар, Ўқув қўлланмалар ва ўқув қўлланмалари, талабалар билими, малака ва кўникмаларини назорат қилиш учун мосламалар, микрокомпьютерлар)ни эгалланганлиги;
- талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини таҳлил қила олиши ва уларни баҳолай олиши;
- билимларни узлуксиз мустақил эгаллаб бориши;

⁶ Сластёнин В.А, “Формирование личности учителя в процессе профессиональной подготовки”. – М.: Просвещение, 1976, 106-141 с.

- ўқитувчининг шахсий сифатлари (меҳнатсеварлик, ишга ижодий ёндашиш, мустақиллик, камтарлик, юксак маданиятлилик, эпчиллик, ҳозиржавоблик, вазминлик, маъсулиятлилик, синчковлик, қатъиятлилик, батартиблик, саботлилик, тиришқоқлик, ижрочилик, виждонлилик, холислик, ҳар томонлама билимдонлик, кузатувчанлик, хушмуомалалик, талабаларни севиш ва улар шахсини ҳурмат қилиш ва бошқалар).

2. Ривожлантирувчилик:

- талабаларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг ўқув имкониятларини билиши;
- талабаларда ўз фанига қизиқиш уйғота олиши;
- таълимнинг турли усуллари (баёний-тасвирий, репродуктив, муаммоли таълим, қисман-изланувчан ёки эвристик усул, тадқиқот услуоби)ни эгаллаганлиги.

3. Йўналтирувчилик:

- ўқитиш тамойиллари тизими (тарбия ва ўқитиш жараёнида талабалар шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, илмийлик ва билимларнинг талабалар имкониятига яраша қийинлик даражаси, ўқитувчи раҳбарлигида талабалар онглилиги ва ижодий фаоллиги, ўқитишда кўрсатмалилик ва талабаларнинг назарий тафаккурини ривожлантириш, тизимлилик ва изчиллик, ўқитишдан билимларни мустақил эгаллашга ўтишни таъминлаш, ўқитишни ҳаёт, ўқитиш натижаларининг пухталиги ва талабаларнинг билиш имкониятларини ривожлантириш, ўқитишда ижобий ҳиссиёт яратиш, ўқитишнинг жамоа тусидалиги ва талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш)ни ўзлаштирганлиги.

4. Сафарбарлик:

- дарсда талабаларнинг диққатини барқарорлаштириши;
- ҳар хил типдаги дарслар (янги билимларни ўзлаштириш, малака ва кўникмаларни эгаллаш, ва уларни қўллаш, билимларни

тизимлаштириш ва умумлаштириш, билим, малака ва кўникмаларни назорат қилиш ва тузатиш, аралаш дарс)ни ўткази олиши;

- политехник таълимга оид ва касбга йўналтириш ишларини амалга ошири олиши;
- эгалланган билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириши;
- ҳазил-мутойибани уддалай олиши;
- меҳнатни илмий асосда ташкил қила олиши ва унга қўйиладиган эстетик ва гигиеник талабларга риоя қила олиши.

5. Лойиҳачилик:

- ўз мутахассислигига оид таълим муассасаси курсини пухта билиши;
- ўз фанининг методикасини билиши;
- ўқитиш ва талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш учун ўқув манбаларини танлай олиши;
- ўқитишда предметлараро ички ва ташқи алоқалардан фойдаланиш малакаси;
- керакли ҳужжатларни тўғри олиб бориши ва расмийлаштириши;
- асосий тарбиявий ишларнинг турларини аниқлаш ва уни ўтказиш шакллари танлаши;
- фан кабинети учун зарур воситаларни аниқлаш ва уни қўлда ясалган кўрсатмали қуроллар ҳисобига бойитиб бориш малакаси.

6. Воситачилик:

- гуруҳ жамоасини бошқара билиши;
- ўқитишни ташкил қилиш шакллари (фронтал, индивидуал, гуруҳ)ни эгаллаган бўлиши;
- талабаларнинг ота-оналари билан ишлай олиши;
- мулоқот жараёнида ахлоқий нормаларга риоя қилиши;
- лектор-тарғиботчи малакасини эгаллаган бўлиши.

7. Ташкилотчилиқ:

- дарсни ташкил қила олиши;
- гуруҳ раҳбари ишини режалаштириши;

- гуруҳдан ва дарсдан ташқари ишларни, ўз фанига оид оммавий тадбирларни ташкил қилиши ва уларни моҳирона ўтказиши.

8. Тадқиқотчилик:

- дарс, шунингдек ўқув-тарбия тадбирларини танқидий таҳлил қила олиши;
- таълим-тарбияга оид унча мураккаб бўлмаган педагогик тажрибаларни ўтказиши ва ишлаб чиқиши;
- бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларини таҳлил қилиш ва улардан танқидий фойдаланиши;
- илмий ва педагогик ижодиётга қизиқиши;
- мулоҳаза юритганда фикрлашнинг диалектик услубини қўллаши.

Кўриб ўтганимиздек педагогик фаолият муҳим ижтимоий-педагогик ходиса. Уни аниқ ташкил қилиш, талаба-ёшлар билим олиш жараёнини, уларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, мотивлари, мақсадлари, амалга ошириш шакллари тўғри йўналтириш педагогик маҳоратнинг шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай фаолият сингари, педагогик фаолият ҳам махсус тайёргарлик (маълумотлилик), тажриба, ихтисослик бўйича билимга эга бўлишини талаб этади.

Педагогик фаолиятнинг тузилиши унинг бошқа жиҳат ва соҳаларга караганда кам ўрганилган. Лекин, бу соҳада баъзи бир тадқиқотлар амалга оширилди. Санкт - Петербург университетининг профессори Н.В. Кузминанинг илмий - тадқиқот ишларини педагогик маҳоратни шакллантириш йўналишидаги педагогик фаолият тўғрисида яратилган илмий ишлардан деб алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Ўқитувчиларнинг фаолиятини узок вақт кузатиш, натижаларни илмий асосда ишлаб чиқиш, таълим муассасаси раҳбарларининг ўқитувчилар ҳақидаги фикрларини синчиклаб ўрганишлари натижасида олима Н.В.Кузмина педагогик фаолият тузилмасини уч асосий соҳадан: 1) конструктив; 2) ташкилотчилик; 3) перцептив, яъни ўқитувчи-талабалар муносабатидан иборат деб биледи. Педагогнинг иш соҳасида талабалар, уларнинг ота-оналари ва ҳамкасблари

билан алоқасидан иборат яхлитлик педагогик фаолият ва педагогик маҳорат асосини ташкил этади.

Н.В, Кузминанинг педагогик фаолият тузилмасидаги ўқитувчининг конструктив фаолияти талабаларга бериладиган материални танлаш, улардан энг асосийсини аниқлаб олиш ҳамда бу материални талабаларнинг ёши, индивидуал хусусиятларига мослаб қайта ишлаб чиқиш ва шу асосда дарс, суҳбат ташкил этиш, тарбиявий ишлар олиб бориш, талабалар шахси, билим савияси, дунёқарашини аниқлаш ва ривожлантиришни назарда тутса, ушбу тузилмадаги ўқитувчининг ташкилотчилик фаолияти эса, ишни ташкил этиш ва талабаларнинг дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда ўзларига ҳамда меҳнатларига раҳбарлик қилиш, шу билан бирга улар фаолиятини ташкил этишдир.

Агар, ўқитувчи талабалар билан тўғри муносабатда бўлиб, алоқа ўрната олса, унинг конструктив ва ташкилотчилик фаолияти ҳам муваффақиятли бўлади. Бу эса педагогик ишнинг сифат ва хислатларига, талабалар психологиясини тушунишига, ўқувчи-ёшлар билан ўзаро муносабатини йўлга қўйишига, уларнинг ёш ҳамда индивидуал хусусиятларини эътиборга олишига, шунингдек талабаларга таъсир эта билишига боғлиқдир. Бу педагогик маҳоратни шакллантиришнинг биринчи шарти ҳисобланади.

Педагогик маҳорат – бу ўқитувчи – тарбиячининг касбий ва шахсий фаолияти натижасининг умумлашмаси сифатида, муайян билим, кўникма, малакалар йиғиндисидан иборат бўлади ва ўзининг шаклланиши жараёнида бир неча йўлини босиб ўтади:

-биринчи йўл – ўқув – педагогик фаолият йўли бўлиб, у ўз ўқув предметини, педагогика, психология, методика фанларини илмий техникавий тараққиёт ва давр талаблари даражасида билишни назарда туттади.

-иккинчи йўл – шахсий фаолият йўли бўлиб, у ўзига, ўз ишига, ҳамкасбларига, ўқувчиларга, уларнинг ота-оналарига бўлган муносабатини билдириб, ўз мавқеини тушуниши, ўз –ўзига баҳо бериш, ўз-ўзини англаш,

мустақил равишда билимини оширишга интилиш, ўзини –ўзи камолотга етказиш, бунёдкорликка, ижодкорликка, тадбиркорликка лаёқатини янгиликка мунтазам интилишини англатади.

-учинчи йўл – ижтимоий – педагогик фаолият йўли бўлиб, у ўқитувчи-тарбиячининг ўқувчиларни, жамоани “кўра билишини”, ўқувчи ёшларнинг қизиқиши ва талабларини, улар дуч келадиган қийинчиликларни олдиндан англай олишини; ҳар бир ўқувчи-тарбияланувчининг индивидуал – психологик хусусиятларини илғай олишини; дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил қилиш бўйича билим, кўникма, малакаларнинг шаклланганлигини; турли ижтимоий – фойдали ишларга ўқувчиларни жалб эта олишини; фанга, ҳаётга, саъятга, ижтимоий-фойдали меҳнатга ҳавас уйғота олиш каби қо-билияти қирраларининг мавжудлигини англатади;

-тўртинчи йўл – ахборот – коммуникатив фаолият йўли бўлиб, у ўқитувчи – тарбиячининг маълумот-ахборотга эга эканлигини; воқелик, педагогик оламдаги воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар билан қуролланганлигини; ахборот ва коммуникатив технологиялардан маълумотлар ола билишини, уни ўз тафаккур элагидан ўтказиб, ҳамкасблари, ўртоқлари, ўқувчиларига етказа олиш қобилиятига эга эканлигини кўрсатади.

Қайд этиб ўтилган ҳамда тавсифланган педагогик маҳоратни эгаллашнинг мазкур йўллари ўқитувчи-тарбиячи учун дастуруламал бўлиб, касб-моҳири бўлиш учун катта имкониятлар яратишга, ўқув-тарбия самарадорлигини оширишга амалий ёрдам кўрсата олади.

Ш БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПЕДАГОГИНИ КАСБИЙ ШАКЛЛАНТИРИШГА ОИД ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Педагог шахсининг касбий педагогик позицияси нуқтаи назардан ўз-ўзини таҳлил.

Агар ўз-ўзини таҳлил этиш мақсадини яхлит олиб кўриладиган бўлса, маълум бўладики, у маҳоратли педагогнинг «йўлланма қоғиз», ўзига хос диагностикаси ва фаолияти давомида шаклланган касбий позициясини белгиловчи восита эканлиги кўзга ташланади. Бунда ўз-ўзини таҳлил этишнинг турли-хил қирралари намоён бўлади.

Ўз-ўзини таҳлил этишда педагогнинг касбий позицияси жуда кенг, тўлақонли тарзда берилган бўлиши керакки, у шахсий аҳамиятга эга психо-педагогик, услубий асосларни, қарашларни, эътиқодларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим. Булар эса ўқитувчи таълим-тарбия ишини янада яхшилашга йўналтирилган назарий ва амалий билим-кўникмалар орқали шаклланади.

Педагогнинг касбий позицияси унинг фаолиятида ёрқин намоён бўлади. Ўз-ўзини таҳлил этишда у қуйидагича бўлиши мумкин:

- муайян психо-педагогик шароитда таълим-тарбия фаолиятига оид далилларни саралаб олиш;
- таълим – тарбия жараёнига оид самарали ғоя, шакл, восита, усул, технология ва йўналишларни танлаб, уларни ўзлаштириб бориш;
- таълим – тарбияда юқори натижаларга элтувчи алоҳида мезонларнинг ўсиб боровчи шкала поғонасини аниқ белгилаш. [2, 58]

Юқорида келтирилган параметрлар ўз-ўзини таҳлилни ташкил этишда асос бўлиши мумкин. Уларни эса «ортикча сузларсиз» қисқа ва аниқ келтириш лозим бўлади. Изоҳларда бўлса аниқ фактлар билан асосланган маълумотларга таяниш керак бўлади.

Бундан ташқари биз ҳужжатни тайёрлаётганда унинг ўзига хос иккита жиҳатига эътибор қаратишимиз зарур бўлади: умумий таҳлил ва таркибий қисмлар бўйича таҳлилларга. Бунда умумий таҳлил фаолият йўналишига оид элементлар таҳлили эса фаолият усул ва воситаларига оид янгиликларга ўқитувчини йўналтириши мумкин.

Назарий таҳлилда фаолиятни ташкил этишнинг назарий асослари кўриб чиқилса, амалий таҳлилда фаолиятни ҳаракатлантирувчи жиҳатлар кўриб чиқилади. Бунда фаолиятнинг сўнгги уч йилдаги бориш даражаси қандай бўлган ва у илмий-услубий қўлланмаларда қай даражада ўз аксини топганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлилнинг мазмун-моҳияти билан бир қаторда ундаги динамик - жараён жиҳатини қайд этиб ўтиш лозим бўлади. Бу ерда эса фаолиятнинг усул-воситалари, технологияси, самарали шакллари, зарур шарт-шароитлар, аниқ мезонлари ва диагностика асосларига эътибор жуда юқори бўлиши керакдир. Улар орасида муаллифнинг мустақил тарзда ўзи ишлаб чиққан анкеталари, сўровномалари, ижодий ишлари қандай ўрин эгаллаганлигига эътибор қилиш керак бўлади. Ўз-ўзини таҳлил этиш давлат таълим стандартлари талабларига қанчалик тўғри келиши назардан четда қолмаслиги лозим. Мустақил ўз-ўзини таҳлил этишнинг якуний қисмида ўзидаги камчиликлар ҳолисона ёритилиб, таҳлил этилиши керакки, бу педагогда ўз фаолиятини доимий равишда янгилаб самарали ташкил этиб боришига ҳамда ундаги касбий маҳоратнинг ўсишига ёрдам беради.

3.2. Тарбиячи сифатида педагог-тарбиячи касбий позицияси диагностикаси

Сўнгги йиллардаги илмий баҳсларда қуйидаги фикр кўп тилга олинмоқда: инсонга йўналтирилган фанлар ва амалларнинг ҳаракати албатта, аксиологик (қадриятлар) асосига қурилган бўлиши керак. Агар биз ўз педагогикамизнинг ҳақиқий инсонпарвар бўлишини истасак қуйидагиларни эсдан чиқармаслигимиз керак: бундай педагогикада қадриятлар мақсадларни белгилаб беради ва унинг акси бўлиши мумкин ҳам эмас. Шу сабабли

педагогнинг ўз фаолиятини амалга ошириш етарли бўлмай, у инсонпарвар, жонкуяр бўлмоғи лозим. Унинг фаолияти эса тарбия соҳасида инсонпарварлик қадриятларини амалга ошириш жараёнига айланиши зарур бўлади ва шунинг ўзи аста – секин педагогиканинг пойдевор қадриятига айланиб боради.

Ўқитувчининг ўз касбий позициясида уни ташкил этувчи иккита кичик позицияларнинг биргаликда ҳаракатланишини кузатиш мумкин бўлади, яъни ўқитувчининг ўз фаолиятидаги мавқеи ва ўқитувчи-ўқувчи муносабатларидан келиб чиқувчи ўқувчи мавқеларнинг бир-бирига сингиб кетганлиги. Бунда ўқитувчи ўқувчи билан ҳам «ўқувчи», ҳам «бола» сифатида муносабатда бўлишига тўғри келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги мулоҳазаларни қайд этиш мумкин бўлади:

- ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги касбий мавқеи болалар тарбияси давомида инсонпарварлик қадриятига таянган бўлиб, уни амалга оширишга қаратилган бўлиши керак;
- ўқитувчи мавқеининг қай даражада инсонпарварлиги унинг ўз фаолиятида қандай асосларга таянганлиги ва бунинг инсонпарварлик мезонларига қанчалик тўғри келиши билан белгиланади;
- ўқитувчининг тарбиячи сифатида касбий мавқеини эса диагностика услуби тўла аниқлаб беради [10, с.62]

Диагностика услуби асосида эса А.И. Григорьева ишлаб чиққан модел асослари ётади. Бу модел бўйича ушбу йўналишда ўқитувчининг амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари тўрт блокка ажратилади:

- 1) тарбия жараёнининг субъекти сифатида ўқитувчининг болага ва синфга бўлган психо- педагогик таъсир ҳаракатлари.
- 2) ўқитувчининг тарбиячи сифатида шаклланиши жараёнидаги ҳаракатлари.
- 3) ўқитувчининг тарбиячилар ҳамда педагоглар жамоасини шакллантириш жараёнидаги яққа ва ҳамкорлик ҳаракатлари.

4) ўқитувчининг болаларда тарбия кўникмалари, ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро ижобий таъсирлар имкониятларини ошириш бўйича амалга оширадиган ҳаракатлари. [10, 74]

3.3. Педагогик диагностика асосида мулоқот усуллариининг агрессив турлар бўйича тарбия жараёнидаги деформация ўзгаришларини аниқлаш методикаси ва унинг самарадорлиги

Ҳозирда жамиятда бораётган тезкор суратдаги турли ўзгаришлар таълим-тарбия тизимининг мақсад-вазифалари, усул-воситалари ва уларнинг амалга оширилишига ҳам ката таъсир курсатади. Тарбия соҳасида бу ўзгаришлар таъсир парадигмасининг ўзгаришида намоён бўлади, яъни бола педагогик таъсир объектидан эндиликда ўз юксалишининг субъектига айланиб бормоқда.

Педагогика тараққиётини изчил инсонпарварлаштириб бориш ҳозирда ўқитувчиларга касбий тайёргарликлари ва ижодий изланишлари бўйича жуда юқори талабларни кўяди. Ўқитувчининг индивидуал фаолият услуби касбий меҳнатнинг индивидуаллашиб боришининг муҳим омилларидан биридир. Ўқитувчида фақат унинг ўзига хос фаолият услубининг бўлиши унинг малакали мутахассис сифатида мустақил ишлай олиши ва ўз имкониятларини максимал даражада очиб боришидан далолат беради.

Ўқитувчи фаолиятининг ўзига хослиги касбий тайёргарликнинг асосий воситаларидан бири экан, ҳозирда педагогикада индивидуал услублар тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Педагогик фаолият мураккаб ва кўп таркибли бир ижодий изланиш ва тарбия жараёнидир. Н.В.Кузмина унинг мазмундорлиги, услубийлиги ва ижтимоий–психологик асосли компонентларини алоҳида ажратиб кўрсатади. Улар педагогик жараённинг ички тузилишини ташкил этади. Уларнинг тизим сифатида яхлит бирлиги педагогик вазифаларни тўлақонли бажаришга имкон яратади [Кузьмина Н.В., 1967].

Бунда педагогик мулоқот ижтимоий-психологик компонент яхлитлигида асос ҳисобланади. Айнан мулоқот давомида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини таъминлайдиган муносабатлар шаклланади.

Педагогик фаолиятда педагогик мулоқотнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги мулоқотнинг индивидуал услубига нисбатан илмий қизиқишларни юзага келтирди. Педагогик мулоқот услуби тушунчаси индивидуал фаолият услуби билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ундаги дастлабки тадқиқотлар К.Левина ишларидан бошланади. К.Левина томонидан синф ўқувчиларининг раҳбар ўқитувчи томонидан бошқарилиши хусусиятлари ўрганилганда болаларни бошқаришнинг учта услуби (авторитар, демократик ва либерал) ажратиб курсатилди. Бундаги бошқариш моделларини педагогик фаолиятнинг таҳлилига нисбатан жорий этиб ўрганилганда бир қатор ўзига хос қонуниятлар борлиги кузга ташланди. Масалан, ҳали 1983 йилдаёқ А.А. Бодалев ўз кузатишлари натижасида авторитар усулда ишлайдиган ўқитувчилар ўқувчилардаги жамоатчилик, ташаббускорлик, мустақиллик, талабчанликни назарга илмай болаларни шовқалоқлик, масъулиятсизлик ва тартибсизликда айбашларини илғаган эди [А.А. Бодалев, 1996]. Т.Н. Мальковская аниқлашича эса, авторитар усулда ишлайдиган ўқитувчилар ўқувчиларга нисбатан «раҳбар ва тобе шахс» муносабатида бўладилар. Бундай ўқитувчи ўзининг ўқитувчилик мавқеидан буйруқбозлик асосида фойдаланади ва ўқувчилар олдидаги хатти– ҳаракатларини тўғри деб ҳисоблайди. Бунда ўқувчилар ўз фаолликларини йўқотадилар ва фаоллик ўқитувчи иродасига боғлиқ бўлиб қолади. Натижада ўқувчилар диққати билим – кўникма эгаллашга эмас, ўқитувчи таъсиридан ҳимояланишга қаратилган бўлади ва унда ички руҳий ноқулайлик, агрессия, ўзини ожиз ҳис этиш каби салбий жиҳатлар юзага кела бошлайди [Т.Н.Мальковская,1977]. Д.А. Белухин бўлса юқоридаги уччала усул ҳам ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан бўлган ишончи ва талабчанлигининг ўзига хос даражаси билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Агар ўқитувчининг талабчанлиги унинг ишончидан

юқори бўлса, у таълим ва тарбия жараёнида авторитар бошқариш услубида ишлайди [Д.А. Белухин, 1994].

Шундай қилиб, ўқитувчи қанчалик авторитар бўлса, ўқувчилар фаоллиги шунча даражада суст бўлади. Ўқитувчининг авторитар бошқариш услуби уни алоҳида ўқувчидан ёки бутун бир синфдан ёт-бегона қилиб кўяди. Авторитар усулдаги совуққон муносабати ўқувчини яқин ишончдан маҳрум этиб «яхши ижрочига» айлантурса-да, болада руҳий химоясизлик ва тушкунлик ҳолати шаклланишига олиб келади. Ушбу усул ўқувчилардаги мотивлар шаклланиши ва ташаббускорликни бўғиб қўйиш ҳамда кучли тазйиқ ўтказиш эвазига қандайдир натижага эришиши мумкин бўлсада, у вақтинчалик тасодифий характерда бўлади [Ложкина Л.Н., 2005].

Демократик мулоқот услуби эса ўқувчилар жамоасига таяниб, ўқувчиларни қўллаб, уларда мустақил ишлай олишни тарбиялаш каби муносабат жиҳатларини тақозо этади. Бунда ўқувчиларнинг муаммоларини ўқитувчи улар билан бирга муҳокама қилади ва уз ҳукмини ўтказмасдан ечимларга этадиган тўғри йўлни болаларга кўрсатади. Бу нисбатан самарали усул бўлиб, унда талабчанлик ва ишонч бир-биридан устун келмагани ҳолда ўзаро уйғун равишда таъсир кучига эга бўлади. Бу эса ўқувчида фаолликни таъминлайди ва тартиб-интизом асосий мақсаддан ўқув-билув мақсадларига эришишда ўқувчи томонидан англанган ҳаракатнинг фаол воситасига айланади [Белухин Д.А., 1994; Митина Л.М., 2004].

Либерал усулда ишонч талабчанликка нисбатан жуда юқори бўлади. Бунда ўқитувчи «ишдан қўли совуши» натижасида таълим-тарбия жараёнидан ўзини четга олади. Ўқитувчи мактаб ишидаги барча кўнгилисизликларга сабр қилади, ташаббус кўрсатмайди ва жуда зарур бўлмаса таълим-тарбия жараёнига амалий қўшилмайди. Натижада фаолликнинг сусайиши оқибатида барча ишлар самарасиз бўлади ва ўқитувчи томонидан ўқувчиларга айтарли бир руҳий босим ўтказилмасада айнан шу ўқитувчи томонидан уларнинг олдинга қараб боришларига ҳам тегишли ёрдам кўрсатилмайди [Белухин Д.А., 1994].

Ҳозирги психо-дидактик «индивидуал усул»га оид назариялар бир неча турдаги ғояларни илгари суради. Е.А. Климов бўйича қисқа маънода индивидуал усул типологик шарт–шароитлардан келиб чиқилган ҳолда инсон томонидан ўз ишини яхшилаш фаолиятининг ўзига хос шарт–шароитлар билан боғлиқ бир барқарор тизимидир. Ундаги индивидуал психологик воситалар ташқи амалий таъсир кучига эга бўлган талаблар ва тажрибалар билан бевосита боғлиқ бўлади [Е.А.Климов, 1969]. Зимней И.А бўйича эса «фаолият услуги» (масалан, бошқариш, ишлаб чиқариш ва педагогика каби соҳаларда) кенг маънода фаолиятни амалга оширилиши давомида танлаб олинган ва киши учун анча қулай бўлган бир барқарор тизим, усул-воситалар ҳамда ижро йўналишларини ўзида мужассамлаштирган бўлади [Зимняя И. А., 1997]. В. И. Загвязинский томонидан бу инсон фаолиятидаги у ёқтирган тафаккур услуги, муомала услуги, эътиқоди ва шу иш бўйича у талаб қиладиган асосларнинг умумий бир тизими сифатида изоҳланади [Загвязинский В.И., Атаханов Р.,2001].

Ҳар қандай ҳолатда ҳам педагоглар фаолиятининг асосий таркибий қисми касбий фаолият услуги эканлиги олимлар томонидан таъкидланиб келинади. Ҳозирги кунда унинг таснифи бўйича бир қанча ёндошувларни кузатиш мумкин бўлади. «Муносабатларнинг фаолиятлилиги» ёндошуви А.К. Маркова ва А.Я. Никоновалар томонидан илгари сурилади. Бунда: усулнинг мазмундорлиги (ўқитувчининг фаолиятни аниқ натижага қаратиши ва ўз ишини босқичма-босқич текшириб назорат қилиб бориши); усулнинг динамик моҳияти (усулнинг мослашувчанлиги, барқарорлиги, ўзгариб бориши); усулнинг натижавийлиги (ўқувчилар билим даражаси ва унинг натижалари) каби жиҳатларига кенг эътибор берилади [Маркова А.К., 1993]. В.А.Кан-Калик бўлса педагогик усулларнинг бешта турини ажратиб кўрсади, яъни: юксак касбий малака талаблари асосидаги усул, дўстона муносабат асосидаги усул, масофа сақлаш муносабат услуги, кўрқитиш услуги, хушомадгўйлик усуллари [В.А. Кан-Калик, 1987].

Ушбу соҳага, яъни ўқитувчиларнинг касбий мулоқот усуллариغا оид хориждаги илмий изланишлардан М. Таленнинг классификацияси (таснифи) диққатга сазовордир. Унда «Сукрот услуги» (якка бахс – тортишувларни ёктирадиганлар услуги), «Воситачи услуги» (ҳамкорликнинг воситачиси бўладиганлар услуги), «Уста услуги» (ижобий ҳаракатлардан нусха олишга интиладиганлар услуги), «Генерал услуги» (айтганини килдиришга ҳаракат киладиганлар услуги), «Менеджер услуги» (ташкilotчилар услуги), «Мураббий – тренерлар услуги» (ўқувчилар илхомини келтирувчилар услуги), «Гид услуги» (болалар учун қизиқарли маълумотлар манбаси ҳисобланган ўқитувчилар услуги). М. Тален бу усуллар асосларини ўқитувчининг уз фаолиятдан келиб чиқадиган унинг уз ички эҳтиёжлари билан боғлайдики, бунда ўқувчиларнинг эҳтиёжлари инобатга олинмагандир [Фетискин Н.П., Козлов В.В., Мануйлов Г.М., 2002].

Л.Д. Столяренко ва С.И. Самыгинлар турли фаолият усулларининг амал қилиши дарсларда ўқувчилар билан мулоқотда ўқитувчиларнинг ўзларини турлича моделлар кўринишида тутишларига сабаб бўлади деб ҳисоблайдилар ва шартли тарзда уларни қуйидагича гуруҳларга ажратади: «Монблан» (диктаторлик модели), «Хитой девори услуги» (мулоқотдаги ёпиқ модел), «Локатор услуги» (ўқувчиларни танлаб тинглаш модели), «Либерал услуб» (бефарқлик модели), «Ҳамлет услуги» (ўта жиззакилик модели), «Робот услуги» (қатъий талаб модели), «Мен-ўзим услуги» (авторитар модел), «Иттифоқ услуги» (фаол ҳамкорлик модели) (Л.Д.Столяренко, 1996).

Ҳозирги даврда Л.Д. Столяренко таснифига кўпроқ эътибор берилганлиги сабабли юқоридаги усулларнинг аслида ўзи нималигига диққатни қаратамиз.

- Диктаторлик модели («Монблан услуги») – дарсдаги муносабатларда ўқитувчи фақат маълумотларни оддий етказиш даражасидагина ўқувчиларга яқин келиб, ўз мулоқотини минимал даражада сақлайди. Бунинг оқибатида ўқувчилар фаоллиги суст бўлади.

- Ёпиқ мулоқот модели («Хитой девори услуби») – мулоқотда ўқувчиларга паст назар билан қараш ва ўз ниятини тўлиқ очмаслик. Унинг оқибатида ўқувчилар билан паст ҳамкорлик ва бефарқ бегоналик ҳолати вужудга келади.

- Табақалаштирилган муносабат модели («Локатор услуби») – синфда фақат маълум бир ўқувчилар билан ишлаш. Оқибатда синфдаги ўқувчилар тўлиқ қамраб олинмайди ва дарс мақсадига тўлиқ эришиб бўлмайди.

- Бефарқлик модели («Либерал услуб») – ўқитувчи узи билан узи бўлиши натижасида дарс монолог тусини олади. Оқибатда психологик бушлик вужудга келади ва дарс номигагина утказилади.

- Ута жиззакилик модели («Гамлет услуби») – бунда ўқитувчи ўзаро муносабатларга нисбатан жуда талабчан бўлади ва ўзига ишонмаганидан қаердадир хатога йўл қўймаслик хавотири билан дарс олиб боради. Оқибатда дарс жуда бир асабий ва оғир мулоқот тарзида кечади.

- Қатъий талаб модели («Робот услуби») – дарсда ўқувчиларнинг ҳамма хатти - ҳарактлари юқоридан юборилган «ноёб кўрсатмалар» асосида талаб қилинади. Оқибатда кўр–кўрона ижро бўлади, лекин ҳақиқий анланган фаолият ва ҳамкорлик бўлмайди.

- Авторитар модел («Мен - ўзим услуби») – Дарс ўқитувчининг «фақат Мен биламан ва ҳал қиламан» каби тазйиқи остига ўқувчиларни бўйсундириш орқали ташкил этилади. Оқибатда боладаги ўқув-билув фаоллиги пасайиб кетади, ундаги мотивлар сўниб боради.

- Фаол ҳамкорлик модели («Иттифоқ услуби») – дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги самарали фаолият жараёнига айланади. Натижада ўзаро тўлақонли ва жуда фойдали бўлган ҳамкорлик муносабатлари шаклланиб боради.

Педагогик мулоқот услуби диагностикасининг методикаси ўқитувчининг юқоридаги муносабатлар моделларини урганишда самарали воситалардан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда ундаги салбий бузилишларнинг мезони сифатида ўқитувчи мулоқоти тизимининг

агрессивлиги даражаси олингандирки, бу педагогикада бош далилий асос сифатида амал қилиб келмокда. Чунки ўқитувчи ва ўқувчининг узаро муносабатларидаги тартибни айнан шу жараёндаги агрессия бузадик, у педагогик ҳамкорликка катта путур етказди[Зеер Э.Ф., Сыманюк Э.Э., 2004].

Муаммонинг психо – дидактик таҳлили ва агрессия концепциясининг назарий асослари ўқитувчидаги агрессияни куйидагича изохлашга имкон беради. Ўқитувчи агрессияси унинг ўқувчига нисбатан душманлик муносабати бўлиб, у ўқув жараёни субъектлари фаолиятини бузиб юборади (С. П. Безносков, А. А. Бодалев, Р. М. Грановская, Э. Ф. Зеер, Е. А. Климов, Л. М. Митина, Е. Ю. Пряжникова, Н. С. ва бошқалар)

Агрессия вербал таъсирдан ва жисмоний таъсир даражаларигача бўлган куринишларда учрайди. Бу педагогик касбий айнаш ҳолати бўлиб, турли шакллардаги (жазолаш, камситиш, тахкирлаш, уриш – суқиш, куркитиш ва.х.к.з) нохуш ҳолатлар сифатида намоён бўлади [Сыманюк, 2004].

Ўқитувчи рухияти ва жисмоний ҳолатидаги бундай айнаш албатта унинг фаолиятида уз аксини топади. Натижада нафақат ўқитувчининг узи, балки шу ўқитувчи билан мулоқотда бўладиган ўқувчилар ҳам бундан жабр курадилар.

Касбий фаолияти даврида айрим ўқитувчиларда уларни камраб олган ҳулк – атвор муносабатлари устиворлиги кузга ташланади. У ўқитувчи меҳнатига мос бўлмаслиги ҳам мумкин. Унда ўқитувчида уз характерини ўзгартира олмаслиги натижасида агрессиянинг ичдан етилиб келиши юз бериши мумкин. Касбий фаолият давомида узини психологик химоя қилиш «энг яхши химоя бу хужумдир» деган ҳаракатга айланиб кетади. Бундан ташқари узаро муносабатлардаги айрим муаммоларни агрессив йул билан ҳал қилишга интилиш кейинчалик шу ҳаракатларни одат тусига олибкелади.

Шундай қилиб бир вақтнинг узида ўқитувчи ишида қандайдир муваффақиятларнинг касбий муносабатларидаги салбий бузилишлар билан

биргаликда намоён бўлишини кузатамиз. Бу «темир таёк» услубида муваффақиятга эришиш бўлиб, у касбий муносабатлар айнашининг классик куринишларидан бири ҳисобланади. Бу эса нафақат ўқувчилар психологиясининг синишига, балки вақт утган сари ўқитувчи асабларининг емирилиб боришига ҳам сабаб бўлади. Чунки бундай салбий тарзда ишлаш услуби вақт утиши билан узининг акс таъсир кучига эга бўлади.

Ўқитувчи касбий муносабатларидаги салбий айнаш жараёни бир неча йуналишларда боради, яъни:

- малакавий йуналишда ўқитувчидаги билим – куникма ва мулоқот усулларининг касбий муносабатлар талабларига мос келмаслиги;

- психологик йуналишда ўқитувчи темпераменти, дунёқараши ва характеридаги салбий жиҳатларнинг узаро мулоқот жараёнида унинг хатти – ҳаракатларида устун келиши;

- тарбиявий йуналишда ўқитувчидаги тарбия савиясининг педагогик муносабатлар талабларига жавоб бера олмаслиги ва узаро мулоқот давомида унда авторитар, эгоистик ҳамда пессимистик каби муносабатлар жиҳатларининг устивор бўлиши;

- ижтимоий йуналишда атрофдаги кучли салбий ахборот оқими таъсирлари натижасида ўқувчилар гуруҳи ва меҳнат жамоасида юзага келадиган уз ички муносабатларидаги кусурли иллатлар жиҳатларга бардош бера олмаслик ҳамда унга қарши агрессив ҳимоя йулига утиб олиш ва. х.к.з.

Ҳозирги даврда ўқитувчилар таълим - тарбия муносабатларидаги касбий мулоқот бузилишлари барча таълим тизимларини камраб олган ноҳуш ҳолатлардан бири бўлиб, бу таълим – тарбия жараёнидаги бузилиш элементлари тарқалишининг глобал тус олиши ва натижада уқиш ҳамда меҳнат жараёнларида узаро муносабатлар характерининг салбий томонга ўзгаришлари билан боғлиқдир.

Педагогнинг уз фаолияти давомидаги муносабатлари ўзгариши ва бошқалар билан мулоқотдаги айнаш куринишларини усуллар бўйича қисқача тафсилотларни қуйидагича тарзда келтириш мумкин бўлади:

1) Авторитар усулдаги мулоқот- педагогнинг бутун таълим – тарбия жараёнини уз иродасига буйсундириб олишидир. Бу бошқалар фикрини кабул килмаслик ва уз – узини таҳлил килишнинг пасайиб кетиши кабиларда кузга ташланади. проявляється в централизации всего учебно-воспитательного процесса.

2) Намойишкорона мулоқот услуги – педагогнинг номигагина кузбуямачилик йули узини курсатиш йули билан муносабатлар урнатиши бўлиб, уни атрофдагилар тезда билиб оладилар. Бу унинг носамимийлиги ва уз ишига нисбатан меҳр йуклигида куринади.

3) Доминант мулоқот услуги – таълим – тарбия жараёнида педагогнинг фақат уз ҳуқуларини илгари суришидир. Унда бошқалардан каттик талаб ва уларни жазолаш усуллари устивор бўлади.

4) Жазолаш мулоқот услуги – ўқувчиларга «нунок, тарбиясчи бузилган болалар» сифатида қараш ва уларни фақатгина каттик жазо услуги билан тарбиялаш ва ўқитиш муносабатидир.

5) Ижтимоий мунофикона мулоқот услуги – педагог томонидан таълим - тарбиянинг юксак принциплари ваҳима билан илгари сурилсада, унинг фаолияти фақатгина узининг бузук манфаатлари йулига каратилган бўлади.

6) Педагогиг бефарклик мулоқот услуги – ўқувчиларга тузатиб бўлмас бир объект сифатида қараш натижасида ишга кул силташ ҳолатидир

7) Ожиз реакция мулоқот услуги – ўқитувчининг меҳнат жараёнида ноҳуш ҳолдан тойганлиги ва уз касбий мажбуриятларини тулик бажара олмаслиги ёки унинг ижро йулларини билмаслиги натижасида юзага келади.

8) Мос бўлмаган мулоқот услуги – уз имкониятларини паст билиш ва нотўғри ҳулосалар оқибатида узаро муносабатларда тулик очила олмаслик ҳолати.

9) Меёрдан ташқаридаги мулоқот услуги – муносабатлардаги ижтимоий ва ахлокий талабларнинг бузилиши натижасида юзага келади. Мулоқот давомида жаргон ва меёрда бўлмаган сузларнинг ишлатилишида кузатилади.

10) Педагогик догматизм услубидаги мулоқот – педагог томонидан фақат ўзига кулай бўлган усулни танлаб, муносабатларни яхшилаш борасидаги янгиликларни тан олмасликдир.

11) Фанли экспансионизм услубидаги мулоқот – уз фани олдида бошқа ҳеч нарсани тан олмаслик ва у фанни барча соҳалар ичида олий идеал эканлигига бошқаларни ҳам ишонтириб бўйсундириш.

12) Панд – насихатга берилиш услубидаги мулоқот – нафақат ўқувчиларга, балки атрофдаги барча одамларга йул курсатишга ҳароқат килиш, уларга танбех бериб тури шва узини тарбиянинг марказий шахси деб билиш ҳолати.

13) Информацион пассив услубидаги мулоқот - педагогнинг уз устида ишлаш даражасининг сустлиги билан боғлиқдир. Бу дангасалик ва ялқовлик каби қуринишларда бўлади.

14) Консерватив усулдаги мулоқот – муносабатларда фақатгина классик асосларни тан олиш ва ҳар қандай демократик қуринишларга йул қуймаслик муносабати.

15) Монологизм услубидаги мулоқот – узаро муносабатлар давомида фақатгина унинг узини тинглашни хоҳлайдиган педагоглар услубидир. Бу «бир хилдаги кушик ва қуйларнинг доимий такрорланиши» каби муносабат қуринишидир.

16) Жонга теккан усулдаги мулоқот – ўқитувчида нима қилсалар ҳам мени тинч қуйсинлар каби бегоналик муносабатининг юзага келиши билан боғлиқ.

17) Лаёқатсиз усулдаги мулоқот – ўқитувчининг таълим – тарбия жараёнидаги лаёқатсизлигидан келиб чиқадиган муносабатлар тизимидир.

Қузатишлар ва таҳлиллар натижасида таълим – тарбия жараёни давомида ўқитувчининг атрофдагилар билан бўладиган муносабатлардаги салбий ўзгаришларга оид қуйидаги айрим мулоҳазаларни келтириш мумкин бўлади:

- ҳар қандай касб каби таълим – тарбия соҳаси ҳам узининг эгасига маълум бир даражада таъсир утказди. Агарда ўқитувчи уз касбини севмаса ва унга нисбатан бегона бўлса бу албатта салбий муносабатлар тизимига олиб келади;

- таълим – тарбия жараёнида ўқитувчи мулоқотидаги салбий ўзгаришлар маълум бир даражада унинг психологик астеник реакцияси, яъни уз касбий фаолиятга мослаша ололмаслиги билан боғлиқ муаммолардан келиб чиқади;

- ўқитувчи мулоқотидаги салбий ўзгаришлар ундаги шахс ижтимоий муносабатлар ўзгаришларининг қуриниши бўлиб, ижтимоий иллатлар унинг илдизи ҳисобланади; - ---

- касбий муносабатлардаги бузилишлар ўқитувчи «имкониятларининг ёниб тугаётганлигининг» бир қуриниши, яъни уз касбига нисбатан нафрат ва сурбетларча муносабатнинг доимий тус олаётганлиги каби салбий қуринишлар бўлиши мумкин в.х.к.з.

Педагогнинг уз фаолияти давомидаги муносабатлари ўзгариши ва бошқалар билан мулоқотдаги айнаш қуринишларини усуллар бўйича қисқача тафсилотларни қуйидагича тарзда келтириш мумкин бўлади:

1) Авторитар усулдаги мулоқот- педагогнинг бутун таълим – тарбия жараёнини уз иродасига буйсундириб олишидир. Бу бошқалар фикрини қабўл қилмаслик ва уз – узини таҳлил қилишнинг пасайиб кетиши қабиларда қузга ташланади. проявляется в централизации всего учебно-воспитательного процесса.

2) Намойишқорона мулоқот услуби – педагогнинг номигагина қузбуямачилик йули узини қурсатиш йули билан муносабатлар урнатиши бўлиб, уни атрофдагилар тезда билиб оладилар. Бу унинг носамимийлиги ва уз ишига нисбатан меҳр йуклигида қуринади.

3) Доминант мулоқот услуби – таълим – тарбия жараёнида педагогнинг фақат уз ҳуқуларини илгари суришидир. Унда бошқалардан қаттиқ талаб ва уларни қазолаш усуллари устивор бўлади.

4) Жазолаш мулоқот услуги – ўқувчиларга «нунок, тарбиясчи бузилган болалар» сифатида қараш ва уларни фақатгина каттик жазо услуги билан тарбиялаш ва ўқитиш муносабатидир.

5) Ижтимоий мунофикона мулоқот услуги – педагог томонидан таълим - тарбиянинг юксак принциплари ваҳима билан илгари сурилсада, унинг фаолияти фақатгина узининг бузук манфаатлари йулига каратилган бўлади.

6) Педагогик бефарклик мулоқот услуги – ўқувчиларга тузатиб бўлмас бир объект сифатида қараш натижасида ишга кул силташ ҳолатидир

7) Ожиз реакция мулоқот услуги – ўқитувчининг меҳнат жараёнида нохуш ҳолдан тойганлиги ва уз касбий мажбуриятларини тулик бажара олмаслиги ёки унинг ижро йулларини билмаслиги натижасида юзага келади.

8) Мос бўлмаган мулоқот услуги – уз имкониятларини паст билиш ва нотўғри ҳулосалар оқибатида узаро муносабатларда тулик очила олмаслик ҳолати.

9) Меёрдан ташқаридаги мулоқот услуги – муносабатлардаги ижтимоий ва ахлоқий талабларнинг бузилиши натижасида юзага келади. Мулоқот давомида жаргон ва меёрда бўлмаган сузларнинг ишлатилишида кузатилади.

10) Педагогик догматизм услубидаги мулоқот – педагог томонидан фақат ўзига кулай бўлган усулни танлаб, муносабатларни яхшилаш борасидаги янгиликларни тан олмасликдир.

11) Фанли экспансионизм услубидаги мулоқот – уз фани олдида бошқа ҳеч нарсани тан олмаслик ваш у фанни барча соҳалар ичида олий идеал эканлигига бошқаларни ҳам ишонтириб буйсундириш.

12) Панд – насихатга берилиш услубидаги мулоқот – нафақат ўқувчиларга, балки атрофдаги барча одамларга йул курсатишга хароқат қилиш, уларга танбех бериб тури шва узини тарбиянинг марказий шахси деб билиш ҳолати.

13) Информацион пассив услубидаги мулоқот - педагогнинг уз устида ишлаш даражасининг сустлиги билан боғлиқдир. Бу дангасалик ва ялқовлик каби қуринишларда бўлади.

14) Консерватив усулдаги мулоқот – муносабатларда фақатгина классик асосларни тан олиш ва ҳар қандай демократик қурилишларга йул қуймаслик муносабати.

15) Монологизм услубидаги мулоқот – узаро муносабатлар давомида фақатгина унинг узини тинглашни хоҳлайдиган педагоглар услубидир. Бу «бир хилдаги қушиқ ва қуйларнинг доимий такрорланиши» каби муносабат қурилишидир.

16) Жонга теккан усулдаги мулоқот – ўқитувчида нима қилсалар ҳам мени тинч қуйсинлар каби бегоналик муносабатининг юзага келиши билан боғлиқ.

17) Лаёқатсиз усулдаги мулоқот – ўқитувчининг таълим – тарбия жараёнидаги лаёқатсизлигидан келиб чиқадиган муносабатлар тизимидир.

Ҳозирги даврда ўқитувчилар касбий муносабатларидаги касбий мулоқот бузилишлари барча таълим тизимларини камраб олган нохуш ҳолатлардан бири бўлиб, бу таълим – тарбия жараёнидаги бузилиш элементлари тарқалишининг глобал тус олиши ва натижада уқиш ҳамда меҳнат жараёнларида узаро муносабатлар характерининг салбий томонга ўзгаришлари билан боғлиқдир.

Танланган мавзу бўйича эмпирик тадқиқотлар Бухоро шаҳар 23-мактаб ҳамда Ромитан тумани ...-мактаб ва Ромитан педагогика касб-ҳунар коллежларида олиб борилди. Бунда В.В.Бойконинг коммуникатив агрессияни аниқлаш методикаси ва Н. П. Фетискин, В. В. Козлов, Г. М. Мануйловларнинг педагогик мулоқот услубларини диагностика қилиш методикаларидан фойдаланилди.

Микдорий кўрсаткичлар намунаси сифатида юқорида айтиб ўтилган педагогик мулоқот услублари - «Монблан», «Хитой девори», «Локатор», «Тетерев», «Ҳамлет», «Робот», «Мен – ўзим» ва «Иттифоқ» услублари, шунингдек, коммуникатив агрессивликнинг интеграл кўрсаткичларидан фойдаланилди. Математик таҳлил методи сифатида Ч.Спирманнинг корелляцион коэффицентини қўллаш ёрдамида корелляцион таҳлил

қилишдан методикасидан фойдаланилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг корреляцияли таҳлил матрицаси 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Коммуникатив агрессиянинг педагогик мулоқот моделлари билан ўзаро боғлиқлиги

	Монб-лан	Хитой девори	Ло-катор	Те-терев	Ҳам-лет	Ро-бот	Мен ўзим	Иттифоқ
Коммуникатив агрессиянинг интеграл шакли	0,46	-0,13	0,01	-0,52	0,45	0,04	0,56	-0,65

Биз олиб борган тадқиқотлар натижасида олинган дастлабки хулоса шундан иборатки, педагогик мулоқот услуби билан коммуникатив агрессиянинг ўзаро узвий алоқадорлигидир. Шунга гувоҳ бўлдики, беш хил мулоқот услуби мулоқот жараёнидаги агрессивлик билан бевосита боғлиқ. Дастлаб ижобий корреляцион боғлиқликларни кўриб чиқамиз. Коммуникатив агрессия «Монблан» диктаторлик модели билан ижобий алоқадорликка эга ($r = 0,46$, при $p=0,01$). Ўқувчилар билан шахсан ўзаро ҳамкорликни ўрнатишга иштиёқи бўлмаган четлаштирилган типдаги педагоглар жуда камдан-кам ҳолларда ўзаро мулоқотда агрессияни кўрсатишлари мумкин. Тадқиқотларимиз контекстида бу педагогик мулоқотнинг диктаторлик услуби ўз-ўзидан агрессив типдаги касбий деформацияга олиб келади.

Авторитар модел – “Мен ўзим” ҳамда коммуникатив агрессия ўртасидаги алоқадорликнинг ҳам ижобий бўлиш эҳтимоли юқори ($r= 0,56$ при $p=0,01$). Ўз авторитар позицияларини тасдиқлашга мойил бўлган педагоглар ўқувчиларнинг фикрини қабул қила олмайдилар. Ўқувчи томонидан билдирилган ҳар қандай ташаббус босиб қўйилади, жумладан вербал равишда: салбий иборалар, балан овозда бақриш билан ва ш.к. Педагогнинг ўқувчилар билан ўзаро мулоқот жараёнида авторитар моделга

таяниши ҳолатида унинг шахси агрессивлик томонга деформацияга учраши эҳтимоли юқори бўлади.

Фикримизча, гиперрефлексив модел “Ҳамлет” билан коммуникатив агрессия ўртасида ижобий алоқадорлик мавжуд ($r= 0,45$ при $p=0,01$). Бу алоқадорликни шундай изоҳлаш мумкин бўлади: бу моделда ўқитувчи униатрофдагилар қандай қабул қилаётганлигидан ортиқ даражада хавотирланади, аудиториядаги муҳитнингҳар қандай психологик ўзгаришларига нисбатан ўта сезгир иуносабатда бўлади, синфдаги тартисизлик ва ўқувчиларнинг турли лужмаларини ўзига тортаверади. Кескин педагогик вазиятнинг вужудга келиши деструктив тескари алоқани пайдо қилади. Бундай педагогда доимий равишда конфликтли хулқ-атвор услуби кузатилади. Мавзуимизга қайтиб шуни таъкидламоқчимизки, педагогик мулоқотнинг гиперрефлексив услуби худди четлаштирилган ва авторитар-диктаторлик услублари сингари агрессив деформациянинг авж олишига олиб келади.

Маълумотлар таҳлили жараёнида шу нарса аниқландики, педагогик мулоқот услуби билан коммуникатив агрессиянинг тескири пропорционал бўлиши агрессив типга кўра деформацияга учраш эҳтимолини камайтиради. Тадқиқотлар натижасида педагогик мулоқотнинг гипорефлексив бўлган “Тетерев” услуби коммуникатив агрессия билан тескари пропорционал эканлиги аниқланди ($r = -0,52$). Эҳтимол бундан натижа фақат ўз-ўзини эшитадиган, тингловчига умуман эътибор бермайдиган, атрофдагиларга нисбатан ҳиссий гарангликни намоён этадиган ўқитувчининг ҳиссизлиги билан боғлиқдир. Педагогнинг бундай позициясида нафақат позитив эмпатик акс таъсир (ҳамдардлик, ўқувчининг ютуқларидан қувониш, муваффақиятсизлигидан қайғуриш), балки негатив эмпатик акс таъсир (ғазабланиш, виждонсизликдан қайғуриш, бекорга сарфланган куч учун ачиниш) ҳам музлаб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бизнинг контекста бу – педагог ва аудитория ўртасидаги тўсиқ ўқитувчининг эмоционал-агрессив

деформацияга учрашига йўл қўймайди (аммо бу қайсидир бошқа бир типнинг деформацияга учрашини инкор қилмайди).

“Иттифоқ” ўзаро фаол ҳамкорлик модели билан коммуникатив агрессия интеграл даражасининг салбий корреляцияси биз учун ижобий натижа бўлди ($r = -0,65$). Ўзаро ҳамкорликдаги дўстона услуб, биргаликдаги фаолиятга йўналганлик, аудиториянинг ҳиссий ҳолатига ўқитувчининг эътиборли бўлиши, ўқувчиларни тушунишга йўналганлик, ўз ҳиссиётларини бошқара олиш ва конструктив тесқари алоқани ўрната олиш – буларнинг барчаси қатъиян ўқитувчининг касбий деформацияси механизмига бўйсунмайди.

Шундай қилиб, танланган тадқиқот мавзуси бўйича олиб борган тажриба-синов ишлари ўқитувчининг касбий деформацияга учрашини пргноз қилиш ва уни олдини олиш имконини бери. Бинобарин, педагогик ва таълим жараёнларига психологик ёндашув педагогик мулоқот диагностикасини амалга оширишга, шунингдек, диагностик чора-тадбирлар ва аналитик ҳисоб-китобларни амалга ошириш кутилаётган касбий деформацияни ҳали у юзага чиқмасдан анча олдин пргноз қилиш имконини беради.

ХУЛОСА

Ўсиб бораётган ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш ҳозирги жамиятнинг долзарб вазифаларидан биридир. Инсондаги ўзидан бегоналашув жараёни олидини олиш ва унда баркамол шахсни шакллантирувчи билим-кўникмаларни тарбиялаб бориш жараёни ўз-ўзидан бўлмайди. У инсонлар томонидан бу йўлда зарур моддий–техника базани яратиш ва маънавий соғлом муҳитни шакллантириш бўйича жуда кўп заҳмат чекишни тақозо қилади. Шу билан бирга ушбу улкан ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида ўқитувчининг юқори касбий тайёргарлик даражаси ҳамда унинг самарали касбий мавқеи таъсирининг ижобийлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида кўриб чиқилган масалалар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин бўлади:

1. Тарбиячи – педагогнинг самарали касбий мавқеи болалар маънавий – маърифий ривожланишининг муҳим шартларидан биридир. Бу тафаккур ва фаолият бирлиги натижасида юзага келади ва унда фаолият тафаккур кадриятларининг назарий асосларини реал амалга оширишга йўл очади.

2. Ўз касбига муносабат «нуқтаи назари» таҳлилидан келиб чиққан ҳолда педагогик касбий мавқенинг қуйидаги турлари тафсилотларини алоҳида қайд этиш мумкин бўлади: **масофали, тенг, кинетик ва ижтимоий** турлар тафсилотлари. Улардаги мезонлар эса **ёнида, биргаликда, ўзаро тенг ва озгина олдинда** каби асослар билан белгиланади.

3. Тарбия жараёнида инсонпарвар педагогик мавқеининг шаклланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу нафақат инсонпарварликка йўналтирувчи тарбия, балки инсонпарварлик асосида қурилган фаолият тизимидир. Айнан шу тизим ўқитувчи фаолиятидаги барча поғоналар ва бўғинлар «йўналиш – мақсад – вазифалари»ни, усул-воситаларини, талаб-мезонларини ҳамда шарт–шароитларини белгилаб беради. Шундай қилиб, тарбия жараёнида ўқитувчининг ўқувчига таъсири инсонпарварлик кадриятлари билан тўла

суғорилган ҳолда бориши керак. Бу ўқувчининг ақлий баркамол, ахлоқий пок ва жисмоний соғлом бўлишига замин яратиши лозим бўлади.

4. Ўқитувчида болага нисбатан инсонпарварлик қадриятлари асосида муносабатда бўлиш ва унинг касбий мавқеида инсонпарварлик мавқеи сифатида шаклланиб бориши тарбиянинг самарали бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки бунда ушбу самарали касбий позиция тарбия жараёнини ижобий бошқариш механизмига айланади. Бу ерда тарбия жараёнида «номига - расмий» ва «юқоридан пастга» йўналган муносабатлар (ўқитувчи томондан бир томонлама равишда ўқувчиларда инсонийлик руҳиятини шакллантирувчи «руҳият инженерлари» каби авторитар ёндошуви) бўлишининг олди олинади. Ўқувчилар эса тарбия жараёнининг тенг таъсир кучига эга бўлган субъектларига айланиб борадилар.

5. Тарбиячи – педагогнинг касбий мавқеини ўрганиб бориш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ушбу тадқиқот тизими тарбиячи – педагог фаолияти тўғри анланган жараёнми (ёки у ўз вазифасини номигагина бажараётган жараёнми?) ва тарбиячи педагогда қандай касбий қадриятлар шакланганлигини (бу қадриятлар унда мавжудми ёки ўқитувчида бефарқ – тушқунлик устиворми?- деган саволларга жавобларни) аниқлашга ёрдам беради.

Ушбу магистрлик диссертациясида тўпланган маълумотлар ва олинган натижалардан педагогик фаолиятни диагностика қилиш, унинг мотиторингини ўтказиш ҳамда ўқитувчи-педагогларнинг мунтазам ўз касбий маҳоратларини ошириб боришларига қаратилган тадбирларда, семинар-тренигларда, олий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган ўқув курслари ва махсус курсларда фойдаланиш тавсия этилади.

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Тошкент. «Шарқ» 2001. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. 3-8 бетлар.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. «Ўзбекистон» 1997. Тошкент. «Шарқ» 2001. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. 18-52 бетлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари.

3. «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. Халқ сўзи газетаси, 2005 йил, 3-июн.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

4. Ислон Каримов. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги 2005 йил якунларига бағишланган маърузаси. 10 феврал, 2006 й.

5. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341- сонли қарори.

6. «2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

7. Ислон Каримов. «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2006 йил 25 феврал.

8. Ислон Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.

9. Ислон Каримов. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. - Т., «Ўзбекистон». 1999 й.

10. Ислон Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. -Т., «Ўзбекистон», 1999 й.

11. Ислон Каримов. Баркамол авлод орзуси. - Т., «Шарқ». 1999 й.

12. Ислон Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., «Ўзбекистон». 1999 й. 119

6. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

13. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2000 йил 22 сентябр 251- сонли буйруғи.

14. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ижтимоий гуманитар фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги 2000 йил 19 июн 176 сонли буйруғи.

7. Дарсликлар

15. Е.Н. Пронина, В.В. Лукашевич. «Психология и педагогика». Учебник для студентов ВУЗов. – М.: Элит, 2004.
16. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А. Слостенина. Москва «Академия». 2004.
17. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Михенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. – Москва: Школьная пресса, 2004.
18. Психология и педагогика. Под. ред. А.А. Радугина. Москва, 2003.
19. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Михенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. Учебное пособие. – М.: Школьная Пресса, 2002.
20. Беспалько В.П. Слабее педагогической технологии. М.: «Педагогика». 2000 г.
21. Бордовская Н.В., Реан А.А. «Педагогика» Учебник для вузов Санкт-Петербург «Питер», 2000 г.
- 8. Ўқув қўлланмалар**
22. Хўжаев Н., Мамажонов И. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. – Т. 2005.
23. Мамажонов И. Касбий таълим услубиёти. Маърузалар матни. – Т., 2005.
24. Хўжаев Н., Шарипов Ш. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Маърузалар матни. – Т., 2005.
25. И. Иномов, И. Мамажонов Иқтисодий тарбия назарияси. – Т.: Талаба, 2005.
26. Мамажонов И. Янги педагогик технологиялар. Масалалар тўплами. – Т., 2005.
27. Мамажонов И. Касбий таълим услубиёти. Масалалар тўплами. – Т., 2005.
28. Ёўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т., Ўқитувчи, 2004.
29. Волжский А. Методика воспитательной работы с молодежью. – М., 2003.
30. Котов В. Воспитательная работа в школе: опыт и проблемы. – СПб.: Сев. сияние 2003.
31. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
32. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т. 2003.
33. Хўжаев Н. ва бошқалар. Педагогика асослари. – Т., 2003.
34. Хўжаев Н. ва бошқалар. Таълим назарияси. – Т., 2003. 120
35. Баубекова Г.Д., Халикова Г.Т. Образование: опыт, проблемы, перспективы. – Т., 2002.
36. Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илфор педагогик технология: назария ва амалиёт. «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий қўлланма. – Т., 2001.
37. Хўжаев Н. ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Фан, 2002.

- 38.Шуркова Н. Е. Педагогическая технология. – М.: Педагогическое общество России. 2002.
- 39.Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. – М.: Академия, 2002.
- 40.Тожиев М., Салахутдинов Р., Баракаев М., Абдалова С. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. – Т., 2001.
- 41.Сонневелд Г. Ўзбекистонда касб-хунар таълими ислохотида кўмак. ТАСИС лойиҳаси. – Т., 2001.
- 42.Замонавий таълим технологиялари: мазмуни, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспрес кўлланма. – Т., 2001. ТАСИС лойиҳаси.
- 43.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Ўқув кўлланма – Навоий: Насаф, 2000.
- 44.Юзвяичение П.А. Теория и практика модульного обучения. – М.: Каунас, 2000.
- 45.Решетников П. Е. Нетрадиционная технологическая система подготовки учителей: рождения мастера. – М.: Владос, 2000.
- 46.Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектированию пед. технологии. 2000.
- 47.Кларин В.М. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 2000.
- 48.Педагогические технологии: Что это такое и как их использовать в школе. Под ред. Т.И. Шамовой, П.И. Третьякова. – М., 2000.
- 49.Подласый И.П. «Педагогика» в 2 книгах. – М.: Владос, 1999.
- 50.Фарберман Б. Л. Передовые педагогические технологии. – Т.: Фан, 2000.
- 51.В. Каримова. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. – Т.: Университет, 2000.
- 52.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – қ.: Насаф, 2000.
- 9. Монография ва илмий мақолалар**
- 53.Амонашвили Ш.А. Личностно-гуманная основа педагогической профессии. – Минск, 1990. – С. 27
- 54.Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида.1-қисм. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. – Т.: ТДИУ, 2005.
- 55.Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 3-қисм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожидавр талаби. – Т.: ТДИУ, 2005.
- 56.Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида.4-қисм. Молия ва банк тизимидаги ислохотлар самараси. – Т.: ТДИУ, 2005. 121
- 57.Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида.5-қисм. Ташқи иқтисодий сиёсат: савдо ва инвестициялар оқимлари. – Т.: ТДИУ, 2005.
- 58.Боровиков Л.И. Как подготовить самоанализ профессиональной деятельности//Воспитание школьников. - 2004.- №5

59. Большой энциклопедический словарь. – М., 1981. – С. 1070
60. Воспитание детей в школе: Новые подходы и новые технологии /Под ред. Н.Е.Щурковой. – М.: Новая школа, 1998. – С. 76-77
61. Гулбоев Т, Янги педагогик технологиялар ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш. – Навоий, 2001
62. Кузьмина Н.В. Способности, одарённость, талант учителя. – М., 1985. - С. 22
63. Макаренко А.С. Организационное строение коллектива. //Изб. пед. соч. Т. 1. – М., 1981. – С. 210
64. Психологический словарь. – М., 1981. - С. 702
65. Саченко И.П. Диагностика развития педагогического творчества учителя. – Пятигорск, 2002.

66. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005.

10. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

67. Чориев Р. «Инженер-педагогларнинг касбий малакаларини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. – Т., 2005.

68. Маҳкамов М. «Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. – Т., 2005.

69. Раҳимов. Б «Бўлажак ўқитувчида касбий маданий муносабатларнинг шаклланиши» номзодлик диссертацияси. – Т., 2004.

70. Ражабова С. «Касб-хунар коллежи ўқитувчисининг касбий маҳоратини оширишнинг ташкилий педагогик асослари» номзодлик диссертацияси. – Т., 2004.

71. Нуриддинов Б. «Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий педагогик асослари». номзодлик диссертацияси. – Т., 2002.

72. А. Абдиев. «Касб-хунар коллежларида иқтисодий таълим ва тарбия жараёнларини такомиллаштириш йиллари». – Т., 2002. Магистрлик диссертацияси.

73. Ш. Салиев. «Касб-хунар коллежлари учун иқтисодчи кадрлар тайёрлаш йиллари». – Т., 2002. Магистрлик диссертацияси.

74. И. Мамажонов «Бўлажак иқтисодчи ўқитувчи кадрлар тайёрлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш» Т., 2001. Магистрлик диссертацияси.

11. Илмий амалий анжуманлар маърузалар тўплами

75. Фарберман Б. Л. Раздаточнўе материалў методического семинара по передовўм педагогическим технологиям. – Т.: 13-14-15 июня 2005.

76. Илғор педагогик технологиялар асрсиди дарс ўтиш йиллари. Ўқув услубий ишланмалар тўплами. – Т.: ТДИУ. 2005.

77. Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истиқболлари. – Т. ЎзПФИТА. 2003.

78. «Таълим самарадорлигини ошириш йиллар» мавзусидаги семинар тренинг материаллари. – Т.: 2002.

79. Иқтисодий таълим: назария, тажриба, муаммолар ва истиқбол. Халқаро илмий-амалий анжуман. 19 апрел, 2001.

12. Интернет сайтлари

80. www.plekhanov.ru

81. www.tgeu.uz

82. www.tatu.

83. www.pomorsu.ru

84. www.MTU-NET.ru

85. www.bankreferatov.ru

86. www.elsu.ru

13. Электрон дарслик ва ўқув қўлланма

87. Г. Очилова. “Педагогика” дарслик. – Т., 2005.

88. Г. Нажмиддинова. Педагогик маҳорат. Электрон қўлланма. – Т., 2013.

ИЛОВА ЛАР

Педагогнинг тарбиячи сифатида касбий мавқеини диагностика қилиш усуллари.

Ўқитувчи (ёки бир гуруҳ ўқитувчилар) тўлдиришлари учун кетма – кетликда № 1 ва №2 сўровнома варақалари берилади. Бунда варақалар берилиши орасидаги вақтга асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади. У камида бир кунга тенг бўлиши керак. Бу жавоб берувчида нисбатан «келишиш» мойиллиги ҳиссини пасайтириш ва сўровномада тўғри жавобларни олдиндан билиб олиш каби имкониятларни камайтириш учун амалга оширилади.

№1 СЎРОВ ВАРАҚАСИ

Ҳурматли ҳамкасаба! Сизга педагогнинг тарбиячи сифатидаги хатти-харакатлари рўйхати берилган. Сизнинг у ёки бу хатти-харакатга муносабатингиз қандай? Ҳар бир савол бўйича Сизга берилган тўртта жавоб вариантлари қаторидан ўзингиз тўғри деб ҳисоблаган жавобингизни қўйинг.

Тарбиячи – педагогнинг хатти-харакатларига жавоб вариантлари

Керак деб ҳисоблайман

Муҳим деб ҳисоблайман

Шарт эмас деб ҳисоблайман

Керак эмас деб ҳисоблайман

Тарбиячи – педагогнинг ҳаракат турлари

1. Болалар билан тенг муносабатда бўлиш
2. Болага нисбатан муносабатда эмпатияни намоён қилиш
3. Боланинг имконияти ва қобилиятига нисбатан албатта ишонч билдириш
4. Болани унинг ютуқ ва камчиликларидан қатъий назар тенг шахс сифатида қабул қилиш,
5. Бола шахсини эмас, балки унинг амалларини холисона баҳолаш.
6. Болаларга ўзининг ахлоқий эътиқоди, қадриятлари ва қизиқишларини очик намоён қилиш.
7. Умумий мақсадларга эришишда болалар билан ҳамкорлик қилиш.

8. Фаолиятнинг турли йўналишларида ўқувчиларни тарбияловчи вазиятларни яратиш.
9. Ҳар бир бола учун «муваффақиятга эришиш вазияти»ни ҳосил қилиш.
10. Бола шахси ва синф жамоаси ривожланиши учун «тарбияловчи жанжал вазияти» ни ҳосил қилиш.
11. Дарсинг тарбияловчи имкрниятини ошириш.
12. Ўз-ўзини бошқаришнинг фаол субъектлари сифатида ўқувчиларни кўллаб-қувватлаш.
13. Болалар афзал кўрган ишларини амалга оширишларига аралашидан воз кечиш.
14. Боладаги билиш жараёнини кўллаб–қувватлаш.
15. Ўз имкониятларини намойиш қилиш ва ўз йўлини ўзи белгилаб олишида болага реал имкониятларни яратиб бериш.
16. Болаларнинг ўқитувчига нисбатан бўладиган тарбия таъсирини қабул қилиш.
17. Ўзининг ютуқ ва камчиликларига ҳолисона танқидий муносабатда бўлиш.
18. Ўзининг касбий ва маънавий ўсиши устида иш олиб бориш.
19. Ўзининг жисмоний ва руҳий соғлиги хусусида қайғуриш
20. Тарбия соҳасида ўзининг касбий билим кўникмаларини кенгайтириб ва чуқурлаштириб бориш
21. Ўзининг тарбия соҳасидаги фаолиятини доим таҳлил қилиб бориш.
22. Болалар, ўспиринлар ва ўсмирлар субмаданиятига хос билимларини янгилаб бориш.
23. Ўз фаолиятини ўқув юртидаги тарбия жараёни талаблари бўйича таҳлил қилиб бориш.
24. Педагогик ўз–ўзини бошқариш жараёнида фаол иштирок этиш.
25. Ўз ҳамкасабалари фаолиятига ижобий қизиқиш.
26. Педагогик жамоада соғлом ахлоқий муҳитни таъминлаш.
27. Касбий муаммоларни ҳамкасблари билан очик муҳокама қилиш.

28. Бошқа педагогларнинг ўз тажрибаси билан танишишларига имкон яратиш.
29. Янги ва ёш ўқитувчиларга ёрдам бериш.
30. Боланинг мактабдан таш.арида бўш вақтини қандай ўтказиши ва оиладаги ҳаётига эътибор бериш.
31. Боланинг оилавий тарбиясидаги ижобий жиҳатларни қўллаб–қувватлаш.
32. Ота – онаси билан келиша олмаётган болалар манфаат-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.
33. Ўз ўқувчилари ота–оналарининг тарбиявий савияларини оширишда уларга ёрдам бериш.
34. Тарбия жараёнига оид муаммоларни ҳал этишда бошқа педагоглар, психологлар, тиббиёт ходимлари ва бошқалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.
35. Ижтимоий носоғлом муҳитга тушиб қолган болага ёрдам бериш ва уни ҳимоя қилиш.

№2 СЎРОВ ВАРАҚАСИ

Хурматли ҳамкасб! Сизга педагогнинг тарбиячи сифатидаги хатти-харакатлари рўйхати берилган. Сизнинг у ёки бу хатти-харакатга муносабатингиз қандай? Ҳар бир савол бўйича Сизга берилган тўртта жавоб вариантлари қаторидан ўзингиз тўғри деб ҳисоблаган жавобингизни қўйинг.

Тарбиячи – педагогнинг хатти-харакатларига жавоб вариантлари

Доим амал қиламан

Кўпинча амал қиламан

Камдан-кам амал қиламан

Амал қилмайман

Тарбиячи – педагогнинг хатти-харакат турлари

1. Болалар билан тенг муносабатда бўлиш
2. Болага нисбатан муносабатда эмпатияни намоён қилиш
3. Боланинг имконияти ва қобилиятига нисбатан албатта ишонч билдириш

4. Болани унинг ютуқ ва камчиликларидан қатъий назар тенг шахс сифатида қабул қилиш,
5. Бола шахсини эмас, балки унинг амалларини холисона баҳолаш.
6. Болаларга ўзининг ахлоқий эътиқоди, қадриятлари ва қизиқишларини очик намоён қилиш.
7. Умумий мақсадларга эришишда болалар билан ҳамкорлик қилиш.
8. Фаолиятнинг турли йўналишларида ўқувчиларни тарбияловчи вазиятларни яратиш.
9. Ҳар бир бола учун «муваффақиятга эришиш вазияти»ни ҳосил қилиш.
10. Бола шахси ва синф жамоаси ривожланиши учун «тарбияловчи жанжал вазияти» ни ҳосил қилиш.
11. Дарснинг тарбияловчи имкраниятини ошириш.
12. Ўз-ўзини бошқаришнинг фаол субъектлари сифатида ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш.
13. Болалар афзал кўрган ишларини амалга оширишларига аралашидан воз кечиш.
14. Боладаги билиш жараёнини қўллаб–қувватлаш.
15. Ўз имкониятларини намоёиш қилиш ва ўз йўлини ўзи белгилаб олишида болага реал имкониятларни яратиб бериш.
16. Болаларнинг ўқитувчига нисбатан бўладиган тарбия таъсирини қабул қилиш.
17. Ўзининг ютуқ ва камчиликларига холисона танқидий муносабатда бўлиш.
18. Ўзининг касбий ва маънавий ўсиши устида иш олиб бориш.
19. Ўзининг жисмоний ва руҳий соғлиги хусусида қайғуриш
20. Тарбия соҳасида ўзининг касбий билим кўникмаларини кенгайтириб ва чуқурлаштириб бориш
21. Ўзининг тарбия соҳасидаги фаолиятини доим таҳлил қилиб бориш.
22. Болалар, ўспиринлар ва ўсмирлар субмаданиятига хос билимларини янгилаб бориш.

23. Ўз фаолиятини ўқув юртидаги тарбия жараёни талаблари бўйича таҳлил қилиб бориш.
24. Педагогик ўз-ўзини бошқариш жараёнида фаол иштирок этиш.
25. Ўз ҳамкасабалари фаолиятига ижобий қизиқиш.
26. Педагогик жамоада соғлом ахлоқий муҳитни таъминлаш.
27. Касбий муаммоларни ҳамкасблари билан очик муҳокама қилиш.
28. Бошқа педагогларнинг ўз тажрибаси билан танишишларига имкон яратиш.
29. Янги ва ёш ўқитувчиларга ёрдам бериш.
30. Боланинг мактабдан таш.арида бўш вақтини қандай ўтказиши ва оиладаги ҳаётига эътибор бериш.
31. Боланинг оилавий тарбиясидаги ижобий жиҳатларни қўллаб-қувватлаш.
32. Ота – онаси билан келиша олмаётган болалар манфаат-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.
33. Ўз ўқувчилари ота-оналарининг тарбиявий савияларини оширишда уларга ёрдам бериш.
34. Тарбия жараёнига оид муаммоларни ҳал этишда бошқа педагоглар, психологлар, тиббиёт ходимлари ва бошқалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.
35. Ижтимоий носоғлом муҳитга тушиб қолган болага ёрдам бериш ва уни ҳимоя қилиш.

Натижаларни таҳлил этиш

Иккита сўров варақаси ўқитувчи мавқеи хусусидаги фикр-мулоҳоза (назарий қарашлар) ва фаолият (амалий ишлар) бўйича тассавурларнинг бирлигига мос келади. Шартли равишда “1-СЎРОВ ВАРАҚАСИ” педагог «тафаккурини», “2-СЎРОВ ВАРАҚАСИ” эса унинг «фаолиятини» тарбиячи мавқеидан келиб чиқиб аниқлаб беради.

Натижаларни санаш куйидагича бўлади: “1-СЎРОВ ВАРАҚАСИ” нинг жавоблари “2-СЎРОВ ВАРАҚАСИ” нинг жавоблари устига қўйилади. Кейин туртга жавоб вариантларининг қайси қаторлари бир-бирига тўғри

келиши аниқланади. Шундан кўп тўғри келган жавоб вариантнинг каторларидаги жавоблар етакчи бўлади. Бу эса педагогнинг тарбиячи сифатида касбий мавқеининг ривожланиш даражасидан далолат беради.

Натижаларнинг изоҳлари

Агар 1 – ҚАТОР («керак деб ҳисоблайман» - «доим амал қиламан») бўйича жавоблар кўпи тўғри келса, демак бизнинг олдимизда жуда кучли касбий мавқега эга тарбиячи турган бўлади.

Агар 2 – ҚАТОР («муҳим деб ҳисоблайман» - «кўпинча амал қиламан») бўйича жавоблар кўп бўлса, демак бизнинг олдимизда касбий мавқеи нисбатан кучли тарбиячи турган бўлади.

Агар 3 – ҚАТОР («шарт эмас деб ҳисоблайман» - «камдан-кам амал қиламан») бўйича жавоблар кўп бўлса, демак бизнинг олдимизда касбий мавқеи нисбатан кучсиз тарбиячи турган бўлади.

Агар 4 – ҚАТОР («керак эмас деб ҳисоблайман» - «амал қилмайман») бўйича жавоблар кўп бўлса, демак бизнинг олдимизда касбий мавқеи кучсиз тарбиячи турган бўлади.

Агар натижалар жуда юқори бўлса, текширилувчини якка суҳбатга таклиф этиш мумкин бўлади. Унинг материаллари билан танишиб чиқиб, у томонидан у ёки бу ишни қандай амалга оширишини ўзига билдирмасдан эҳтиёткорлик билан сўраб олиб, унинг ҳақиқий кучли тарбиячи ёки бўлмаса жавобларда «кўзга хас ташлаган» сохта тарбиячи эканлиги хусусида тўлақонли тасаввурга эга бўлиш мумкин бўлади.

Шу билан бирга ушбу тест саволларига таяниб педагогнинг тарбиячи сифатидаги касбий мавқеи бўйича янада аниқлаштирилган чуқурроқ таҳлиллар ўтказиш имконияти ҳам мавжуддир. Жумладан, педагог касбий мавқеи ўзига хослигини тарбия жараёнидаги «субъектлик даражаси» бўйича кўриб чиқса ҳам бўлади, яъни:

1) педагог бола ва болалар гуруҳига тарбиявий таъсир этишнинг субъекти (1-16 бандлар бўйича фикрлар);

- 2) педагог тарбиячи сифатида шахсий ва касбий ривожланиш жараёнининг субъекти (17 – 22 бандлар бўйича фикрлар);
- 3) педагог ўқитувчилар ва тарбиячилар жамоасини шакллантиришда иштирок этаётган фаол субъект (23 – 28 бандлар бўйича фикрлар);
- 4) педагог болалар тарбиясини янада рағбатлантирадиган, уларга ёрдам билан «чиқаётган» ижтимоий гуруҳлар, жамоатчилик ҳамкорлигини йўлга қўйувчи фаол тарбиялайдиган воситачи субъектлар (29 – 35 бандлар бўйича фикрлар).

Бундай табақалаштирилган таҳлил ёрдамида келтирилган типлардан қайси бири текширувчиларга тўғри келади ёки тўғри келмаслигини билиш мумкин бўлади. Бу эса педагог тарбиячининг касбий юксалиши йўлидаги тўсиқларни аниқлаб уни бартараф этишга имкон беради.